



Y	'	R	M	h	n	w	t	t	'	x	n	n	y	c	n	p	
5	2	1	+		-	o	o	o	4	11	1	1	3		-	o	1
3	2	Y	x	-	-	o	o		4	2	-	1	1	.	o	2	
Y	2	1	1							4	-	1	5	2	.	o	3
5	2	1	+							2	1	1	3	2	.	o	4
5	2	Y	+					o	4	4	1	1	5	x	.	o	5
							o	o	1	4	-	1	5	2	.	o	6
5	2	Y			-	-	o	o	7	2	1	-	1	.	o	7	
3	o	1	+	-	-	o	o	o	2	2	1	-	3	1	.	o	8
		Y	+			o	o	o	2	2	1	1	1	1	.	o	9
5	2	1	-	1	-	o	o	o							.	o	10

◆ **ЎРТА ОСИЁ БИТИКЛАРИ**

Ғайбулла БОБОЁРОВ, Бобир ҒОЙИБОВ,  
Андрей КУБАТИН

Ғайбулла БОБОЁРОВ, Бобир ҒОЙИБОВ,  
Андрей КУБАТИН



**ЎРТА ОСИЁ  
БИТИКЛАРИ**



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ

МИЛЛИЙ АРХЕОЛОГИЯ МАРКАЗИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ  
ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ УНИВЕРСИТЕТИ

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

Ғайбулла БОБОЁРОВ, Бобир ҒОЙИБОВ,  
Андрей КУБАТИН

# ЎРТА ОСИЁ БИТИКЛАРИ

## I

СУҒДИЙ ЁЗМА ЁДГОРЛИКЛАР

ТОШКЕНТ  
“ТАФАККУР AVLODI”  
2020

УЎК: 930.25(575.1)(091)

КБК 79.3g(5Ў)

Б 31

**Бобоёров, Ғайбулла.**

Ўрта Осиё битиклари – I. Суғдий ёзма ёдгорликлар / Ғ. Бобоёров, Б. Ғойибов, А. Кубатин; масъул муҳаррир М. Исҳоқов. – Тошкент: “Tafakkur avlodi” 2020. – 168 б.

ISBN-978-9943-6897-6-3

**Масъул муҳаррир:**

*т.ф.д. М. Исҳоқов*

**Такризчилар:**

*т.ф.д. А. Анарбоев*

*т.ф.н. Ф. Мақсудов*

ISBN-978-9943-6897-6-3

“Tafakkur avlodi”, 2020 й.

## МУНДАРИЖА

СЎЗБОШИ.....	5
<b>I-БОБ. СУҒДИЙ ЭПИГРАФИКА.....</b>	<b>8</b>
1-§. Умумий маълумот.....	8
2-§. Муғ тоғи суғдий ҳужжатларидаги туркий унвонлар.....	11
3-§. Кофирқалъадан топилган “хотун” унвонли мухр.....	15
4-§. “Хоқон” унвонли Панжикент муҳри.....	21
5-§. В-4 рақамли Муғ тоғи суғдий ҳужжатида “Фарғона”.....	24
6-§. В-17, В-18, А-14 рақамли Муғ тоғи суғдий ҳужжатларидаги “хоқон” ва “хун”лар ким эди?.....	28
7-§. Қирғизистондан янги топилган суғдий битиклар.....	59
8-§. Исломдан олдинги Чоч муҳрларида “Фарн” (кут) сўзи.....	63
9-§. Руст (Хахсар) ҳукмдори Афшундан Картёга мактуб.....	65
10-§. Кавч томонидан Пачпарга берилган тилхат ...	67
11-§. Афросиёбдан топилган сопол идишдаги суғдий ёзув.....	68
12-§. Канак исми битилган хумдаги ёзув.....	70
13-§. V–VI асрларда Чочнинг боши моний руҳонийси – Сāнак.....	71
14-§. Суғдий битиклар ва тангаларда “Чоч халки йўлбошчиси”.....	75
15-§. Суғдий ёзувли Нахшаб муҳри.....	80
16-§. Кофирқалъадан топилган муҳрдаги зардуштийлик илоҳи.....	83
17-§. Чоч кўзасидаги суғдийча битик.....	85
18-§. Қирғизистондан топилган хум сиртидаги суғдий битик.....	88

19-§. Суғдий ёзувли дудама қилич .....	90
20-§. Эрмитаж музейидаги суғдий битиклар.....	93
21-§. Кофирқалъадан топилган айрим муҳрларнинг янгича талқини .....	100

## **II-БОБ. НУМИЗМАТИКА..... 108**

1-§. Умумий маълумот .....	108
2-§. Илк ўрта асрларга тегишли суғдий ёзувли тангалар.....	109
3-§. Суғдий ёзувли Тўхористон тангалари (илк ўрта асрлар) .....	112
4-§. Исломгача даврдаги тангаларда “Фарғона” ибораси.....	139
5-§. Исломдан олдинги “Қут-чўр” унвонли Еттисув тангаси .....	142
6-§. Ғарбий Турк хоқонлигида суғдий тилнинг ўрни .....	143

## **Хулоса..... 148**

## **Фойдаланилган манба ва адабиётлар..... 151**

### СЎЗБОШИ

Кишилик ўтмишини ёзувсиз кўз олдимишга келтириш қийин. Минглаб йиллар кесимида ўзларидан деярли бирор из қолдирмаган узоқ ота-боболаримиз бундан беш минг йил олдин ёзувни яратиб, келажак учун ўзлари тўғрисида бирон нарса қолдира бошладилар. Бошланғичи Миср, Месопотамия, Хитой бўлган ёзув маданияти милoddан олдин - унинг сўнгги бир мингйиллигининг ўрталарида Ўрта Осиёда кенг ёйила бошлади. Ўша чоғларда – VI–IV асрларга келиб оромий ёзуви негизидаги эски эрон ва юнон ёзувларини қўллана бошлаган ота-боболаримиз ушбу ёзувларга таяниб, ўзларининг илк ёзувларини яратишга киришдилар. Суғдий, хоразмий, бақтрий каби ёзувлар уларнинг илк ўрнаклариди. Улар орасида айниқса суғдий ёзув ўзининг кенг ҳудудларда тарқалганлиги ва ўзидан бой мерос қолдирганлиги билан ўтмишда айрича ўрин эгаллади.

Суғдий ёзувдаги битиклар Амударё – Сирдарё оралиғи ва унга туташ ўлкалар, Етгисув, Шарқий Туркистон, Шимоли-Ғарбий Хитой, Мўғулистон тупроқларидан кўплаб топилган бўлиб, уларнинг ўзаги Суғд ўлкасидан униб чиққан эди. Айниқса ушбу ёзув битилган суғдий ва эски турк танга-пуллари эса Суғд ўлкаси (Самарқанд – Бухоро – Кеш – Нахшаб ва б.)дан ташқари Шимолий Тўхористон (Сурхондарё), Уструшона, Чоч, Ўтрор, Фарғона ва Етгисув ўлкаларида юзйилликлар кесимида кенг қўлланилди.

Қашқадарё ва Зарафшон дарёлари қирғоқларидаги тарихий Суғд бугунги Самарқанд, Бухоро, Навоий ва Қашқадарё вилоятларини ўз ичига олиб, суғдий маданият қўшни ёки яқин тегралардаги Уструшона, Чоч, Фарғона, Шимолий Тўхористон ва Сирдарёнинг ўрта оқимларигача кенг ёйилди. Бундан ташқари, Етгисув,

Шарқий Туркистон (Кошғар, Турфон), Шимолий Хитой, Ўрхун водийси (Мўғулистон)да ушбу тил ва ёзув кенг қўлланилди. Турк хоқонларининг ўз ёдномалари – битиктошларни яратишда ва танга-пулларини бос-тиришда суғдий ёзувни ишлатганликлари эса ўз-ўзидан бўлмаган. Бу – бир томондан Буюк Ипак йўлининг йирик тармоқларидан бири бўлмиш “Шимолий йўналиш” - “Буюк турк йўли”дан ўтиши, иккинчи томондан эса Шимолий Қора денгиз бўйларидан бошлаб Узоқ Шарққача чўзилиб кетган Евросиё кенгликларида ўз бошқарувини ўрнатган Турк хоқонлиги (552-744) чоғида суғдий элатнинг туркийлар билан ёнма-ён, тинч-тотув ва елкадош бўлиб яшаганликлари билан боғлиқдир.

Қадим ва илк ўрта асрларда - милоддан олдинги I мингйилликнинг сўнгги асрларидан бошлаб милодий I мингйилликнинг сўнгги юзйиллигигача Ўрта Осиёда кенг ёйилган тиллардан бири сифатида суғдий тил ва ундан бизгача етиб келган ёзма ёдгорликлар бугунги эл-улуслар учун, айниқса, ўзбек эли ўтмишини ўрганишда ўзига хос ўрин тутди.

Зарафшон ва Қашқадарё воҳалари, хусусан Самарканд, Бухоро, Қарши, Шаҳрисабз каби бир неча тарихий вилоят ва туманларни ўз ичига олган тарихий Суғд ўлкасида қадимдан суғдий ва туркий аҳоли яшаб келган. Шунингдек, қадимги Уструшона (бугунги Жиззах ва Сирдарё вилоятлари, Тожикистонинг бир қисми) тупроқлари ҳам қадимда суғдий аҳоли яшаган ўлкалар сирасига киради.

Суғдийлар ўрта асрларга келиб, асосан, Ўрта Осиё халқлари, шу жумладан, ўзбек ва тожик халқлари таркибига сингиб кетадилар. Турли мазмундаги ёзма манбалар билан биргаликда ушбу элатга хос урф-одатлар, маданият ва бошқалар ўрта осиеликларга мерос бўлиб қолгани буни кўрсатиб турибди. Айниқса, ўзбек тилида юзлаб суғдий тил элементлари (жой номлари, сўз ва атамалар) сақланиб қолгани суғдий тил ва ёзувини тадқиқ этиш заруриятини келтириб чиқарди.

## ЎРТА ОСИЁ БИТИКЛАРИ

Ўзбекистон ва унга қўшни ўлкаларда суғдий ёзма меросга тегишли кўплаб ёзма ёдгорликлар топилган ва топилмоқда. Археологик қазишмаларда бу тилда ёзилган манбалар (эпиграфик, нумизматик, геральдик, сопол ва металл буюмлар сиртидаги битиклар, қоятош ёзувлари, ҳужжатлар ва б.)нинг кўлами анча кенг эканлиги аниқланиши бу йўналишда чуқур илмий изланишлар олиб боришни талаб қилмоқда.

Милоддан олдинги бир мингйилликнинг сўнгги асрларига келиб Суғд ўлкаси аҳолисининг бир бўлагига эпчил савдо-сотикчилар, қўлигул уста ҳунарманд ва шаҳарсозлар ўлароқ Чоч, Ўтрор (Сирдарёнинг ўрта ҳавзаси), Фарғона, Еттисув, Шарқий Туркистон, Мўғулистон ва Шимолий Хитой ҳудудларига кўчиб бориб ўрнашадилар. Буюк Ипак йўлининг ҳам шимолий, ҳам жанубий тармоқларида кенг фаолият юритган суғдийлар ушбу йўналишлар бўйлаб ўз шаҳарлари ва савдо-сотик кўналғаларини курадилар. Тирикчиликнинг бу тармоқларида ўта эпчил бўлган суғдийлар Ипак йўлининг узлуксиз ўсишига ўз улушини қўшадилар. Бу эса суғдий тилнинг Сирдарё бўйларида Хитойгача чўзилган кенгликларда халқаро мулоқот тилига айланишига олиб келади. Бугунги кунда Марказий Осиё ва унга туташ ҳудудлар (Волга-Уралбўйи, Мўғулистон, Хитой, Тибет ва б.)дан суғдий ёзма ёдгорликларининг кўплаб топилаётганлиги буни кўрсатиб турибди.



## **I-БОБ. СУҒДИЙ ЭПИГРАФИКА**

### **1-§. Умумий маълумот**

Милоддан олдинги II – милодий XII асрларда Аму-дарё – Сирдарё оралигида яшаган йирик элатлардан бири ўлароқ билинган суғдийлардан бугунгача улкан маданий мерос етиб келди. Уларнинг сезиларли бир қисмини эпиграфик ёдгорликлар ташкил этади. Бугунги кунда Ўзбекистон ва Ўрта Осиёнинг деярли барча республикаларида топилаётган суғдий ёзма ёдгорликлар: тери, сопол, суяк, металл, тош ва бошқа буюмлар сиртидаги битиклар, тоғ қояларидаги ёзувлар буни тасдиқлайди. Шунингдек, суғдий битиклар Марказий Осиё – Тожикистон (Панжикент, Хўжанд), Жанубий Қозоғистон (Сирдарёнинг ўрта ҳавзаси, Тароз, Чу), Қирғизистон, Туркменистон ҳамда минтақа кўшни ҳудудлар ХХР (СУАР/Шарқий Туркистон, Шимоли-Ғарбий Хитой), Мўғулистон, Тибет ва Покистон (Шатиал) дан кўплаб топилган. Бундан ташқари, Волга – Урал бўйидан ҳам суғдий ёзувли тангалар ва кумуш идишлар топилган бўлиб, бу эса ўз вақтида суғдийларнинг халқаро қарвон йўлларида олиб борган фаолиятларининг натижаси эди.

Суғдийлар қарийб бир ярим минг йил давомида Буюк Ипак йўлининг нафақат ушбу минтақадан ўтувчи тармоқларида, балки Шарқий Европадан то Узок Шарққача, Уралбўйи ва Жанубий Сибирдан то Шимолий Ҳиндистон ва Тибетгача чўзилган ҳудудларда яшаган турфа халқларни дунёнинг турли бурчакларида яратилган маданият янгиликларидан хабардор бўлишини таъминлади. Улар кўп ҳолларда туркий давлат уюшмаларининг қарамоғида тинч-тотув савдо-сотик ишларини йўлга қўйдилар. Юксак маданият яратган эл-улуслардан бири сифатида суғдийлар билан ёнма-ён яшаган ва кўп ҳолларда уларнинг ҳомийлари бўлган туркийлар

## ЎРТА ОСИЁ БИТИКЛАРИ

ҳам кўп асрлар давомида минтақа тарихида ўзига хос ўрин эгаллади. Узоқ асрлар давомида ҳар иккала халқнинг ўзаро қўшни ва аралаш яшашлари пировардида улар ўзаро сингишиб, Ўрта Осиё халқлари маданиятига улкан улуш қўшишига олиб келди.

Милоддан олдинги сўнги бир мингйилликнинг охирги асрлари ва милонинг илк асрларидаёқ юксак ривожланган ёзув маданиятига эга бўлган суғдийлар ўз тилларида юзлаб ёзма ёдгорликларни мерос қолдиришди. Суғдий тилда яратилган ҳуқуқ ҳужжатлари, иш юритиш тартиби ва ёзишмалари, бадий ва диний адабиёти, танга-пул тизими, таржима ишлари ва ҳоказолар бу тилнинг нақадар тараккий этганидан дарак бериб турибди.

Суғдий ёзма ёдгорликларнинг тарқалиш ареали анча кенг бўлиб, уларнинг сезиларли бир қисми Ўзбекистонга тўғри келади. Мамлакатимиздаги қадимий аҳоли масканлари – Афросиёб, Кофирқалъа (Самарқанд), Пойкент (Бухоро), Ерқўрғон (Қашқадарё), Қанқа (Тошкент), Қува (Фарғона) ва бошқа ўнлаб қадимий шаҳар қолдиқларидан топилаётган суғдий ёзма ёдгорликлар: сопол ва металл буюмлар сиртидаги битиклар, танга ва муҳр ёзувлари мутахассислар томонидан ўрганилиб, бу борада ўнлаб тадқиқотлар яратилмоқда. Айниқса, ўзбек суғдшунослари томонидан нумизматика соҳасида қўлга киритилган илмий ютуқлар жаҳон фанида айрича эътироф этилаётир. Бу борада кўпроқ Тошкент – қўхна Чоч ҳудудидан топилган суғдий ёзувли танга пуллар ва муҳрлар сиртидаги ёзувларда ўнлаб туркий ва суғдий унвонлар ўрин олганлигининг аниқланиши катта янгилик бўлди.

Изланишлар натижаси шуни кўратадики, суғдий ёзма ёдгорликлар фақатгина суғдий элат вакиллари-нинг мероси бўлиб қолмай, балки туркий халқлар ҳам бу тил ва ёзувдан узоқ вақтгача фойдаланиб, ўзларидан муайян из қолдиришганини кўрсатади. Турк ҳоконлиги даври бунга яққол мисол бўла олади. Бошланғичда


Олтой тоғларининг жануби-ғарби, Тяншаннинг шимолий этаклари ва Ўрхун (Мўғулистон) текисликларида ўз давлатини қурган ва йиллар ўтган сайин Шарқий Туркистон, Амударё – Сирдарё оралиғи, Хуросон ва Шимолий Ҳиндистон каби ўтроқ ўлкалар ҳамда Волга – Уралбўйи, Шимолий Кавказ ва Қора денгизнинг шимолида ўз бошқарувини ўрнатган Турк хоқонлиги ўзидан олдинги кўчманчи негизли бир неча давлат уюшмаларидан фарқли ўлароқ танга бостиришни йўлга қўйган, бунга амалга оширар экан эса ўз миллий ёзуви – турк-рун (Ўрхун-Энасой) ёзувидан ташқари суғдий, бақтрий, хинд ва паҳлавий ёзувлари билан танишишга улгурган, улардан айримларини давлат бошқаруви, иш юритиш ва халқаро ёзишмаларида расмий ёзув сифатида қўллаган.

Шунингдек, хоқонликнинг бошқарув марказларидан бири бўлган Чу ва Талас дарёлари ҳавзаси ҳамда Еттисувнинг бир қатор тоғ қояларидаги битиклар (Қулонсой, Терексой), қадимий шаҳар қолдиқларидаги сопол парчалари суғдий тилли эканлиги диққатни тортади. Уларнинг кўпчилик қисми илк ўрта асрларга тегишли бўлса, сезиларли бир бўлаги эса бундан-да эскироқ даврларга бориб тақалади. Сирдарёнинг ўрта ҳавзасидаги Кул-тўбе ёдгорлиги бунга мисол бўла олади.

Яқин йилларда эса Самарқанд шаҳри яқинидаги Қофирқалъа ёдгорлигида ўнлаб суғдий ёзувли булла – лой муҳрлар топилган бўлиб, улар сиртидаги битиклар давлатчилик тарихини ёритишда асқотади. Айниқса, муҳрларнинг бир туркумида “хотун” (малика) унвони учраши тарихимизнинг қоронғу томонларини ойдинлатади, деб ўйлаймиз.


### 2-§. Муғ тоғи суғдий хужжатларидаги туркий унвонлар

#### 1. Кул-эркин.


Б-18 рақамли Муғ тоғи суғдий хужжатининг 4-чи қаторида  сўзи учраб, хужжатни биринчилардан бўлиб ўқиб чиққан суғдшунос В.А. Лившиц уни *kwd'rtcynw* (Кударчину) ёки *kwd'rtrynw* деб, атоқли от бўлса керак очиклаган [қаранг: СДГМ, 1962, I: 153-156; Лившиц, 2008: 179-182]. Бироқ тадқиқотчи бу сўзнинг келиб чиқишига тўхталмаган. Хужжат мазмунидан келиб чиқиб суғдшунос олимлар бу атамани туркий негизли сўз, деб қарашган. М.Н. Боголюбов ва О.И. Смирнова бу борада қуйидагича қарашларни ўртага ташлаганлар: *kwd'β* = ўрта форс. *kulāf* “кулоҳ”; туркий тилда *kwdyju* “чўпон” ёки *kwd'rtcynw*, туркий тилда *kwdry* “чарм тури” [СДГМ, 1963, III: 95; Лурье, 2010: 216].

Бироқ, бу қарашларнинг бирортаси ўзини оқламайди. Шунга ўхшаш бирор исм ёки атама тарихий туркий ономастикада учрамайди. Бундан ташқари, “Кударчин” атамасини этимологик томондан очиклаш қийин. Бизнингча, ушбу атамани *kwd'rk'unw* деб ўқиш ва уни қадимги туркча *Kül Erkin* (Кул-эркин) унвони билан тенглаштириш тўғрироққа ўхшайди (қар. 1-расм)<sup>1</sup>. “Кул-эркин” унвони Фарбий Турк хоқонлигининг бошқарув тизимида кенг қўлланилган. Бу эса ушбу хоқонлик қарамоғидаги Панч ҳукмдорлигининг маъмурий бошқарувида ушбу унвон ишлатилгани ўша кезлардаги туркий-суғдий бошқарув аъёналарининг ўзаро қоришганини кўрсатиб турибди.

<sup>1</sup> Babayarov G. Two additional Turkic titles in Sogdian documents of Mugh Mountain // <http://www.groups.yahoo.com/group/Sogdian-L> (October 2011).




1-расм.

Хужжат матни *kwδ'rk'ynw* ибораси Kūl Erkin деб ўқилишини куйидагича тушунтирса бўлади:  сўзидаги б- белгининг ёзилиши бир қарашда -t ундошига ўхшаб кетса-да, уни -k ундошининг қисқароқ ёзилган кўриниши деб санаса бўлади, 7- белги эса -с (с̣) ундошидан кўра кўпроқ (а) унлисини эслатади. Шу ўринда суғдий а унлиси қадим туркий тилда а/е деб ўқилишини кўзда тутиш керак бўлади.


Бу ерда б- белгининг -t ундоши эмаслигини унинг ушбу хужжатда учрайдиган бошқа сўзлардаги -t белгисидан анча фарқли ёзилгани ҳам кўрсатиб турибди. Хужжатдаги *kwδ'rk'ynw* атамасидаги сўнгги белги -w (у)ни Афросиёб деворий суратларида учрайдиган *'wnš'w* (*'wnsw*), *cy'nkw*, *twr'ntšw* (*twr'ntšw*), ... *'zcy'tw* ёки бироз куйида кўриб чиқиладиган туркий амалдор унвони *ywn'ncw* “Йунанч / Инанч” каби атоқли отларга кўшилиб ёзилган -w (у)- билан тенглаштира бўлади [қар. Лившиц, 2008: 61-62].

## 2. Инанчу.

В-18 рақамли Муғ тоғи суғдий хужжатининг 17- чи қаторидаги  сўзини В.А. Лившиц *ywz'ncw* (Йузанч) ёки *ywzr'ncw* деб ўқиб, уни киши исми ўла-

## ЎРТА ОСИЁ БИТИКЛАРИ


роқ очиклаган бўлса [СДГМ, 1962, II: 123-126; Лившиц 2008: 132-136], Ф. Гренэ ва Э. Де ла Вессьерлар бу сўзни *yüz-beshi* деб ўқишган ва уни эски туркча унвон билан тенглаштиришган [Grenet, Vaissiere 2002: 162]. Бироқ бу очикламага қўшилиб бўлмайди. Биринчидан, туркий тилларнинг кўпчилигида ушбу унвон *yüz-beshi* эмас, балки *yüzbaşı* “юзбоши” кўринишида учрайди. Илк бор *yüzbaşı* кўринишида Турк хоқонлиги бошқарувида қўлланилган бу унвон *yüz-beşi* кўринишида янги уйғур тилида ишлатилади. Иккинчидан *yüzbaşı* унчалик юқори унвон бўлмай (“юзбоши”, “юзлик”), В-17 ҳужжатида тилга олинган туркий қўмондонлардан бирининг унвони ундан анча юқори бўлган.

Бу атамани биринчилардан бўлиб ўқиб чиққан В.А. Лившицнинг уни туркий негизда *uwz'ncw* (Йузәнч) деб очиклаганда тарихий ҳақиқатга бирмунча яқинлашган, бироқ Йузәнч кўринишидаги бирор туркий исм ёки атама туркий сўзликларда учрамаслиги, шунингдек, туркий тиллар ёрдамида унинг маъносини қандай бўлганини аниқлаш қийинлиги кишини ўйлантириб қўяди. Бизнингча, бу атама эски туркча *inanču / yūnanču* унвони билан тенглаштирилса тўғрироқ бўларди. Унинг ёзув бичими ҳам шунга яқин келади (қар. 2- расм).  атамасидаги 3- белги (■) суғдий ёзувда иккита ундош – *n* ва *z/j* товушларини ёзиш учун ишлатилганидан келиб чиқилса, ушбу атамани *uwn'ncw* деб ўқиш ва уни эски туркча “инанчу” унвони билан тенглаштириш қийин бўлмайди. Шунингдек, суғдийлар туркий атамаларни ёзишда турлича ёндашганликлари, айрим атамаларни, айниқса, унли товуш билан бошланадиган туркий сўзларни ёзишда бир неча кўринишда ёзганини кўзда тутиш керак бўлади. Суғдий битикчилар туркий атамаларни (номлар, шахс, жой номлари ва б.) ҳар доим ҳам бир хил кўринишда ёзишмаган. Айниқса, туркий тилдаги унлиларни ёзиш учун бирон бир қоида бўлмаган. *Inanču* атамасининг ёзув бичими хитой йилномаларида *i-nan-ju / yi-nan-ju / yu-nan-ju* кўрини-

шларида [Liu Mau-Tsai, 2006: 417], эски турк битиктошларида *yīnanç* кўринишида учраши [Donuk, 1988: 17-18] ҳам буни қарашимизни тўғрилайди.

Демак, туркий “инанчу” атамасининг “йунанчу” ёзилишига бирор янглишув деб қарамаслик керак. Ўша кезларда энг кўп тарқалган эски туркча “элтабар” унвонини суғдийлар *rytтыр*, *dytтыр* кўринишларида ёзганликлари каби.

*Inançi* Турк хоқонлиги бошқарувида юқори унвонлардан бири бўлиб, ушбу суғдий ҳужжатда Панч бошқарувчиси Хахсар ҳоқими Афшунга “ўша Йунанчу (Инанчу) ва ўша хун (турк)лар (Суғд ҳукмдорлигида нима юз берганини), бизни кутқариш учун қандай ёрдам бериш зарур (эканини) ва улар бизни (қандай) кутқариб қолишлари тўғрисида ўзлари сендан яхшироқ биладилар” деб ёзганида хоқонлик кўшинлари бошида “инанчу” унвонли кўмондон бўлгани англашилади [СДГМ, 1962, II: 123-126; Лившиц, 2008: 132-136]. “Инанчу” атамаси этимологик томондан “инонмоқ” феъли негизида ўртага чиққан “инончли”, “ишонч”, “ишончли” сўзлари билан солиштирилади [Қар. Clauson, 1972: 187-188].



2-расм

### 3-§. Кофирқалъадан топилган “хотун” унвонли муҳр

Самарқанд шаҳридан 18 чақирим жанубда, Дарғом каналининг сўл қирғоғида Кофирқалъа деб аталадиган эски шаҳар қолдиғи Суғд ҳукмдорларининг бугунги кунгача етиб келган қароргоҳларидан бири саналади. Ушбу ёдгорлик яқин йилларда археологлар томонидан қазиб ўрганилганда унинг илк ўрта асрларга тегишли қатламларидан ўнлаб моддий буюмлар топилди. Айниқса, ёдгорликнинг ҳукмдор қароргоҳи қисмида турли инсон тасвирлари чизилган деворий расмлар, лойдан ясалган юзлаб булла (муҳр) ва турли тасвирлар туширилган сопол идишлар топилиб, улар Ғарбий Турк хоқонлиги (568-740) ва Самарқанд ихшидлиги (VII–VIII асрлар) тарихининг бугунгача қоронғу бўлган саҳифаларига ойдинлик киритмоқда.

Топилмалар орасида бир хил кўринишдаги инсон тасвири ва ёзув ўрин олган 4 дона булла (муҳр) кўпчиликнинг диққатини тортди, улардаги суғдий ёзувнинг ўқилиши бўйича турлича қарашлар билдирилмоқда. Муҳрнинг сўл ва ўнг томонида юқоридан қуйига тўғри йўналишдаги иккита сўз ёзилган бўлиб, биринчи йўналишда икки қатор, иккинчиси йўналишда эса бир қатор ёзув учрайди. Ушбу муҳрларни синчиклаб ўрганган А. Бердимуродов ва Г. Богомолловлар ёш суғдшунос А. Бегматов орқали таниқли япон суғдшуноси Ютака Йошидага кўрсатишган. Ушбу япон олимга кўра, бу ёзувлар *x'twnh* (“хотун”) ва “Чирти / Эрти Апа Унин” деб ўқилади. Ю. Йошида бу ёзувни “Унин – Турк хоқони Чирти / Эрти Апа (=ака)нинг хотини” деб очиқлаб, муҳрнинг сўроқ белгиси остида VII аср бошларига тегишли эканини илгари сурган [Бердимуродов, Богомоллов, Такао, Бегматов, 2016: 51-60].





3-расм.

Ю. Йошиданинг ушбу мухрларда “хотун” сўзини тўғри топганига қўшилган ҳолда, шуни айтиб ўтиш керакки, қолган ёзувларни “*Чирти / Эрти Апа Унин*” деб ўқиш ўзини оқламайди. Шу ўринда, муаллифлар (А. Бердимуродов ва б.) *x'twnh* сўзидан ташқари мухр ёзувининг лотинча транскрипциясини келтиришмаган, бу эса суғдий жумлани япон суғдшуноси айнан қандай ўқигани бўйича аниқ бир фикр билдиришни қийинлаштиради. Бизнингча, Ю. Йошида ёзувларга қуйидагича транскрипция берган-у, мақола муаллифлари уни тўлақонли келтиришмаган: *c/'yrty 'p' 'wnwn* “*Чирти / Эрти Апа Унин*”.

Мухрлардаги суғдий ёзувининг сўл томондагисини “*Чирти / Эрти Апа Унин*”, ўнг томондагисини эса “*хотун*” деб ўқиб, бутун жумлани “*Унин – Чирти / Эрти Апа (=ака)нинг хотини*” деб очиқлаш, шунингдек,

## ЎРТА ОСИЁ БИТИКЛАРИ

Чирти / Эрти Апа атамасини бирор турк хоқонининг исми, “хотун”ни эса унинг аёли дейиш, бизнингча ўзини унча оқламайди. Биринчидан, мухрлардаги суғдий жумланинг ёзув бичими бундай ўқишга йўл қўймайди. Иккинчидан, эса туркий ономастикада бундай киши исми ёки унвонига дуч келинмаган. Ёзма манбаларда “бош, бошлиқ, ота-бобо” маъносида эски туркча “апа” атамаси учраса-да [ДТС, 1969: 47; Кубатин, 2016: 138], Чирти / Эрти Апа исмли бирор турк хоқони бошқарувда бўлгани аниқ эмас. Шунингдек, эски ва бугунги туркий тилларда Чирти / Эрти деган киши исми учрамайди.

Бизнингча, сўл томондаги суғдий жумлани *ZYk ZK t'pk / (t'p'[k]) cty'kH / cwy'kH* (?) “Бу – *cty'kH / cwy'kH* мухридир” деб ўқиб, ўнг томондагисини эса *x'twnH* “Хотун (малика)” деб очиқласа бўлади [Бобоёров, 2020: 47-49]. Ушбу ёзувнинг биринчи қаторидагиларини ўқишда деярли бирор ноаниқлик йўқ, бироқ уларнинг остидаги ёзув унчалик яхши сақланмагани учун уни сўроқ белгиси остида *cty'kh / cwy'kh* деб ўқиш ва хотин-қизларга тегишли бирорта атоқли от бўлса керак, деб қараш билан чекландик. Муғ тоғи суғдий хужжатларидан Nov. 3 рақамли никоҳ келишувида суғд кизи Дуғдунча билан боғлиқ *cttH* ва *ctyH* “Чата” атамалари учраганидек, 639 йилда ёзилган Чинанчканд (Турфон) хужжатида “Туркистонда туғилган чўри Упачах номли аёл”нинг *cwy'kkH / cwt'kkH* “Чавйак” / “Чутак” уруғидан эканлиги айтилади [қар. Исҳоқов, 1993: 1, 5; Lurje, 2010: 166, 168]. Бошқа томондан эса ушбу ёзувни (*x*) *twnH* (?) деб ўқиса ҳам бўлади-ю, бироқ битта мухрнинг ўзида бундай унвоннинг икки кез ўрин олишини очиқлаш қийин.

Суғдий битикларда сўз бошида олмошлар кўпинча оромийча *ZK*, *ZNH* каби гетерограммаларда берилиб, улар суғдий тилдаги “у”, “бу”, “ана у” сингари олмошлар ўрнида келади [Lurje, 2010: 68-70, 72, 77, 79, 106, 166]. *t'pk* ёки *t'p'[k]* сўзи эса “мухр” маъносида қўлланилган суғдийча *t'p'k*, *t'p'k(h)* сўзининг бир кўриниши

бўлиб, бу сўз кўплаб суғдий ёзма ёдгорликларда учрайди [қар. Gharib, 1995: 383].

Суғдий тилли муҳрларда ZK, ZY, ZNH каби олмошларнинг кўп ишлатилиши, шунингдек, кўпинча муҳр ва шунга ўхшаш буюмларда муҳр эгасига ишора қилиниб, унинг исми ёки унвони келтирилиши бу қараши-мизни янада кучайтиради.

Кўринишидан Кофирқалъа муҳрларининг эгаси “хотун” унвонли бошқарувчи тоифа вакили бўлган. Ушбу топилмаларни биринчилардан бўлиб ўрганган А. Бердимуродов ва Г. Богомоловлар чордона қуриб ўтирган аёл тасвирини эски ҳинд будда динига хос анъана – бодхисатва култига тегишли “лотос” ҳолати билан боғлаб тушунтирадилар [Бердимуродов, Богомолов, Такао, Бегматов, 2016: 54-55]. Бизнингча, бу фикрга қўшилса бўлади, бироқ ушбу муҳрларда “хотун” унвонининг учраши ва унинг Турк хоқонлиги бошқарувида энг юксак унвон – “хоқон”дан кейинги юқори унвон бўлганини кўзда тутиш, шунингдек, уч мўғузли қалпоқ кийган малика тасвирининг хоқонлик билан боғлиқ кўплаб топилмаларда учраши ва негизи эски турк инончидаги илоҳа Умайга бориб тақалишини ҳисобга олиш керак бўлади [қар. Ртвеладзе, 1976: 26-27; Баратова, 2005: 418-419; Бабаяров, 2007: 14-15, 30]. Тангашунос Л.С. Баратовага кўра, тангалардаги бу тасвир эски турк инончига кўра болалар ва жангчилар кўрикловчиси, ҳомиладорлик ва унумдорлик ҳомийси бўлган илоҳа Умай билан боғлиқдир [Баратова, 2005: 419]. Ҳозирда ҳам Жанубий Сибир туркийларида сақланиб қолган ривоятга кўра, Умайнинг макони Тоғли Олтойдаги уч чўққили Белуха тоғида ўрнашган бўлиб, уч мўғузли қалпоқ ушбу илоҳа рамзидир. Шунингдек, Жанубий Сибир туркий элатларидан бири бўлмиш телеутларда “Тарокдай бошли Майэне (Умай-она)” ибораси учрайдики, ундан Умайнинг уч мўғузли тасаввур қилингани пайқаш қийин эмас [Osawa, 2005: 1876].

## ЎРТА ОСИЁ БИТИКЛАРИ

Турк хоқонлигига тегишли Ўрхун битиктошларида ҳам хотун Умайга менгзатилади. Кул Тегин битиктошида (732 й.) жой олган ушбу сатрлар бунинг ёрқин ўрнакларидир: “*Умайтег ўғум қатун қутинга иним Кул Тегин эр ат бўлди* – Умайдек онам – хотун қут (бахт)ига иним Кул Тегин эр оти топди (йигит бўлди)” [қар. Кул Тегин битикоши, Шарқ томони, 31-сатр (қар. Orkun, 1986: 44; Содиков, 2014: 114, 120)]. Хотуннинг Умайга менгзатилишини Фарбий Турк хоқонлигига тегишли тангаларда хоқон ва у билан ёнма-ён чизилган малика тасвири учраши ҳам кўрсатиб турибди. Айниқса, Чочда бостирилган хоқонлик тангалари орасида бири ўнг томонга қараб, бири тўғрига юзланиб ўтирган кўринишдаги хоқон ва хотун тасвирлари учрайди. Қизиғи шундаки, тўғрига қараган малика ҳам уч мўғузли қалпоқ кийган бўлиб, ҳомиладор аёл кўринишида чизилган [Бабаяров, 2007: 14-15]. Бу эса хотун эски туркларда Умай кўринишида тасаввур этилган, деган қарашни янада кучайтиради.

Фарбий Турк хоқонлигининг Чочда бостирилган тангаларидан ташқари Суғд, Тўхористон (Чағониён), Бухоро ва Ўғроқ қўш портретли тангаларида ҳам муҳрдагига ўхшаш малика (хотун) тасвирланган бўлиб, уларнинг ташқи кўринишида ўзаро яқинлик кўзга ташланади [қар. Бабаяров, Кубатин, 2011: 51-56; Бабаяров, Кубатин, 2014: 98-100]. Устига-устак, бу турдаги Суғд тангаларининг ўнг юзасида туркий кўринишли ҳукмдор ва хотун (малика) тасвири, орқа юзасида эса “хотун” унвони ўрин олиши Кофирқалъа – Самарқанд муҳрида бундай унвон учраши бежиз бўлмаганини кўрсатади.

Эски турк давлатчилиқ анъаналарига кўра, ҳукмдорнинг бош аёли “*хотун*” унвонига эга бўлиб, давлат бошқарувида фаол қатнашган ва саройда хоқондан кейинги ўринда турган [Golden, 2002: 121]. Турк хоқонлиги даврида бу унвон Чоч, Самарқанд, Бухоро, Тўхористон ҳукмдорликлари бошқарувида ҳам қўлланилиб, кўпинча улар хоқон қизи ўлароқ бўйсундирилган ҳукмдорлиқлар бошқарувчисига узатилган [Хатамова, 2009: 3-13; Бобоёров, 2011: 46-54].

Ушбу тарихий воқеликларга таниқ (гувоҳ) бўлган Кофирқалъа муҳрлари эса Турк хоқонлиги кучга тўлган чоғларга, VII–VIII асрларга тегишли бўлиб, ўша кезларда турк хоқонлари ва Самарқанд ҳукмдорлари орасида қалин никоҳ алоқалари йўлга қўйилган эди. “Бей-ши”, “Суй-шу” ва “Тан-шу” каби хитой йилномаларида Кан (Самарқанд) бошқарувчилари Ғарбий Турк хоқонлиги билан яхши алоқа ўрнатгани, Тарду хоқон (576-603) ўз қизини *Шифуби* исмли, Тун ябғу-хоқон (618-630) эса *Кюймучжи* исмли Самарқанд ҳукмдорига қизини узатгани ва самарқандлик бошқарувчилар тевааракдаги ҳукмдорликлар устидан устунликка эга бўлганига урғу берилади [қар. Бичурин 1950, II: 271, 311]. Ўша кезларда хоқонлик бошқарувида тобе ҳукмдорликларни бошқариш бўйича бир неча йўриқлар ишлаб чиқилган бўлиб, хоқонлар вассал ҳукмдорларга ўз қизини узатиб уларни бир томондан содиқ кишиларга айлантлар, иккинчи томондан эса қизлари орқали тобе ҳукмдорликларда назоратни кучайтлар эди [Skaff, 2002: 364–372]. Бу ерда ўрта асрлар турк-мўғул давлатчилик анъанасининг илк илдизлари – “кўрагонлик” (мўғулча кўреген “куёв”) тизимининг илк “кўртаклари” кўзга ташланиб турибди [Бобоёров, 2011: 46-54].

Демак, Суғд воҳаси танга ва муҳрларида “хотун” унвони учрашининг негизида туркий давлатчилик анъаналари ётиб, турк хоқонларининг қизлари куёвга узатилиб, Самарқанд ва унинг теғрасидаги саройларда яшай бошлаб, бошқарувда сўз соҳибига айлангач, ҳокимият рамзи бўлмиш танга ва муҳрларда ўз унвонини акс эттиришга жазм қилганлар.

Ўша кезларда хоқонликка хос давлатчилик мафкураси Суғд бошқарувида ҳам ёйилган бўлиб, Самарқанд тангаларида “хоқон” унвони учраши, Афросиёб (Самарқанд) сарой деворий расмларида турк хоқони, юқори мартабали туркий амалдорлар, ҳокимият рамзлари – туғ, кўбирга (ноғора), бўри тасвири учрашида ўз тасдиғига эга [қар. Альбаум, 1975: 36-38; Arzhantseva, Inevatkina, 2006: 185–211; Mode, 2006: 107–128].

## ЎРТА ОСИЁ БИТИКЛАРИ

Шу ўринда айтиб ўтиш керак, Кофирқалъада Турк хоқонлигининг давлат мафқурасига тегишли иккита ёш болани эмизиб турган бўри тасвирли муҳрлар топилиши ҳам [Бердимуратов, Богомолов, 2020: 61-69] “хотун” унвонли муҳрни хоқонлик билан боғлаш имконини беради. Қисқаси, ушбу топилмалар Ғарбий Турк хоқонлиги қўл остидаги Самарқанднинг бошқарувчи хонадонига тегишли муҳрлар бўлиб, унда ҳинд – суғд – турк анъаналарининг ўзаро қоришгани кўзга ташланиб турибди.

### **4-§. “Хоқон” унвонли Панжикент муҳри**

Илк ўрта асрларда Суғд воҳасининг йирик ҳукмдорликлари ўлароқ билинган Панч (Панжикент)га тегишли кўплаб ёзма ёдгорликлар ва археологик топилмалар етиб келган. Панжикент шаҳар қолдиқларида қарийб юз йилдан бери олиб борилган археологик изланишлар чоғида ушбу ёдгорликнинг VII – VIII юзйилликларга тегишли сарой деворий суратлари, сопол ва металлга битилган эпиграфик топилмалар, турли ҳукмдорликларга тегишли танга-пуллар аниқланиши билан бирга кўплаб муҳрларнинг топилиши катта ютуқ бўлди. Айниқса, яқин йилларда рус-тожик қўшма археологик экспедициясининг бу ердаги қазув ишларида сополдан ясалган муҳр (булла) аниқланган бўлиб, унинг олд юзасида ўнг томонга юзланиб, аждарҳо билан курашаётган отлик тасвир диққатни тортади (қар. 4- расм). Чоч воҳасида бостирилган Ғарбий Турк хоқонлиги тангалари орасида *žpʷ* “жабғу”, *сpʷ х'γ'n* “жабғу-хоқон” унвонли отлик тасвирли тангаларга [Бабаяров, 2007: 12-13] ўхшаб кетадиган ушбу муҳрда чавандознинг орқа томонида суғдий ёзув ўрин олган бўлиб, у суғдшунос П.Б. Лурье томонидан *х'γ'n* “хоқон” деб ўқилди (қар. 4- расм) [Боёров, 2020: 1-12].



4-расм.

Қизиғи шундаки, Турк хоқонлиги (552-744) даврида энг юксак унвон бўлган “хоқон” атамаси хоқонлик билан боғлиқ ўлароқ кўпинча суғдий ва бактрий тилли хужжатларда, Чоч, Фарғона, Суғд (Самарқанд), Тўхористон ва Ўтрорнинг суғдий тилли тангаларида учраб [Смирнова, 1981: 59-62, 338; Баратова, 1998: 41-43; Бобоёров, 2010: 18-40], унинг илк бор муҳрда – Панч топилмасида учраши Ўрта Осиё ўтмишининг бир қатор масалаларига ойдинлик киритади, деб ўйлаймиз.

VII асрнинг иккинчи ярми – VIII асрнинг илк ўн йилликларида Ўрта Осиёдаги воҳа ҳукмдорликларидан бири бўлган Панч (Панжикент)да туркий-суғдий сулола бошқаруви ўрнатилган бўлиб, ўз келиб чиқишига кўра, Турк хоқонлигига ёки етакчи туркий уруғлардан бирига туташувчи ушбу сулола минтақа тарихида ўзидан сезиларли из қолдиради [Лившиц, 1979: 56-69; Отахўжаев, 2001: 40-42; Ғойибов, 2012]. Панч ва Турк хоқонлиги орасидаги яқин муносабатлар араб, форс ва суғдий тилли ёзма манбаларда ўрин олган. Улардан англашилишича, VIII асрнинг илк чорагида Ўрта Осиёда, шу жумладан, Суғд воҳасида араблар босқини юз бериб, арабларга қарши турк хоқонлари бошчилигида Чоч, Фарғона, Суғд ва бошқа ҳукмдорликлар биргалликда кураш олиб борадилар [Табари, 1987: 130, 177;

## **ЎРТА ОСИЁ БИТИКЛАРИ**

СДГМ, 1962, II: 80-85]. Панч хукмдорлари архивидан етиб келган VIII асрнинг илк ўнйилликларига тегишли Муғ тоғи суғдий хужжатларидан бирида Панч бошқарувчиси Чакин Чўр Билга (693-708) тилга олинади (Смирнова, 1970: 109). “Панч хукмдори подшо Билга” унвони билан ўз тангаларини чиқарган ушбу хукмдорнинг келиб чиқишини кўпчилик изланувчилар туркийлар билан боғлайдилар [Лившиц, 1979: 56-57; Отахўжаев, 2001: 40-42].

В-17, В-18 ва А-14 деб рақамланган 720- йилларнинг бошида битилган Муғ хужжатларида эса Панч хукмдори Деваштич (709-722) билан турк хоқони, Чоч ва Фарғона бошқарувчиларининг араб босқинига қарши ўзаро келишувлари бўлгани тўғрисида сўз боради. Айниқса, А-14 рақамли хужжатида ўша кезларда Чочда бўлиб турган Панч элчиси Фатуфарн ўз хўжайини Деваштичга юборган мактубида “хоқонга (мўлжалланган) хатни ҳам, Фарғона подшосига мўлжалланган хатни ҳам Фарғона тутуғи кўли билан (орқали) Фарғона подшоси томон жўнатдим” деб ёзади [СДГМ, 1962, II: 80-85; Исҳоқов, Бобоёров, Кубатин, 2014: 64-670]. Ушбу маълумотдан кўринадикки, “тутук” унвонига эга фарғоналик амалдор Чочга келган, юртига қайтиш чоғида эса у Фарғона хукмдорига ёзилган хатни ва турк хоқонига берилиши керак бўлган хатни ҳам ўзи билан олган эди.

В-17, В-18 рақамли Муғ хужжатларида эса 720- йилларнинг бошида Панчда бўлиб турган хун “турк” хоқони ва Фарғона хукмдори, “хоқон” томонидан Деваштичга берилган ёрлик борасида сўз юритилади. Айниқса, Деваштич томонидан унга бўйсинувчи Хахсар хукмдорига жўнатилган В-17 хужжатида “Менда эса шундай янгиликлар (хабарлар) бор: бизнинг чопарларимиз бу ерга қайтишди ва (улар) менга хоқондан юксак (бир) мартаба ва эҳтиром олиб келишди. Ва кўплаб кўшин ҳам келди – хун (турк)лар ва чинликлар”дан деб ўзига берилган ёрликқа урғу беради. Бундан кўринадикки, Деваштичнинг турк хоқонига юборган чопарлари



Панчга қайтиб келган бўлиб, хоқон улар орқали ўз тобеси Деваштични “юксак мартаба” билан сийлаган. Айрим изланувчилар ушбу маълумотга таяниб, турк хоқони Деваштичга муайян бир унвон (эхтимол, “элтабар” унвони) берилганини тасдиқлаб ёрлик жўнатгани ва шу тариқа унинг ҳокимиятдаги мавқеини оширганига урғу берсалар [Grenet, Vessaire, 2002: 158, 187], айримлари эса Муғ ҳужжатлари ва араб манбаларидаги маълумотлардан келиб чиқиб, Деваштичга хоқон томонидан берилган “юксак мартаба” – бу унинг “Суғд подшоси” мақомини қўлга киритган 721 йилда юз берган воқеликлар билан боғлайдилар. Яъни, Деваштичнинг айрим суғдий ҳужжатлар бошламасида олдингидай “Панч ҳукмдори” эмас, “Суғд подшоси, Самарқанд ҳукмдори” деб ёзила бошлаши турк хоқони унга ёрлик юбориши билан боғланади [Якубович, 2009: 139-140]. Араб манбаларида эслатилишича, айнан шу йили хоқонлардан бири Суғд воҳасига келган, Самарқанддан бошқа воҳадаги барча ерларни араблардан қайтариб олган эди [Tabari, 1989: 152-153; Yakubovich, 2002: 248-249].

Демак, Панжикент шаҳар қолдиқларидан “хоқон” унвонли муҳр топилиши бежиз бўлмай, тўғридан-тўғри ушбу тарихий воқеликларга бориб тақалади.

### **5-§. В-4 рақамли Муғ тоғи суғдий ҳужжатида “Фарғона”**

Ҳужжат трапеция шаклидаги 12,5-11,5x22 см ўлчовли терига битилган. Ёзув учун ишлатилган ранг ҳали қуримасдан найча қилиб ўралган<sup>2</sup>. Буни қаторлар орасида орқа саҳифанинг излари чаплашиб кетгани ҳам кўрсатиб турибди. Орқа саҳифанинг қуйи четига 23x17 мм ўлчовга эга лой муҳр боғланган ва тасма билан тери ўрамининг белига ўралган (қар. 5- расм).

<sup>2</sup> Лившиц В.А. Согдийский документ В-4 с горы Муғ // Проблемы востоковедения. 1959, – №6. – С. 127.

## ЎРТА ОСИЁ БИТИКЛАРИ

В-4 хужжати сув тегирмонларини ижарага бериш ва унинг шартларини белгилаш масалаларини ўз ичига олган ҳуқуқий шартномадир. Қизиғи шундаки, бу хужжатда ижара битимига келишадиган томонлардан бири 708-722 йилларда Панч (Панжикент) ҳукмдорлигининг бошқарувчиси, 721-722 йиллар орасида Суғд подшолиги номидан иш кўрган киши – подшо Деваштич Ёдахшетак ўғлидир.

Битимда иккинчи томон – Мохён Допотшир ўғли. У Деваштичга қарашли 3 сув тегирмонини бир йил муддатга ижарага олаётгани тўғрисида сўз боради. Деваштич подшо бўлишига қарамай, бу ўринда замонасининг йирик ер эгаларидан бири сифатида иш кўрган. Хужжатда урғу берилишича, тегирмонлар уларга сув келтирувчи ариқ ва новлар билан бирга ижарага берилган объектлар бири бўлган.








5- расм

Хужжатга тасма билан ўралиб, қистириб қўйилган лой муҳр (булла)да ўнг томонга юзланган киши тасвири ва унинг қаршисида тепадан қуйига тўғри ёзилган суғдий ёзув ўрин олган бўлиб, унинг ўқилишини В.А. Лившицнинг турлича очиклайди. Унга кўра, муҳрдаги битик *pru'n* ёки *pru'n[k]* деб ўқилиб, унга туркий негиздаги киши исми ёки бирор атама сифатида қараса бўлади. Шунингдек, у *pru'n[k]* сўзини “фарғоналик” деб очикласа бўлишини, бироқ Муғ тоғи суғдий хужжатларида (ўрн. А-14) *βry'nk MLK'* “Фарғона хукмдори” жумласида “Фарғона” *βry'nk* кўринишида келтирилгани учун бу қараш ўзини оқламаслигини ёзади [Лившиц, 1959: 127]. В.А. Лившицнинг ёзишича, *pru'n* сўзи муҳрнинг номи бўлиб, бу сўз суғдийча буддавий кўлёмаларда *prynh*, *βrynh* (“белги, нишон”), моний, христиан кўлёмаларда эса *fryn'* кўринишларида учрайди. “Суғдий сўзлик”да *pryn'* ва *prynh* кўринишларида берилган бу сўз “kind, mark, marker” ўлароқ очикланиши [Gharib, 1995: 285], қолаверса, шундоғам муҳрлиги билиниб турган нарсанинг устига *pru'n* “муҳр” деб ёзиб қўйилиши В.А. Лившицни бу қарашни тортишувли эканини кўрсатади. Шу ўринда унинг муҳрдаги ёзувни *pru'n* ё бўлмаса *pru'n[k]* кўринишида ўқиш ва уни “Фарғона” атамаси билан боғлаш тўғрисидаги қарашини тўғрилайдиган топилмалар аниқланганини айтиб ўтиш керак бўлади.

Илк ўрта асрларга тегишли Фарғона тангалари орасида хитой тангаларига ўхшаш, ўртаси тўтбурчак тешикли тангаларнинг ўнг юзасида суғдий ёзувда эски туркча *x'γ'n* “хоқон” унвони ва **Ϝ**, **Ϟ** кўринишидаги Ғарбий Турк хоқонлиги билан боғлиқ тамға [Babayar, 2008: 139; Babayarov, 2018: 162-163], танганинг орқа томонида эса 5 та ёзув белгисига эга суғдийча битик ўрин олган бўлиб, унинг ўқилиши бўйича изланувчилар турлича қарашларни ўртага ташлаганлар. Суғд ёзуви билимдони М. Исҳоқов бу ёзувни *'yl-'k'* “Эл-ака” деб ўқиган ва уни эски туркча унвон билан тенглаштирган

## ЎРТА ОСИЁ БИТИКЛАРИ

[Исхаков, 2008]. Бирок Турк хоқонлиги бошқарувида бундай унвон учрамайди. Шунингдек, тангадаги суғдий битикнинг ёзув бичими (орфографияси) бундай ўқишга йўл бермайди.

Бизнингча,  кўринишларида ёзилган ушбу тангалардаги ёзувни *βrγ'n* “Фарғона” деб ўқиш ва уни VII–VIII асрларда водийда етакчи бошқарувчи хонадон бўлган Фарғона Ашина сулоласи билан боғлаш тўғрироқ бўлади [Бобоёров, 2019: 3-19]. Биринчи белги  б/ф (beth)дан ташқари, танга ва муҳрдаги қолган ёзув белгиларининг ёзилиши бирдай. Тўғри, муҳрдаги битикнинг илк белгиси -  В.А. Лившиц ёзганидек р/ф (pe) экани аниқ кўриниб турибди, бироқ, суғдий ёзувда “п”, “ф”, айрим ўринларда эса “б” ундошларини ёзишда б/ф (beth - ) ёки р/ф (pe - ) ёзув белгилари ишлатилганини ҳам кўздан қочирмаслик керак бўлади.




Fig. I

6- расм.

Хитой йилномаларида Сигян (бугунги Эски Ахси-кент ёдгорлиги) водийнинг бошқарув маркази – пойтахт, деб кўрсатилади [Бартольд, 1965: 529]. Ас-Самъонийнинг ёзишича, Ахсикас Фарғонадаги энг чиройли ва

обод шаҳар эди [Камолиддин, 2018: 256]. Шунингдек, ёзма манбаларда қадимги “Фарғона шаҳри” ҳам қайд этилиб, А.А. Анарбоев, А.А. Асқаров каби олимлар уни Ахсикат харобалари билан боғлайдилар [Анарбаев, 2000: 110-113; Асқаров, 2000: 13-25]. IX–XII аср араб ва форс тилли географларнинг асарларида Фарғона водийсида 40 та шаҳар бўлгани, пойтахти Сирдарё бўйидаги Ахсикат экани, унинг айланаси 3 фарсахдан (18 км) кам эмаслиги эслаб ўтилади<sup>3</sup>.

### **6-§. В-17, В-18, А–14 рақамли Муғ тоғи суғдий ҳужжатларидаги “хоқон” ва “хун”лар ким эди?**

Муғ тоғи суғдий тилли ҳужжатлари Суғд воҳаси ва унга туташ ҳудудларда суғдийлар устувор муҳитда яратилган ҳужжатлар бўлиб, бу вақтда воҳа Ғарбий Турк хоқонлиги (568-740) қўл остидаги 8 та катта-кичик ҳукмдорлик – мулкликдан ташкил топган эди. Суғд воҳасидаги ҳукмдорликлардан бири бўлмиш Панч (Панжикент)га тегишли ушбу ҳужжатларнинг кўпчилиги Панч ҳукмдорлигининг ижтимоий-иқтисодий ва маиший ҳаётига тегишли хўжалик ва иш юритиш билан боғлиқ буйруқ, васиқа, тилхат, ижара келишуви ва ҳоказолардан иборат бўлса, ҳужжатларнинг сезиларли бир қисми эса ёзишма ва мактублардан ташкил топган. Шартли ўлароқ А–14, В–17, В–18 деб рақамланган ҳужжатлар айниқса дипломатик мактублар ва ёзишмалар бўлиб, улардан биринчиси – А–14 Панч ҳукмдори Деваштич (709-722) томонидан турк хоқони, Чоч ва Фарғона ҳукмдорларига элчи қилиб юборилган Фатуфарнинг ўз хўжайинига юборган мактуби ёки ҳисоботи бўлса, қолган икки ҳужжат – В–17 ва В–18

<sup>3</sup> ал-Истаҳри. [Китаб] масалик валмамалик. Извлечение / Пер. с перс.

З.Н.Ворожейкиной // МИКК. 2-е изд. – Бишкек, 2002. С. 29-40; Бартольд В.В. Туркестан в эпоху монгольского нашествия // Соч. Т. 1. – Москва, 1963. – С. 220.

## ЎРТА ОСИЁ БИТИКЛАРИ

эса Деваштичининг Панч рустокларидан бири Хахсар бошқарувчиси Афшунга ёзган мактубларидир. Ҳар уччала ҳужжатдан англашилишича, ўша чоғларда, яъни, 720- йилларнинг бошида Панч ва унга қўшни ўлкаларда тобора араблар босими кучайиб бораётган бўлиб, бундан ташвишланган Деваштич нисбатан яқин жойлашган ҳукмдорликлар – Чоч ва Фарғонадан ҳарбий ёрдам сўраган, шу билан бирга, минтақадаги йирик сиёсий куч ўлароқ араб босқинига қарши иттифоқчи кучларнинг бошини бириктирган Турк хоқонлигига ҳам мурожаат қилган.

Аслида Турк хоқонлигига тўғридан-тўғри ёки билвосита боғланувчи маълумотлар Б–13, Б–18, А–15, А–19, А–16 рақамли Муғ ҳужжатларида ҳам ўрин олган бўлиб, уларнинг бир қисми нисбатан оз ўрганилгани учун уларнинг тарихий аҳамияти етарлича очиқлангани йўқ, бир қисмидан эса ёзуви тўлалигича сақланмаганидан тўлақонли фойдаланиб бўлмайди [қар. Исҳоқов, Бобоёров, Кубатин, 2014. Б. 89, 92, 96, 99]. Муғ ҳужжатларидан 10 га яқинида хоқонликка дахлдор унвон, атамалар ва шунга ўхшаш давлатчиликка тегишли маълумотлар учрайди. Айниқса, ҳужжатларда бир неча бор “хун (=турк) ҳукмдори”, “хоқондан келган мартаба/ёрлик” каби иборалар билан бирга, *хоқон, тудун, элтабар, тархон* каби унвонлар ва *Чакин Чўр Билга* сингари хоқонликка хос исм ва эпитетлар ўрин олгани диққатни тортади [СДГМ, 1962, II: 78–84, 116–118, 139–140; СДГМ, 1963, III: 70, 78–79; Grenet, 1989: 165–184].

Ушбу ҳужжатлар 1930-1960 йиллар оралиғида суғдшунос олимлар А. А. Фрейман, В. А. Лившиц, М. Н. Боголоюбов ва О. И. Смирновалар томонидан илк бор ўқиб чиқилган ва рус тилига илмий очиқламалар билан ўгирилган бўлиб, уларнинг ушбу изланишлари дунё суғдшунослиги томонидан юксак даражада эътироф этилган. Шу билан бирга, ушбу изланишларда айрим атама ва ибораларнинг ўқилиши, илмий талқини ва бошқа масалаларда бир тўхтамга келинмаган бўлиб,

кейинги йилларда Ғарб суғдшунослари томонидан уларга бирмунча аниқликлар киритилди. Шу ўринда, франциялик Ф. Гренэ, Э. Де ла Вэссьер, япониялик Ю. Йошида, англиялик Н. Симс-Виллямс ва бошқалар Муғ хужжатларини инглиз, француз ва бошқа тилларга ўғирар экан, айрим янглиш талқинларга ойдинлик киритганини айтиб ўтиш керак. Айниқса, В.А. Лившиц ва бошқалар томонидан бирор очиқламасиз  $\gamma w' n k$  ёки  $\gamma w' n' k$  “муҳтож, заиф”, “гуноҳкор” деб ўқилган А–14, В–17, В–18 рақамли хужжатлардаги иборанинг [СДГМ, 1962, II: 78; Боголюбов, Смирнова, 1963: 118, 121] Н. Симс-Виллямс, Ф. Гренэ ва Э. де ла Вэссьерлар томонидан  $xwnt$ ,  $xwn'nk$  “хун, хунлар” деб ўқилиши ва “турк”лар билан тенглаштирилиши хужжатларнинг илмий қийматини янада оширди [қар. Grenet, 1989: 184; Grenet, Vessaire, 2002: 160, 167-168]. Шу билан бирга, ғарблик суғдшунослар ушбу хужжатлар яратилган санани В.А. Лившицдан фарқли ҳолда 712-715 йиллар билан эмас, О.И. Смирнова урғу қаратганидек, 720-721 йиллар, тўғрироғи, 721-722 билан белгилаш кераклигини олға сурдилар. Бу таклифлар В.А. Лившицнинг яқин йилларда чоп этилган ишларида ўз ўрнини эгаллаб, улардан бир қисми тўғри деб топилди [қар. Лившиц, 2008: 96-97, 126-136].

Аслида Муғ хужжатларини нашр қилиш чоғида В.А. Лившиц ҳам, О.И. Смирнова ҳам хужжатларда эслатиб ўтилган воқеликларни тўғри талқин қилганликларини айтиб ўтиш керак. Айниқса, О.И. Смирнова А–14 рақамли хужжатнинг умумий мазмунидан келиб чиқиб, хужжатда тилга олинган “хоқон”ни Шарқий Турк хоқонлиги билан боғлаган, хужжатнинг 25- сатридаги “улар” деган жумлани қавс ичида “турклар” деб бериб ўтган эди [Смирнова, 1970: 229-231]. В.А. Лившиц эса ушбу хужжатни 712 ва 715 йиллар орасида бўлиб ўтган воқеликлар чоғида битилган деб санар экан, хужжатда тилган олинган “хоқон” Шарқий турк ҳукмдори эканига урғу бериб, у 711-712 йилларда Тургаш хоқонлигини

## ЎРТА ОСИЁ БИТИКЛАРИ

енган хоқон ёки Шарқий турк қўшинларининг йирик қўмондонларидан бири ё бўлмаса Инал хоқон билан тенглаштиришга тиришган эди [СДГМ, 1962, II: 84-85]. Шу ўринда айтиб ўтиш керак шахзода Инал отаси Қапған Бўту-чўр хоқон (691-716) ва жияни Билга хоқон (716-734) ҳукмдорлиги оралиғида қисқагина бошқарув тепасида турган эди. Қисқаси, ҳар иккала изланувчининг ҳужжатлардаги *xwn'nk* атамасини “хун” (турк) этноними билан тенглаштирамаганликлари узоқ йиллар давомида тадқиқотчиларни чалғитиб келди ва бир қатор янглиш очикламаларга йўл очди.

Суғдий тилдаги ёзма манбалар – битиктошлар, ҳужжатлар, муҳр, танга ва турли эпиграфик ёдгорликларнинг хоқонлик тарихини ёритишдаги аҳамияти шуки, суғдий муаллифлар хоқонликнинг ички ҳаётидан яхши хабардор бўлишган. Шу сабабли улардаги хоқонликнинг бошқарув тузуми ва давлатчилик анъаналарига оид маълумотларга оригинал далиллар, деб қараш керак бўлади. Суғдийлар хоқонлик аҳолисининг сезиларли қисмини ташкил этган ва туркийлар билан ёнмаён, аралаш яшаган этнос ўлароқ қадимги турк давлатчилик анъаналаридан яхши хабардор бўлишган. Шунингдек, суғдийларнинг хоқонлик бошқарувида фаол иштирок этганини ҳам эътиборга олиш керак. Қолаверса, Суғд воҳасидаги бир қатор ҳукмдорликларда суғдийтуркий бошқарув анъаналари ўзаро уйғунлашган бўлиб, бу уларнинг иш юритиш тизимида ҳам ўз ифодасини топган эди.

Қуйида ўқувчиларга янада тушунарлироқ бўлиши учун юқорида айтиб ўтилган 3 та ҳужжатни айри-айри бўлимларда кўриб чиқишга ва уларнинг ўзбекча ўгирмасини тўлиқ келтиришга интиламиз (ҳужжатлар ўзбекчага М. Исҳоқов, Ғ. Бобоёров ва А. Кубатин томонидан асл матнлар ва уларнинг русча ва инглизча таржималари билан солиштирилган ҳолда ўгирилди):



## **I. Хахсар хокими Афшунга мактублар – В-17 ва В-18 рақамли ҳужжатлар**

### **В–17 (Панч хокими Деваштичнинг Хахсар хокими Афшунга мактуби).**

Мактуб, оқиш-кулранг хитой қоғозига ёзилган (қар. 7-расм). Муғ тўпламидаги бошқа дипломатик ёзишмалар қатори ушбу ҳужжатда ҳам санаси, ёзилган вақти кўрсатилмаган. Айрим изланувчилар ҳужжатда келтирилган воқеликларни бошқа тиллардаги маълумотлар билан солиштириб, унинг 721 йилнинг кузида яратилгани олға сурадилар [Grenet, Vaissiere, 2002: 179]. Бироқ тўлақонли бир далил топилмагунча ҳозирчалик суғдий ҳужжатларнинг ёзилган санаси бўйича аниқ бир йил, ой ёки кунни белгилаб бўлмайди, шу боис биз ҳужжат ёзилган вақтни 720- йиллар деб кўрсатиш билан чекландик.

Ўнг саҳифадаги матн қайдномаси бўлиб, бутун мактуб ёзиб бўлингандан кейин хат мазмуни яна қайтадан келтирилган. Шунингдек, бу қисмга жўнатиш манзили ҳам қўшилган. Ҳужжат муҳр билан тасдиқланган бўлиши керак. Бунга орқа юзасидаги тасмача қолдиғи далил бўла олади. Бириктирилган лой муҳр айнан сўнгги қатор устига тушган ва у букланган вақтида варақнинг ўртасига тўғри келган.

Ҳужжатнинг ёзув бичими В–18 матнидаги ҳусниҳатга жуда ўхшаш. В–17 ҳужжати Суғднинг VIII аср биринчи чорағидаги сиёсий ва дипломатик тарихини ёритиш учун муҳим манба ҳисобланади. Бу мактубда Деваштич ўзини турк хоқонининг вассали сифатида эътироф этади: “Менда эса шундай янгиликлар (хабарлар) бор: бизнинг чопарларимиз бу ерга қайтишди ва (улар) менга хоқондан юксак (бир) мартаба ва эҳтиром олиб келишди. Ва кўплаб қўшин ҳам келди – хун (турк) лар ва чинликлар”. Ушбу сатрлардан англашилича, Деваштичнинг турк хоқонига юборилган чопарлари Пан-

## ЎРТА ОСИЁ БИТИКЛАРИ

чга қайтиб келган бўлиб, хоқон улар орқали ўз тобеси Деваштични “юксак мартаба” билан сийлаган. Айрим изланувчилар ушбу маълумотга таяниб, турк хоқони Деваштичга муайян бир унвон (эхтимол, “элтабар” унвони) берилганини тасдиқлаб ёрлиқ жўнатгани ва шу тариқа унинг ҳокимиятдаги мавқеини оширганига урғу берсалар [Grenet, Vessaire, 2002: 158, 187], айримлари эса Муғ ҳужжатлари ва араб манбаларидаги маълумотларга таяниб, Деваштичга хоқон томонидан берилган “юксак мартаба” – бу унинг “Суғд подшоси” мақомини қўлга киритган 721 йилдаги воқеликлар билан боғлиқдир. Яъни, Деваштичнинг айрим суғдий ҳужжатлар бошламасида олдингидай “Панч ҳукмдори” эмас, “Суғд подшоси, Самарқанд ҳукмдори” деб ёзила бошлаши турк хоқони унга ёрлиқ юбориши билан боғланади [Якубович, 2009: 139-140]. Араб манбаларида эслатилишича айнан шу йили хоқонлардан бири Суғд воҳасига келган, Самарқанддан бошқа воҳадаги барча ерларни араблардан қайтариб олган эди [Tabari, 1989: 152-153; Yakubovich, 2002: 248-249].

Турк хоқонлиги бошқарувига хос тизим – вассал ҳукмдорликларнинг бошқарувчиларига туркий туркий унвон (“элтабар”) бериш анъанасининг негизи хоқонлик ташкил топган илк йилларга бориб тақалади. Хитойча “Тан-шу” йилномасида “*Ғарбий турклардан Тун ябғухоқон вассал (воҳа) ҳукмдорларига элтабар унвонини берди*” мазмунида маълумот учраб, шу ва шунга ўхшаш маълумотларга таянган С.Г. Кляшторный “тобе воҳа ҳукмдорликлари бошқарувчиларига туркий унвонлар берилиши хоқонлик уларни ўз маъмурий иерархиясига киритганининг ифодасидир” деб ёзади [Кляшторный, 2006: 408]. Бундан кўринадики, В–17 ҳужжатида ҳукмдор Деваштич “менга хоқондан юксак (бир) мартаба ва эхтиром олиб келишди” деб ёзар экан, унга турк хоқони томонидан “юксак мартаба” (“элтабарлик” ёрлиғи) юборилганига урғу бермоқда. Кўринишидан, хоқонлик ўз вассаллари бўлмиш воҳа ҳукмдорликлари-

нинг бошқарувчиларига *элтабар* унвони бериш орқали уларни ўз маъмурий иерархиясига киритганини тасдиқлаш баробарида уларни мавқе жиҳатдан йирик ва нуфузли кўчманчи қабила бошлиқлари билан тенг кўрган. Шу ўринда 634638 йилларда ҳукм сурган Ғарбий турк ҳукмдори Ишбара Телиши/Хи-ли-ши хоқон ўз қўл остидаги қабила ва уруғларни *элтабар* ва *тудун* унвонли амалдорлар орқали бошқаргани хитойча “Син Таншу” йилномасида эслатиб ўтилганига эътибор қаратиш керак бўлади [қар. Chavannes, 1903: 5759; Ерқоқ, 2008: 179]. Демак, хоқонликнинг ўтроқлар ва кўчманчилар бошқарувида қўллаган усули ўз моҳиятига кўра унчалик фарқ қилмаган.

Бироз куйида кўриб чиқиладиганидек, А–14 рақамли Муғ хужжатида Фарғона ҳукмдори кўмондони – “тутук” унвонли ҳарбий бошлиқнинг Чочга келиши эслатиб ўтилиши диққатни тортади. В–17 хужжатида ҳам Деваштич Фарғона бошқарувчиси тўғрисида шундай сўз юритади: “Апвахрўч кунда эса Фарғона ҳукмдори шу ерга хун (турк)ларнинг *š’у-кп* (қароргоҳи)га келди, мен бу ерда ўз қароргоҳимни тикдим”. Ушбу сатрлар Фарғона ҳукмдорининг анча вақтдан бери турк хоқони ёнида жой олиб, иттифокчи кучларнинг фаол қатнашчиси бўлганини кўрсатиб турибди. А–14 хужжатида Фатуфарн ўз ҳукмдори Деваштичга “хоқонга (мўлжалланган) хатни ҳам, Фарғона подшосига мўлжалланган хатни ҳам Фарғона тутуғи кўли билан (орқали) Фарғона подшоси томон жўнатдим” деб ҳисобот юборган бўлиб, ўша кезларда Фарғона ҳукмдорлигидаги юқори мартабали шахс – “тутук” Чоч ҳукмдорлигига келган, ўз юртига қайтиш чоғида эса нафақат Фарғона ҳукмдориға ёзилган хатни, балки турк хоқонига берилиши керак бўлган хатни ҳам ўзи билан олган эди. Бу маълумот ҳам Фарғона бошқарувчиларининг хоқонлик наздида қанчалик юқори ўрин тутганини кўрсатади. Буни А–14 хужжатида Деваштич Фарғона подшосига Чоч орқали чопар юбориб, иттифок бўлишга чақиргани, В–17 хуж-

## ЎРТА ОСИЁ БИТИКЛАРИ

жати ёзилган вақтда эса фарғоналиклар қўшини Суғд воҳасига келгани ва хоқоннинг ёнида жой олгани ҳам тўғрилайди. Демак, 720- йилларда Фарғона бошқарувида Аляода (Алатар; 700-720) ёки А-си-лан да-ган-чжу (\*Арслон Тархон-чўр: 720?-751) каби ҳукмдорлар тургани [Бичурин, II, 1950: 320; Смирнова, 1970: 236], ундан олдин ҳам водийда “чўр” унвонли туркий ҳукмдорлар бошқарувда бўлгани ва уларнинг келиб чиқиши Турк хоқонлигининг бошқарувчи сулоласи – Ашина хонадонига бориб тақалишидан келиб чиқилса [Бобоёров, 2019: 3-19], ҳужжатлардаги “турк хоқони” ва “Фарғона ҳукмдори” орасидаги қалин алоқалар йўлган кўйилишининг моҳияти янада ойдинлашади. Кези келганда айтиб ўтиш керак, Табарийнинг “Тарих ар-русул-ва-л-мулук” асарида **الننلان ابن عم ملك فرعانه** “Фарғона ҳукмдори амакисининг ўғли Арслон” ибораси учраб, кўпчилик изланувчилар уни “Фарғона ҳукмдори амакисининг ўғли ан-Нилан” деб янглиш тушунтириб келдилар [қар. Смирнова, 1970. С. 249, 255-256; Лившиц, 2008: 35]. Туркий атамалар, айниқса, исм ва унвонлар араб ёзувида берилар экан араб-форс муаллифларнинг ўз тил хусусиятларидан келиб чиқиб ёндашуви ёки кейинчалик хаттотлар нусха кўчираётган чоғларда нуқта алмашинуви юз бергани, бу эса кўплаб янглишларни келтириб чиқаргани кузатилади (солиштиринг: **ارسلان - الننلان**. (Табарий келтирган **الننلان** (Арслон) Фарғона ҳукмдорининг жияни бўлиб, ўша кезларда Исфара бошқарган, кейинчалик Фарғона ҳукмдори бўлиб, кейинчалик унинг ўғли Алту-чўр ҳам Фарғона бошқарувчиси бўлган эди [Смирнова, 1970: 256]. “Тан-шу” йилномасида айнан ўша йилларда Фарғона ҳукмдори сифатида Арслон Тархон-чўр (хит. А-си-лан да-ган-чжу) тилга олиниши ҳам ўша даврда Фарғонада Арслон исмли ҳукмдор бўлганини қўллаб-қувватлайди [қар. Бичурин, 1950, I: 314-314].

А–14 рақамли ҳужжатда “хоқонга ва Фарғона ҳукмдорига йўлланган мактубни ўз эгаларига топшириш ва-

зифаси юклатилган фарғоналик амалдор шахс” хоқонликнинг марказий бошқарувига хос “тутук” унвонига эга бўлиши ҳам диққатни тортади. Хужжатни биринчилардан бўлиб ўқиган ва илмий томондан очиқлаган В.А. Лившиц унга Хитой империяси ёки Шарқий Турк хоқонлигининг Фарғонадаги вакили, деб қараган [СДГМ, 1962, II: 80-85]. Бироқ уни Хитой билан боғлашдан кўра кўпроқ хоқонлик томонидан Фарғона бошқаруви назорати учун юборилган ҳарбий ноиблардан бири, деб қараш тўғрироқ бўлади. Юқорида кўриб ўтилганидек, хоқонлик ўз вассалларига “элтабар” унвонини бериб, ҳар бир тобе ҳукмдорликка ўз ноиби – “тудун”ларни юбориш орқали уларни назоратда тутиш ва солиқлар йиғинини ташкил қилиш тизимини йўлга қўйган эди. Шу билан бирга, хоқонлик ўз вассалларини назоратда тутиш учун ) бўйсиндирилган жойларга ҳарбий волий вазифасини бажарувчи “тутук”ларини юборган бўлса керак, бу унвон Фарғонадан ташқари Ўтрор бошқарувида ҳам учрайди [Бабаяров, Кубатин, 2014: 70-75]. Кўринишидан Чоч тангаларида “тудун”, Ўтрор тангаларида “тутук”, Тўхористон тангаларида “тархон”, “тудун-тархон”, Кобулистон Тегин-шоҳлари тангаларида “элтабар”, унвонларининг учраши ушбу тизим билан боғлиқ эди [Смирнова, 1981: 52; Göbl, 1967, I: 142; Вобоевгов, 2019: 72-98]. Демак, Фарғонада “тутук” унвонли ҳарбий амалдорнинг бўлиб туришини ҳам ушбу тизим билан боғлиқ бўлиб чиқади.

Шу ўринда Муғ ҳужжатларидаги “хоқон” ким эди масаласида чигалликлар борлигини айтиб ўтиш керак. Хужжатлар ёзилган кезларда Ўрта Осиёда, айниқса, Амударё – Сирдарё оралиғи ва Еттисув ўлкаларида 3 та йирик туркий сулола салтанат даъвосида бўлиб, биринчиси – Ғарбий Турк хоқонлиги бу ерларнинг қонуний эгалари ўлароқ билинса, 700- йиллар теграсида йирик сиёсий куч ўлароқ билина бошлаган Тургаш хоқонлиги ушбу хоқонлик билан ёвлашиб, Еттисувнинг сезиларли қисмини қўлга киритган ва Ғарбий турклар қўл остида-

## ЎРТА ОСИЁ БИТИКЛАРИ

ги воҳа ҳукмдорликларига ўз устунлигини танита бошлаган бир палла эди. 680- йилларнинг бошида Ўрхун водийси (Мўғулистон)да қайтадан ўз давлатини тузган Шарқий Турк хоқонлиги (682-744) эса 700-720 йиллар оралиғида бир муддат Еттисувни эгаллаган, ушбу хоқонлик қўшинлари Суғд ва унга қўшни ўлкаларга келиб араблар билан тўқнашган эди. Айниқса, Ўрхун битиктошларида урғу берилганидек, 701- йиллар бошида бош вазир ва қўмондон Тунюкуқ бошчилигидаги Шарқий хоқонлик қўшинлари Йенчу-угуз (Сирдарё)ни кечиб ўтиб, Суғдни тартибга солган, 710- йилларда эса шаҳзода Инал, Билга ва ва Кул Тегин бошчилигидаги хоқонлик қўшинлари Суғд орқали Темир-Қапиғ (Дарбанд/Бойсун) тоғ ўтқири орқали Тўхористонга етиб бориб, араблар билан урушган эди [қар. Клешторный, 1964: 145-146; Абдурахмонов, Рустамов, 1982: 103].

Амударё – Сирдарё оралиғидаги бир неча ҳукмдорлик каби кичик бир ҳукмдорлик бўлган Панч (Панжикент) ҳам ушбу воқеликлар гирдобидида қолиб, ўз бошқарувини сақлашга интилиб, турли йўллар билан вазиятдан чиқишга тиришади. Панч ҳукмдори Деваштич (709-722) арабларга қарши курашиш учун турк хоқони йўлбошчилик қилаётган хоқонлик – Чоч – Фарғона ҳарбий иттифоқига ёрдам сўраб мурожаат қилади ва уларга мактублар йўллайди. Натижада Суғд воҳасига хоқон ва Фарғона ҳукмдори бошчилигидаги қўшин етиб келиб, бу ерда ўз қароргоҳини тикади. Арабларга қарши кучларнинг бошида турган бу хоқоннинг исми бирорта ёзма манбада эслатиб ўтилмагани сабабли ҳозирча унинг юқорида эслатилган 3 та хоқондан қайси бирининг бош ҳукмдори бўлгани борасида аниқ бир тўхтамга келиш қийин. Учала хоқонлик – Ғарбий Турк (568-740), Тургаш (699-766) ва Шарқий Турк (552-630; 682-744) хоқонликларининг барчаси ўз даври ёзма манбаларида “Турк хоқонлиги”, “турк хоқонлари” деб тилга олинган.

Айрим омиллар, хусусан, VIII асрнинг илк чорагида Шарқий Турк хоқонлиги бошқа хоқонликларга нисбатан фаол сиёсий куч ўлароқ 700, 710- йилларда бир неча арабларга қарши юриш қилиб, Суғдгача етиб келгани, Шарқий хоқонлик бошқарувида Қапған Бўгу-чўр (691-716), Билга хоқон (716-734) каби кучли ҳукмдорлар туриб, Ғарбий Турк ва Тургаш хоқонликлари устидан ўз устунлигини ўрнатгани кўзда тутилса, В-17, В-18 ва А-14 рақамли Муғ ҳужжатларида тилга олинган “хоқон” ва “хун” (турк)ларни Шарқий хоқонлик билан тенглаштириш тўғрироқдек кўринади. Биринчидан, ушбу ҳужжатлар яратилган сана айнан ўша кезларга тўғри келиши бу қарашга туртки беради. Шу билан бирга, тургаш хоқонларининг араблар босқинига бефарқ қарамагани, айниқса, тургаш ҳукмдори Сулук хоқон (716-738) бир неча йиллаб арабларга қарши қурашгани ва Ўрта Осиёдаги иттифоқчи кучларга бошчилик қилгани маълум [Esin, 1977: 324]. Шу ўринда илк бор О.И. Смирнова, кейинчалик эса Ф. Гренэ ва Э. де ла Вэссьерлар Деваштич ёрдам сўраган “хоқон”ни Тургаш хоқони Сулу (Сулук) билан боғлаб, унинг 721 йил (Смирновага кўра 719-722 йй.)да Кул-чўр (Табарийда Курсул) унвонли кўмондон бошчилигида ўз қўшинларини Суғдга юбориб, Аббосийларнинг Хуросондаги ноибни “Хузайна” лақабли Саид ибн Абдулазиз бошчилигидаги арабларга қарши суғдий зодагонларга ёрдам берганига эътибор қаратишади [Смирнова, 1970: 235; Grenet, Vessaire, 2002: 156; Tabari, 1989: 153]. Уларнинг бу қарашига кейинчалик В.А. Лившиц ҳам қўшилган, бироқ В-17 даги “хоқон” Шарқий турк ҳукмдори бўлиши эҳтимоли борлигига урғу қаратган [қар. Лившиц, 2008: 127].

“Тан-шу” йилномасида эса Шарқий Турк хоқонлиги бошқарувида Билга хоқон ўтирган илк йиллардаёқ Сулу ўзини “хоқон” деб эълон қилганига урғу берилади [Бичурин, 1950, I: 273]. Муғ ҳужжатларидаги “хоқон” айнан тургашлар ҳукмдори Сулук бўлишининг эҳтимоли анча юқори. Муғ ҳужжатларидаги “хоқон”нинг тур-

## ЎРТА ОСИЁ БИТИКЛАРИ

гаш ҳукмдори Сулуқ хоқон бўлиши ҳам мумкинлигини кўзда тутган ҳолда биз, Деваштичга ёрдамга келган турк ҳукмдорини Шарқий турк хоқони Билга (716-734) билан тенглаштириш эҳтимоли ҳам бор, деб ўйлаймиз. VIII аср илк чорагида тургашларнинг Шарқий хоқонлик қўшинларидан бир неча бор енгилгани [Бичурин, 1950, I.: 273] ва улар устидан Қапған Бўғу-чўр (691-716) ва Билга хоқон (716-734) каби Шарқий турк хоқонларининг ўз устунлигини ўрнатганидан келиб чиқилса, ҳужжатлардаги “хоқон” ва “хун”ларнинг Шарқий хоқонлик билан боғлиқлиги эҳтимоли ортади. Шунингдек, тургашларни яқиндан таниган суғдий муаллифлар ушбу атамаларни тургашларга эмас, Шарқий туркларга нисбатан қўллаган бўлишлари мантиклироқдек кўринади. Аслида Суғд ва унинг теҗрасидаги ҳукмдорликлар на Шарқий туркларнинг ва на тургашлар билан тўғридан-тўғри боғланмай, қарийб бир ярим асрдан бери Ғарбий Турк хоқонлигининг вассаллари сифатида билинар эди. Шу туфайли Муғ ҳужжатларидаги “хоқон” ва “хун”ларни Ғарбий хоқонлик билан боғлаш тўғрироқ бўларди-ю, ўша кезлардаги сиёсий ҳолат бунга унчалик имкон бермайди. Бир томондан Еттисувда Тургаш хоқонларининг сиқуви, иккинчи томондан Шарқий хоқонлик қўшинлари босими остида қолган ва 657 йилдан бери Хитойнинг Тан империяси қарами бўлиб келган Ғарбий турк хоқонларининг бундай йирик сиёсий курашлар марказида ўрин олганини тасаввур қилиб бўлмайди. Қолаверса, 710-720 йиллар орасида Ғарбий Турк хоқонлиги тепасида бирорта кучли ҳукмдор тургани маълум эмас. Шарқий Турк хоқонлиги фойдасига эса яна бир далил – бу хитой йилномаларида Фарғона ҳукмдорларининг бир неча йиллардан бери Шарқий турк хоқонлари билан яқин муносабат ўрнатганлигидир. Бу ҳолат Шарқий турк ҳукмдори Билга хоқон<sup>4</sup> 730-

---

<sup>4</sup> Хитой манбаларида ушбу воқеа Билга хоқоннинг ўғли, 740-йилларда қиска бир муддат бошқарувда бўлган Би-гя Гу-ду-лу (Билга Қутлуғ) хоқон билан боғлиқ равишда ҳам келтирилади [қар. Liu Mau Tsai, 2006. S. 317-318, 542].



йилларда Хитой императорига ёзган мактубида “Мен бутун нонкўр кўзғолончи қароқчиларга қарши Ба-хана (Фарғона) ҳукмдори билан бирга бор кучим билан қаршилиқ қиламан” деб урғу берганида ҳам ўз ифодасини топган [қар. Liu Mau Tsai, 2006: 317-318]. Гарчи бу маълумот Муғ хужжатларидан 10 йилча кейин ёзилган бўлса-да, Шарқий Турк хоқонлиги – Фарғона орасидаги муносабатлар анча давом этганини кўрсатиши билан аҳамиятлидир. 720- йиллар бошида Фарғонани бошқарган ҳукмдор, эҳтимол, Арслон Тархон-чўр (720?-751) Шарқий турк хоқони Билга хоқон (716-734) билан узок йиллар бирдамликда ҳарбий ҳаракатлар олиб борган. Кўринишидан улар орасидаги бирдамлик 720- йилларда бошланган. Шу тариқа улар орасидаги бундай яқин муносабат Муғ тоғи суғдий хужжатларида ҳам ўз аксини топган эди, деб айтиш бошқа фикрларга қараганда ҳақиқатга яқинроқдек кўринади.

Шу ўринда ушбу мактублар ёзилган макон – Суғд ўлкаси сиёсий ҳаётига қисқача тўхталиб ўтсак. Қарийб бир ярим асрдан бери Ғарбий Турк хоқонлиги қўл остида бўлиб келаётган Суғдда, айниқса, воҳанинг шарқий қисми – Зарафшон дарёсининг юқори қирғоғи ва Ургут тумани теварагидаги тоғлик ҳудудларда устун бўлган Панч ҳукмдорлигида туркий-суғдий аралаш сулола бошқаруви ўрнатилган бўлиб, бу сулола Деваштич бошқарувидан қарийб 50 йилча олдин ҳокимият тепасига келган эди [Лившиц, 1979: 56-69]. VIII аср иккинчи чорагида Чамукйан исмли Панч бошқарувчиси илк бор танга бостиришни йўлга қўйган, ундан кейин 693-708 йиллар оралиғида Чакин Чўр Билга исмли ҳукмдор бошқарувда бўлган эди [Лившиц, 1979: 6667; Отахўжаев, 2001: 40–42]. Муғ хужжатларидан бири – В–8 рақамли хужжатда тилга олинган ушбу ҳукмдорнинг келиб чиқиши туркий бўлиб, у хоқонликка хос “чўр” унвони билан ҳокимиятни бошқарган, ундан кейин Панч бошқаруви унинг қизларига ўтган, амалдаги ҳокимият эса унинг куёви Деваштич қўлида эди [Лившиц, 1979: 56-69; Лив-

## ЎРТА ОСИЁ БИТИКЛАРИ

шиц, 2008: 49]. Бир қатор ҳужжатларида “Суғд ҳукмдори” деб тилга олинган Деваштичнинг ўз номидан танга зарб қилгани аниқланмаган. Кўпчилик изланувчилар буни у анчагача қонунан ҳукмдор бўлмаганидан, деб тушунтирадилар. Чакин Чўр Билгадан кейин бостирилган Панч тангаларида маликалар унвонининг учраши ва араб манбаларида Деваштич “Шурийлар сулоласи”-дан деб эслатилишига таяниб, унга “чўр” (араб. шур) унвонли Панч сулоласига куёв бўлгач, амалдаги бошқарувни қўлга киритган, деб қаралади [Лившиц, 1979: 60, 65, 66]. Демак, шу тариқа туркий сулола билан қариндошликка эга бўлган Деваштич турк хоқонлари билан яқин муносабатлар ўрнатган, арабларга қарши курашда уларга таянган ва Турк хоқонлиги – Чоч – Фарғона иттифоқида ўз ўрнига эга бўлиш ва араб босқинидан қутулиш учун уларнинг ҳар бирига мактуб йўллаган эди.

В–17 рақамли мактубда Деваштич ўзини оддий маҳаллий ҳукмдор сифатида кўрсатади, балки бу ўринда у ўзини бошқа мактублардагидан фарқли ҳолда “Суғд подшоси” ёки “Суғдийлар подшоси, Самарқанд ҳукмдори” каби унвонлар билан аташдан ўзини тияди. Мактуб Деваштич учун қийин бўлган бир вазиятда ёзилган. У пайтда Деваштич ўз вассалларига тўғридан-тўғри қатъий буйруқ оҳангида муомала қила олмаган кўринади. Шу боис ҳам уларга юмшоқ, ҳатто ялинчоқ оҳангда муносабатда бўлган. Чунки тобе ҳокимларнинг садоқатини сақлашга ҳаракат қилинган. Шунинг учун ҳам уларни ўз томонида сақлаб қолиш учун иттифоқчилари билан музокаралар олиб бораётгани ва яқин кунларда ҳарбий муваффақиятларга эришиш мумкинлиги ҳақида ваъдалар бериб умидлантиришга уринган кўринади.

Панч ҳукмдорлигига тобе ҳокимликлардан бири Хахсардир. Суғдий тилда “Булоқ боши” маъносини билдирган Хахсар – Самарқанддан 2 фарсах шарқдаги Ургутга яқин қишлоқ (ёки рустоқ) бўлиб, бу ер Деваштичнинг Панчдан туриб ғарбдаги тобелари устидан ҳукмронликни таъминлаши учун қулай қалъа эди. Шунинг учун

ҳам Деваштич имкони борича Хахсар ҳоқими Афшунни ўз тарафида ушлаб туришга интилан. “Хахсар ҳоқими” бир неча бор ўз хожасининг кучига шубҳа билан қаранган, эҳтимол, баъзан Деваштич буйруқларидан бўйин товлаган бўлиши ҳам мумкин (бу борада В–18 хужжати далолат беради). Бироқ Афшун Деваштич билан бутунлай алоқани узиб юбормаган. 722 йил охирларида Кум қишлоғи яқинида бўлган жангларда, кейинчалик Муғ қалъасидаги қамалда Афшун Деваштич билан бирга бўлган кўринади. Демак, Деваштичнинг ҳаракатлари бекор кетмаган эди. Деваштичнинг (В–17 хуж., В–18 хуж.) ва Ревакнинг Афшунга ёзган мактублари Муғ архивида пайдо бўлиши Афшун Деваштични кўллаб-қувватлаб, у билан тақдирини ҳам боғлаганидан далолатдир. Бу ерда В–17 бошқа мактублар қатори, Деваштич томонидан ўзига тобе ҳоқимликларига юборилгандек бир ҳолат кўзга ташланади. Бу хужжат асл нусха бўлиши керак, ундаги муҳр ва ёзувнинг VIII аср бошларида Суғд учун қимматбаҳо саналган қоғозга битилгани бу мактубни Афшун ўзи билан бирга олиб Деваштич хузурига келгани билан боғлиқ. Муғ тоғи тўпламида бир неча шахсларнинг архивлари (аниқроғи, архивларнинг бир қисми) сақланган. Бу шахслар Деваштич ёнидаги шахслар бўлиб, араб истилочиларига қарши курашда бирлашганлар ва Муғ қалъасида сўнгги маконни топшишган. Шулар орасида албатта Афшун – “Хахсар ҳукмдори” ҳам бўлган.

## **Матн**

### **Ўнг юзасида:**

(1) Ҳукмдор Деваштичдан Хахсар ҳоқими Афшунга кўплаб

(2) таъзим. Ва жаноб, мана (қара) қанча кўп вақт ўтди сендан (эса)

(3) ҳеч қандай хабар эшитмадим. Ва сенга шундай


(4) аввалроқ мен таъкидлаган эдим. “Шундай иш тутишинг зарур,

## ЎРТА ОСИЁ БИТИКЛАРИ

(5) ўзингни эҳтиёт қил, хавф-хатардан (узоқ) бўл”.

Энди эса

(6) мана мен яқинда хун (турк) ва барча бизга (тегишли) ...



В17 г

7-расм

(7) (ўзимга) )дираман ва шунда сенинг ёнингда Руст вилоятида (тўхтайман)

(8) сен шундай (иш) қилишинг керакки – (мен етиб борадиган) ўша кунгача, то биз сен(инг ёнингга) етиб

(9) боргунимизча сен бехатарроқ (жойда) бўлишинг керак

(10) Менда эса шундай янгиликлар (хабарлар) бор: бизнинг чопарларимиз бу ерга қайтишди

(11) ва (улар) менга ҳокондан юксак (бир) мартаба ва эҳтиром

(12) олиб келишди. Ва кўплаб қўшин ҳам келди – хун (турк)лар ва

(13) чинликлар<sup>5</sup>. Апвахрўч кунида эса Фарғона ҳукм-дори шу ерга

(14) хун (турк)ларнинг š`у-кп (қароргоҳи)га келди, мен бу ерда ўз қароргоҳимни тикдим

(15) ва Навешавон (?) ўтлоғида кучга тўлган ҳолатда турибман – мана

(16) бу ҳақда (сенга) хат жўнатдим. Қандай яша-япсан, нималар билан машғул эдинг,

(17) нимага яшириниб юрибсан? Одамларимиздан бирортаси сен билан бирга бўлса

(18) менга бу ҳақда кенгроқ маълумот юбора қол. Агар бирор хабар бўлиб қолса, у ҳолда мен сенинг ёнингда

(19) боришим зарур бўлади. Сен менга хабар бериб тур, мен албатта ҳузурингда бораман.

(20) Ҳукмдор Деваштичдан Хахсар ҳокими Афшунга.

### **Орка юзасида:**

(1) Агар сенга қўшимча куч керак бўлса, хабар бер, мен албатта жўнатаман, фақат

(2) бир (шарт) билан: (мен юборган) одамларни эҳтиёт қилишинг ва ўзинг ҳам эҳтиёт бўлишинг керак


(3) ва (ораларингда асосий жанггача) ҳеч қандай (ортиқча) талафот бўлмасин.

### **В–18 (Деваштичнинг Афшунга иккинчи мактуби)**

Оч кулранг юпқа хитой қоғозига битилган. 27x18 см ҳажмли ҳужжат. 20 қатор (қар. 8-расм). Деваштичнинг Хахсар ҳокими Афшунга мактуби. Айрим изланувчилар В–17 рақамли мактубни 721 йилнинг кузида ёзилган деб қараганидек ушбу ҳужжат ёзилган пайтни ҳам чамаси ўша кезлар билан белгиласа бўлади. Ҳужжат зебу (?) тоғ ҳўкизининг тасвири туширилган қизил лой билан муҳрланган.

---

<sup>5</sup> Чинликлар – Ф. Гренэга кўра, тургашлар қўлида тутқун бўлган хитойлик ҳарбийлар бўлиб, Суғдда ҳарбий ҳаракатлар олиб борган турк қўшинида ўрин олган [Grenet, 1989. P. 177; Лившиц, 2008. С. 131].



8-расм  
Матн:

- (1) Суғд подшоси Деваштичдан Хахсар ҳоқими Аф-сунга – салом,
- (2) Кўплаб таъзим. Гап шундай: агарда сен аҳмоқлик ва қайсарлик қиладиган бўлсанг
- (3) бу қилмиш сеники эмас, меники бўлади. Мен ахир биламан-ку
- (4) сен қанақа сўтак эканигни! Мен (сени) бундай ишга юборишим
- (5) керак эмас эди, (яъни) мен сени ҳозир юборганимдек. Ахир мен сени хоқоннинг (ёни)га
- (6) элчи қилиб юбордим. Сен кўрқоқлигинг (ва ўзбошимчалигинг) туфайли
- (7) (жойингдан кимираммай) ўтириб олдинг. Энди эса мен сенинг “Юқорига” боришингни (умуман) истамайман.
- (8) Юқорига мен бошқа элчиларни жўнатаман, сен эса менинг олдимга кел
- (9–11) Фақат шундай аҳмоқлик қилма – Чанданни (?), (яъни) чинлик йигитни “хоқон хузурига уни элчи қилиб юбор” деб (мен) йўл-йўриқ берганман, агар уни ҳали жўнатмаган бўлсанг, ҳозир жўнатма (ва)

(12) хоқон (номига) мактуб (бериб) юборма. Ва яна ўшандай янгилишувга йўл кўймагинки, сендан кимдир

(13) (ўша хатлардан) бирортасини бериб юборсин ёки олсин, чунки сендан на буни, на бошқасини истайман.

(14) (Сенда бўлган) ўша нарсаларни сен эсон-омон етказдинг. Ҳамда ўша мактубни,

(15) мен томонимдан сенга рухсат этилмаган бўлса-да, сен Визгирдга<sup>6</sup> ёзибсан. Агарда

(16) бу мактубни бериб, жўнатганингни ёки бирор нарсани олганингни эшитсам, то

(17) тирик эканман (сенинг) турқингни кўришни истамайман. Ва ўша Йунанчу (Инанчу) ва ўша

(18–19) хун (турк)лар (Суғд ҳукмдорлигида нима юз берганини), бизни кутқариш учун қандай ёрдам бериш зарур (эканини) ва улар бизни (қандай) кутқариб қолишлари тўғрисида ўзлари сендан яхшироқ биладилар.

(20) Суғд подшоси Деваштичдан Хахсар ҳокими Афшунга.

Ушбу ҳужжатда келтирилаган маълумотлар В–17 ҳужжатида тилга олинган воқеликлар билан деярли бир хил. Бироқ мактуб бошламасида Деваштич ўзини шунчаки “ҳукмдор” эмас, “Суғд ҳукмдори” деб атайди ва тобеси Афшунга бирмунча дўқ-пўписа билан муомала қилади. Шунингдек, Деваштич шахсан ўзи Афшунни хоқонга элчи ўлароқ жўнатгани, бироқ у буйруқни бажармагани, энди бўлса унинг “Юқорига” элчи бўлиб боршини истамаслигини, бу вазифа бошқага юклатилганини уқтириб, уни ҳузурига чорлайди. Шу ўринда ҳужжатда “Юқори” иборасининг учраши диққатни тортади. А–14 рақамли ҳужжатда ҳам ушбу ибора учраб, ҳужжатлар мазмунидан бу ибора муайян бир географик маконни англатгани ойдинлашади. Айримларга кўра, бу ер Ғарбий Турк хоқонлигининг мар-

---

<sup>6</sup> Визгирд – ўрта асрларга тегишли араб ва форс тили ёзма манбаларда Шимолий Хуттал (Хатлон) вилоятида жойлашган Вешгирд ёки Вешжирд номли шаҳар тилга олинади [қар. Grenet, Vessaire, 2002. P. 161]. Бугунги Душанбе шаҳри ва унинг тевараклари билан тенглаштирилади.

## ЎРТА ОСИЁ БИТИКЛАРИ

казий худуди – Еттисув ўлкаси бўлса керак [Исҳоқов, Бобоёров, Кубатин, 2014: 65]. А–14 хужжатининг 11-13 сатрларида Деваштичнинг элчиси Фатуфарн хоқонга ва Фарғона ҳукмдорига мўлжалланган хатни Фарғона тутуғи орқали Фарғона ҳукмдорига жўнатгани ва “шу туфайли “Юқори”га томон (яна йўл) юра олмадимки, хабарларга кўра хоқон (ҳеч) кўринмас эмиш” деб ёзган бўлиб, хоқонга аталган хатнинг Фарғона тутуғига берилиши ва иккала хат ҳам Фарғона ҳукмдорига юборилганига урғу қаратадики, бу эса “Юқори”нинг Фарғонага яқин ўлка Еттисувга тўғри келишини кўрсатиб турибди. Ушбу хужжатнинг бироз куйидаги 24-26 сатрларида Фатуфарн “xabарларга биноан хун (турк)лар ҳеч кўринмайди, чунки улар “Юқори”га қараб кетишди ва ҳалигача ҳеч ким қайтиб келгани йўқ” деб ёзган бўлиб, бу эса ушбу иборанининг географик ўлка маъносида қўлланилганини қўллаб-қувватлайди. Қизиғи шундаки, бу иборани В–18 да Панчда турган Деваштич ишлатган бўлса, Чочда бўлиб турган панчлик Фатуфарн ҳам шу маънода А–14 хужжатида ишлатади.

Муғ хужжатлари мазмунидан 720- йилларда Панчга нафақат хоқон ва унинг қўшини келгани, балки унинг ёнида бир қатор хоқонлик амалдорлари ҳам бўлгани англашилади. В–18 нинг 17–19 сатрларида “Ва ўша Йунанчу (Инанчу) ва ўша хун (турк)лар (Суғд ҳукмдорлигида нима юз берганини), бизни қутқариш учун қандай ёрдам бериш зарур (эканини) ва улар бизни (қандай) қутқариб қолишлари тўғрисида ўзлари сендан яхшироқ биладилар” деган жумла уктириб ўтилган бўлиб, аслида *uwn'ncw* “Йунанчу” ёзилган атама *uwz'ncw* “Йузанчу” ёки *uwzr'ncw* “Йузранчу” ўлароқ ўқилиб, унга турк амалдорларидан бири, деб қаралган эди (Grenet, Vessaire, 2002: 162 Лившиц, 2008: 134). Бироқ туркий давлатчилик тизимида бундай унвон ёки исм учрамайди. Бизнингча, бу атамани деб ўқиш ва уни қадимги туркча “инанчу” унвони билан тенглаштириш тўғрироқ бўлади. Бу ерда суғдий ёзувда сўз боши ва сўз ўртасида *z* ва *n* ундошларининг бирдай ёзилишини кўзда тутиш



керак бўлади. Шунингдек, бу атамани Турк хоқонлигидаги юқори унвон (амал номи) – “Инанчу” билан боғлиқ деб қарашимизга Ўрхун битиктошларида *Билга хоқон тилидан* “Инанчу апа (бош) йарған тархон оти (унвони) ни бердим” *деб келтирилган маълумот* [Абдурахмонов, Рустамов, 1982: 114] ҳам туртки бўлди. Битиктошлардаги инанчу ва йарған сўзлари Турк хоқонлиги марказий бошқарувида вазирларга тегишли унвон ва эпитетлар бўлиб, бу, ушбу сўзларнинг ҳам лугавий маъносида, ҳам битиктошлар мазмунида ўз тасдиғини топади. Бундан ташқари, Энасой битиктошларида “Эл (давлат) ўгаси (вазири) Инанчу Билга”, “Урунг (сарой) боши эрдим, Инанчу эрдим” кўринишида учрайдиган иборалар ва уйғурча буддавий матнлардаги “Эл инанч тирак” (луғ. “давлат ишончлиси, тиргаги”) каби атамалар учрайди. Улар негизида айрим тадқиқотчилар илгари сурганидек инанчу атамасига вазир лавозимидаги шахсларга тегишли бўлган, деб қараса бўлади [Donuk, 1988: 17]. Демак, инанчу унвонининг асосида қадимги туркча инанмақ “ишонмоқ” феъли ётиши ҳам ушбу унвон эгаларининг ҳукмдорнинг ишончли кишиси бўлганликлари билан боғлиқдир. “Девони лугатит турк” асарида ушбу сўз инанч бэг шаклида учраб, “ишончли бек” деб очиқлангани ҳам бу қарашни кучайтиради [қар. Кошғарий, 1960, I: 213].


Қисқаси, В–17 ва В–18 рақамли Муғ ҳужжатларидаги ушбу маълумотлардан кўриниб турибдики, Панч ҳукмдори Деваштичнинг шахсан ўзи араб босқинига қарши турк хоқони бошчилигидаги иттифоқчиларга бир неча бор ёзма мурожаат қилган, шунингдек, иттифоқчиларнинг айнан у ҳукмдорлик қилаётган жойларга келиб, бирлашган кўшин билан келгиндиларга қарши курашишга интилган.

## **II. А–14 - Суғд элчиси Фатуфарнинг Чочдан жўнатган мактуби**

Юпқа очиқ кулранг қоғозга ёзилган мактуб (қар. 9-расм). Суғд ҳукмдори Деваштичга йўлланган. Мак-

## ЎРТА ОСИЁ БИТИКЛАРИ

туб муаллифи хукмдори Деваштичнинг Чочга (Тошкент), ундан турк хоқони ҳамда Фарғона подшоси хузурига махсус дипломатик вазифа билан, хусусан, араб босқинчиларига қарши бирлашиб курашишни ташкил қилиш мақсадида юборган элчиси Фатуфарндир.



9-расм

**Магн:**

(1) Жаноби хукмдорга, буюк таянчимиз, Суғд подшоши, Самарқанд хукмдори

(2) Деваштичга унинг энг эътиборсиз (“миллионинчи” даражали)

(3) кули Фатуфарндан мурожаатнома.

(4) Жаноби хукмдор, (сенга) буюк шон-шараф (эга-сига) кўпдан-кўп таъзим йўллайман (“муурожаат қиламан”)

(5) Ва жаноб, мен бу ерга, Чоч хукмдори хузурига келдим. Жаноб,

(6) хатларни ҳам топширдим, оғзаки (“тил билан”) (айтилиши) лозим бўлган

(7) муурожаатномани ҳам тўлиқ, оқизмай-томизмай (“қолдиқсиз”) баён этдим.

(8) Тудунга ҳам, унинг ёрдамчисига ҳам. Ва жаноб,

(9) хоқонга (мўлжалланган) хатни ҳам, Фарғона хукмдорига мўлжалланган хатни

(10) ҳам Фарғона тутуғи қўли билан (орқали) Фарғона

(11) хукмдори томон жўнатдим. Жаноб, мен шу туфайли “Юқори”га

(12) томон (яна йўл) юра олмадимки, хабарларга кўра хоқон

(13) (хеч) кўринмас эмиш. Жаноб, тудундан ва унинг

(14) ёрдамчисидан хат ва оғзаки жавобларни олдим ва жаноб (йўлга чиқиб)

(15) Апвартаканга (етиб) келганимда, жаноб, Чадрчик<sup>7</sup>

(16) ҳақида яхши хабарлар эшитмадим, ҳамда Уструшан

(17) вилояти ҳаммаси (душманга) топширилган. Жаноб, мен ёппа ёлғиз,

(18) йўлдошсиз ҳолда (йўлимда давом этиб) юришга журъат қилолмаяпман. Жаноб,

---

<sup>7</sup> Чадрчик – чамаси Чирчик дарёсининг илк ўрта асрлардаги аталиши бўлган.

## ЎРТА ОСИЁ БИТИКЛАРИ

(19) иккинчи бора Чоч томон қайтиб келдим. Бунинг учун (сен) хукмдоримдан

(20) жуда ёмон (қаттиқ) кўрқаяпман. Жаноб, Тудун

(21) тозиклар (араблар) билан битимга биноан чекинди. Битимга кўра

(22) Жамраваз ва форс човуши (лашкарбошиси) куйи томон кетдилар.

(23) хабарлар (борки), товон ундириб олиш ва

(24) кучларни араблардан нарига олиб кетиш (уларнинг мақсадидир). Жаноб, хабарларга биноан хун (турк) лар ҳеч

(25) кўринмайди, чунки улар “Юқори”га қараб кетишди ва ҳалигача ҳеч ким

(26) қайтиб келгани йўқ. Жаноб, тудун Тарбанд<sup>8</sup> билан

(27) битим тузган эди. У ердаги ҳамма жойларни олди. Жаноб,

(28) Чадрчикда (тузилган) сулҳ муносабати билан, эшитишимча (“Сулҳ хабари туфайли”), ёрдамчи жуда ғамгин,

(29) андухнок бўлмоқда ва яна ёнингга боролмагани учун сендан (“хукмдордан”) кўркмоқда.

(30) Жаноб, сўнгра сен томондан (“хукмдордан”) хабарлар келмай қолди.

(31) Жаноб, мана бу хатларни мен Марвон (исмли киши) кўли орқали Канд<sup>9</sup> томондаги (айлана) йўл билан жўнатдим.

(32) Жаноби хукмдор, буюк таянчимиз Сугд подшо-си, Самарқанд ҳокими

(33) Деваштичга унинг энг эътиборсиз (“миллионинчи” даражали) кули Фатуфарндан мактуб.

---

<sup>8</sup> Тарбанд – Чочнинг шимоли-ғарбидаги Ўтрор хукмдорлигининг сугдийча аталиши.

<sup>9</sup> Канд – Хўжанд шаҳри яқинидаги Конибодом шаҳри билан тенглаштирилади.

Мактуб Фатуфарн томонидан шундай бир вазиятда ёзилганки, кўринишидан бу ҳолат кутилмаган эди. Гап шундаки, Фатуфарн Чочга келгач, “тудун” деб аталувчи Чоч бошқарувчисига ва унинг ёрдамчисига тегишли мактуб ва оғзаки айтилиши керак бўлган гапларни етказди. Улардан жавоб мактубини олади. Лекин турк хоқони билан учрашишнинг иложини топмайди. Унинг Чочга элчи бўлиб келишидаги бош мақсадлардан бири хоқон билан учрашиш ва уни ўз қўшини билан арабларни ўлкадан улоқтириб ташлашга ундаш эди. Бироқ вазият Панч ҳукмдори кутганидек бўлиб чиқмагач, элчи Фатуфарн хоқонга ва Фарғона подшосига тегишли мактубларни ўша кунларда Чочда бўлиб турган Фарғона тутуғи орқали жўнатади. Шошилинич Суғдга қайтаётганда ушбу элчи Уструшона ҳукмдорлиги араблар қўлига ўтиб, йўли қирқилиб қолганини билиб қолади. Ёлғиз ҳолда йўлда давом этишга юраги дов бермай Чочга қайтиб келади ва шу ердан туриб Деваштичга мактуб ёзиб, уни Марвон исми кишидан айланма йўл – Конибодом орқали Суғдга жўнатади.

Мактубнинг ёзилиш тарихи, санаси тўғрисида турлича қарашлар билдирилган. Жумладан, В.А. Лившиц турли тарихий далилларга суяниб, уни 712-714 йилларда ёзилган, деб тахмин қилган эди. Ҳақиқатан ҳам бу йилларда Қутайба ибн Муслим бошчилигидаги араб босқини Уструшона ўлкасидаги Жиззах, Зомин, Ўратепа ва Хўжанд вилоятларига, шунингдек, Чоч воҳасининг бир қисмига ёйилиб улгурган, эндиги йўналиш эса Фарғона водийсига қаратилган эди. Шу муносабат билан В.А. Лившиц элчи Фатуфарннинг қайтишига тўсқинлик қилган вазиятни араблар томонидан Уструшаннинг эгалланиши орқали очиқлаган эди [СДГМ, 1962, II: 84]. Бироқ О.И. Смирнова ушбу ҳужжатда Деваштич “Суғд подшоси, Самарқанд ҳукмдори” деб кўрсатилганига суяниб ҳамда бу далилни 1.1 рақамли ҳужжатдаги “подшо Деваштич” унвони билан солиштириб, ушбу элчилик миссиясини 720-721 йиллар билан

## ЎРТА ОСИЁ БИТИКЛАРИ

боғлайди [Смирнова, 1970: 231, 235]. Кейинчалик янги далил ва манбаларга таянган В.А. Лившиц Суғднинг VII аср охири – VIII аср бошларидаги Панч ҳукмдорлари масаласини кўриб чиқиб, Деваштич “подшо” унвони билан иш кўрган икки йилни 717/718-19 йиллар, деб кўрсатади. Унга кўра, А–14 хужжатининг ёзилган санаси ҳам шу икки йилдан бирига тўғри келади [Лившиц, 1979: 62-63]. Ф. Гренэ ва Э. де ла Вэссьерларнинг сўнгги йилларда олиб борган изланишларида хужжат ёзилган сана 722 йил июл ойининг иккинчи ярми билан белгиланди [Grenet, Vessaire, 2002: 169-171, 179].

Мактубда масъул шахсларнинг тилга олиниши араб босқини кунларида Чочнинг сиёсий майдондаги ўрни, воҳанинг Турк хоқонлиги, Фарғона водийси ва бошқа ерлар билан муносабати, Чоч бошқарувининг хусусиятлари кабиларни аниқлашда муҳим аҳамиятга эга. Жумладан, “хоқон”, “Чоч ҳукмдори”, “тудун”, унинг ёрдамчиси (ёки “ёрдамчи” деб аталган лавозим эгаси), “Фарғона ҳукмдори”, “Фарғона тутуғи”, “форс човуши (лашкарбошиси)?”, Марвон исмли шахс ва бошқалар бу хужжатда акс этган ҳодисаларнинг тирик қатнашчилари бўлиб, улар чигал тарихий воқеликларда у ёки бу даражада ўрин эгаллаганлар.

Мактуб матнида юқорида қайд этилган шахслар, лавозимлар сирасига кирувчи *хув*, *тудун* атамалари диққатни тортади: “Ва, жаноб, мен бу ерга, Чоч ҳукмдори ҳузурига келдим”. 5-8 қаторларда эса Фатуфарн бундай ёзади: “Ва, жаноб, мен хатларни топширдим ҳамда оғзаки (“тил билан айтиладиган”) мурожаатномани (ҳам) тўлик, ҳеч қолдиқсиз тудунга баён этдим...”. Ушбу жумлалардан англашилича, Суғд элчиси Фатуфарн Чочда 2 та шахс – “Чоч ҳукмдори” ва “тудун” билан учрашган, бироқ элчи улардан биринчисига қараганда иккинчиси - тудун тўғрисида кўпроқ ёзган. Тудун элчидан ҳам хатларни қабул қилиб олган, ҳам Деваштич томонидан тайинлаб юборилган оғзаки келишувларни эшитган. А–14 нинг кейинги 20-21 ва 26-27 сатрларида

учрайдиган “Тудун тозиклар (араблар) билан битимга биноан чекинди. ... тудун Тарбанд (Ўтрор) билан битим тузган эди. У ердаги ҳамма жойларни олди” мазмунидаги маълумот унинг Чоч бошқаруви ва теваарак-атрофдаги ҳукмдорликлар олдида қанчалик мавқега эга бўлганини кўрсатиб турибди.

Айрим изланувчиларга кўра, Фатуфарн Чочга келган кезларда – 720- йиллар давомида бу ер Шарқий Турк хоқонлиги қўл остидаги ҳукмдорлик бўлиб, хоқон томонидан тайинланувчи тудун томонидан бошқарилаётган эди [СДГМ, 1962, II: 80-85]. Уларнинг фикрича, хужжатда “Чоч ҳукмдори” деб тилга олинган киши Шарқий Турк хоқонлиги ноибни назоратида иш кўрган, тўлиқ маънода сиёсий ҳуқуққа эга бўлмаган бошқарувчидир. Фатуфарн ҳам дастлаб расмият юзасидан унга учрашиб, асосий дипломатик муносабатларни тудун билан амалга оширгани бежиз бўлмаган. Хужжат нашрида бу борада фикр юритган В.А. Лившиц қатор манбалар асосида 713 йилдан бошлаб Чоч бошқарувида Баҳодур (Моҳеду) тудун турганига урғу беради [СДГМ, 1962, II: 82]. Хужжатнинг санаси ҳақидаги янги қарашлар ҳам Фатуфарн билан учрашган тудунни 713-740 йилларда Чочни бошқарган Баҳодур тудун билан тенглаштириш тўғрироқ эканини кўрсатади [қар. Лившиц, 2008: 91; Бабаяров, 2007: 59].

Шу ўринда А–14 хужжатидаги *c’synk xwβ* (“Чоч ҳукмдори”) ибораси айнан қайси Чоч бошқарувчига тегишли экани ҳам ўз ечимини кутаётган масалалардан бири эканини айтиб ўтиш керак. Агар хужжатдаги “тудун” ва хитой йилномаларида келтирилган Чочнинг иккинчи даражали ҳукмдори (*Шуго фуван*) – тудун битта шахс [Chavannes, 1903: 142] ёки улар битта сулола вакиллари экани кўзда тутилса, йилномаларда Чочнинг асосий бошқарувчиси ўлароқ эслатилган *Шуго ван теле* “Чоч ҳукмдори Тегин” [Chavannes, 1904: 67-70] билан А–14 даги *c’synk xwβ* бир экани анчагина ўз тасдиғини топадиганга ўхшайди. Бироқ ушбу хужжат ёзилган вақт

## ЎРТА ОСИЁ БИТИКЛАРИ

720- йилларга, хитой йилномасида келтирилган маълумотлар эса 740- йилларга тўғри келиши масалани бироз чигаллаштиради. Шунингдек, ушбу масалани ҳал этишда *Чоч тегинлари* ва *Чоч тудунлари* сулолаларидан фарқли сулолага тегишлилиги аниқ кўриниб турган, туркий унвонларсиз, фақатгина хукмдор исми ва *с'сунк хwβw* (Чоч хукмдори) иборалари ўрин олган **Ж** ва **Ў** кўринишидаги тамғали тангаларни ҳам кўзда тутиш керак бўлади. Ушбу тангалардан қайси бири А–14 хужжатдаги *с'сунк хwβw*га тегишли ёки тескариси экани масаласи ҳам чигаллигича қолмоқда. VI–VIII асрларда зарб қилинган ушбу тангаларнинг Чоч тегинлари ва Чоч тудунлари тангалари билан бир вақтда, параллел равишда зарб қилингани эса анчагина аниқ [Бабаяров, 2007: 64-85]. Агар **Ж** кўринишидаги тамғали тангаларни 605 йилда Тегин Тянчжи томонидан тор-мор қилинган Чочнинг ерли сулоласига тегишли танга, деб қарасак, унда ушбу сулоланинг Чоч тегинларига бўйсинган ҳолда ўз бошқарувини давом эттиргани англашилади. Бу давр Чоч тангаларининг фарқли тамғалар билан зарб қилингани ва улардаги унвонлар ҳамда иборалар фарқлилиги воҳада VII–VIII асрларда турли сулолалар мавжуд бўлгани, уларнинг баъзилари бош, баъзилари эса иккинчи даражали ёки тобе (қуйи) мавқедаги сулолалар эканини кўрсатади.

Хитой йилномалари ва суғдий ёзувли *с'сунк хwβw tk'un* “Чоч хукмдори Тегин” унвонли тангаларга суянилса, 605-750 йилларда Чочнинг бош сулоласи Чоч Тегинлари сулоласи бўлиб чиқади [Бабаяров, 2007: 46-51]. Ушбу сулоланинг келиб чиқиши Ашина хонадонининг Ғарбий турк хоқонлари тармоғи бориб тақалади [Бичурин, 1950, I: 313; Буряков, 2002: 12]. А–14 хужжати бўйича изланиш олиб борган тадқиқотчилар Чочда *Тегинлар* бошқаруви бўлгани борасида сўз юритмаган бўлсаларда, воҳада *Тудунлик* бошқаруви билан бир вақтда яна битта ерли сулола бўлгани тўғрисида қарашлар билдиришган. В.А. Лившиц ушбу хужжатга таяниб,



воҳада қўшхокимиятчилик бўлган, яъни, бир томондан Хитой императорлиги ёки Шарқий Турк хоқонлиги ноибни ўлароқ қароргоҳи Тарбанд (Ўтрор) бўлган “тудун бошқаруви” ва иккинчи томондан қароргоҳи Шош (Тошкент шаҳри) бўлган “ерли сулола бошқаруви” бўлганини илгари суради [СДГМ, 1962, II: 81-83]. Аслида VII–VIII асрларда Чоч воҳасида бир неча сулола бўлиб, улар орасида 3 таси: Чоч тегинлари, Чоч тудунлари ва “Чоч ҳукмдорлари” йириклари эди. Турк хоқонлигига хос “тегин” – шаҳзода унвонига эга бўлган Чоч тегинлари бош сулола бўлса-да, амалдаги бошқарув кўпроқ Чоч тудунларида бўлган. Буни суғдийча А–14 хужжати ва хитой йилномаларидаги айрим маълумотлар кўрсатиб турибди [қар. Бичурин, 1950, II: 287, 299; Бабаяров, 2007: 55-60].

С.П. Толстовга кўра, “тудун” сўзи турк хоқонининг уруғидан бўлмаган ва бўйсиндирилган ҳукмдорликларни бошқариш, жойлардаги ҳукмдорлар фаолиятини назорат қилиш ҳамда ўлпон ва солиқлар йиғишни ташкил этиш мақсадида тайинланган ноибга нисбатан қўлланилган [Толстов, 1948: 260]. Юқорида айтиб ўтилганидек, “Тан-шу” йилномасида Ғарбий турк хоқони Тун ябғу-хоқон (619-630) ўз ҳукмдорлигининг илк йиллариданок бошқарув марказини Чочнинг шимоли-шарқига – Минг-булоқ мавзеси (Мерке)га кўчириб, *“вассал (воҳа) ҳукмдорларига элтабар унвонини бериб, уларни назоратда тутуш ва солиқ йиғимини ташкил қилиш учун тудун юбориши”* [Бичурин, 1950, I: 283] биринчилардан бўлиб айнан Чочда ўз мевасини бера бошлайди. Йилномаларда 640-750 йилларда Чоч бошқарувида бўлган 4 та тудуннинг исми ва унвони учраши хоқонлик ноибларининг бу ерда ўз сулоласига асос солганини кўрсатади [қар. Chavannes, 1903. P. 142; Бичурин, 1950, II: 313-314, Бобоёров, 2011: 34-39].

Демак, А–14 рақамли Муғ хужжатида учраб, 720-йилларда Тошкент воҳаси ва унга қўшни ўлкалардаги сиёсий ўзгаришларда фаол қатнашган шахс Чоч тудун-

## ЎРТА ОСИЁ БИТИКЛАРИ

лари сулоласидан бўлиб, ўша кезде Чоч Ўрта Осиёдаги йирик сиёсий кучлардан бирига айланади. Орадан яна 20 йилча вақт ўтганда ҳам у минтақадаги кучли ҳукмдорлардан бири сифатида кўзга ташланади. 740 йилда Тургаш хоқонлигининг йирик амалдорлардан бири Баға Тархон Фарғона, Кеш ва Чоч бошқарувчилари билан бирга тургаш хоқони Тухосян Қут-чурни Суяб шаҳрида енгган кезларда Чоч ҳукмдори сифатида Баҳодур тудун қатнашгани ҳам буни тасдиқлайди [Бичурин, 1950, I: 299].

Демак, 722 йилда араблар томонидан ўлдирилган Суғд (Панч) ҳукмдори Деваштич (709-722) архивига тегишли Муғ тоғи суғдий ҳужжатлари орасида А-14, В-17 ва В-18 рақамли ҳужжатлар ўша давр Ўрта Осиё сиёсий ҳаёти, ҳукмдорлар ўртасида йўлга қўйилган дипломатик ва ҳарбий алоқалар бўйича муҳим маълумотлар беради. Ушбу ҳужжатларга таяниб, нафақат Суғд воҳасидаги сиёсий ўзгаришларни, балки турк хоқонликлари, Чоч ва Фарғона тарихи билан боғлиқ қўплаб масалаларга аниқлик киритиш имкониятига эгамиз. Бир томондан Муғ ҳужжатлари хитой ва араб манбаларида турлича келтирилган ёки узук-юлуқ етиб келган маълумотларни тўлдиради, иккинчи томондан эса ушбу ҳужжатлар ўша кезларда бўлиб ўтган воқеликларнинг тўғридан-тўғри қатнашчилари томонидан ёзилгани учун тарихий аҳамияти бошқа манбаларга қараганда анча юқоридир.

Муғ ҳужжатларида ўрин олган “хоқон” ва “хун” (турк)ларнинг айнан қайси турклар билан боғлиқлиги масаласида, яъни, янада аниқлик киритувчи бирор маълумот топилиб қолгунича, ҳозирча қуйидаги қарашлар билан чекланамиз:

– 720- йилларнинг илк йилларидаги сиёсий вазиятни ўзида акс эттирган бу ҳужжатлардаги “хун”лар туркий элатлар билан боғлиқ бўлиб, ушбу атама биринчидан, бошқарув маркази Ўрхун водийси (Мўғулистон)да бўлиб, ўша кезларда ўз устунлигини Амударёгача ёйган

Шарқий Турк хоқонлиги қўшинлари учун қўлланилган бўлиши мумкин; иккинчидан, қарийб бир ярим асрдан бери Амударё – Сирдарё оралиғи ва унга туташ ўлкаларда ўзининг қонуний бошқарувига эга Ғарбий Турк хоқонлиги қўшинлари билан боғланади, бироқ бу қарашнинг кучсиз томонлари кўп. Учунчидан, “хун” этник атама остида ўша йилларда Еттисув ва унга туташ ўлкаларда йирик сиёсий кучга айланган Тургаш хоқонлиги қўшинлари кўзда тутилган бўлишининг эҳтимоли юқори. Шу ўринда айтиб ўтиш керак, туркий бўлмаган элатлар (суғдийлар, араблар ва б.) ҳар учала хоқонлик аҳолисини ялпи олиб “турк” деб атаверишган;

- ҳужжатлардаги “хоқон” ё Тургаш хоқонлиги ҳукмдори Сулуқ хоқон (716-738), ё бўлмаса Шарқий Турк хоқонлиги бошқарувчиси Билга хоқон (716-734) бўлиши мумкин. Қизиғи шундаки, улардан биринчиси ўзини “тургаш хоқони”, иккинчиси эса “турк хоқони” деб юритсалар-да, айрим истисноларни айтмаганда, ўз қўл остидаги ҳукмдорликлар наздида улар “турк хоқонлари” ўлароқ билинганлар. Демак, ушбу Муғ ҳужжатлари ёзилган кезлар – 721-722 йилларда ушбу турк хоқонларидан аниқ бири Суғд воҳасига ўз қўшинлари билан келган, Самарқанддан бошқа Ўрта Осиёдаги араблар қўл остига ўтган ерларнинг катта қисмини қайтариб олган, бироқ унинг бу муваффақияти узокқа чўзилмаган йиллар эди. Ҳужжатларда 720- йилларнинг бошида арабларга қарши курашган хоқоннинг исми келтирилмагани учун ҳозирча унинг Шарқий Турк хоқонлиги ёки Тургаш хоқонлиги ҳукмдори бўлгани борасида аниқ бир тўхтамга келиш қийин.

### 7-§. Қирғизистондан янги топилган суғдий битиклар

Амударё – Сирдарё оралиғига ўхшаш, бироқ унинг кичикроқ бир кўриниши бўлиб, Чу – Талас ва Или дарёлари қирғоқларида ўрин олган Еттисув (Жану-би-Шаркий Қозоғистон – Марказий Қирғизистон) Ўрта Осие ўтмишида ўзига хос тарихий из қолдирди. Илк ўрта асрларда туркийлар ва суғдийлар кўп тарқалган тарихий ўлка ўлароқ билинган Еттисувнинг Чу ва Талас дарёлари юқори қирғоғида ўнлаб шаҳар ва йирик қишлоқлари ўша кезларда маданият ўчоқларидан бирига айланди. Бу ердаги Суяб, Балосоғун, Барсхон, Навикат, Ўрду каби шаҳарлар туркий – суғдий элатлар қоришувини негизда “турк-суғд маданияти” яратилди. Еттисув ўлкасидан эски шаҳар қолдиқларидан турли буюмларга ёзилган юзлаб туркий ва суғдий битикларнинг топилаётгани бунинг ёркин ўрнақларидир.

Яқин йилларда Қирғизистоннинг эски шаҳар қолдиқларидан яна бир суғдий битик топилган бўлиб, қирғиз археологлари томонидан бизга ўқиш учун юборилди<sup>10</sup>. Биз ёзув хум оғзига айланасига ёзилган, бироқ ёзувлари тўлақонлик сақланмаган ушбу битикни “... [M]N xw t'wу MYLK'y βδnkt pry tkyn...” - “... Баданкат бошқарувчиси ҳукмдоридан Фри-тегинга...” деб ўқидик (қар. 10- расм). Қизиғи шундаки, Қирғизистонда XX асрнинг ўрталарида олиб борилган археологик қазишлар чоғида ҳам шунга ўхшаш битиклар топилган бўлиб, уларда туркий ва суғдий унвонлар аниқланган эди. Суғдшунос В.А. Лившиц томонидан чоп этилган изланишларда бир қанча сопол идиш сиртида шунга ўхшаш ёзувларга тўхталиб ўтилган [Лившиц, 2008: 353-368].

<sup>10</sup> Ушбу мақола илк бор Ф. Бобоёров ва К. Табалдиевлар томонидан Sogdian Club интернет электрон журналида чоп этилган [қар. Babayarov G., Tabaldiev K. New inscriptions from Kyrgyzstan // <http://www.groups.yahoo.com/group/Sogdian-L> (November, 2011)].



سەھىرە پىلەكە ۋەلىمە مەدەنىيەت

10-расм

Ушбу битикдаги биринчи сўз *xw't'wu* суғдийча “худот, худо (эга)”, “хукмдор” атамаси билан бир бўлиб, иккинчиси *MYLK*’у эса оромийча гетерограмма (кўчма атама) *MLK*’ сўзининг бошқачароқ ёзилган кўринишига ўхшайди. Учинчи сўз *βδnkt* “Баданкат” (= “Яшайбоп шаҳар” суғдийча *β'δ*)? “яшаш жойи”) Етгисувдаги суғдийча топонимлардан бири бўлиб, уни араб ва форс ёзма манбаларида учрайдиган *Bādan* шаҳри билан тенглаштира бўлади [қар. Лурье, 2004: 70]. Сўнгги тўртинчи ва бешинчи сўзларни эса *pry tkyn* “Фри-тегин” кўринишидаги суғдий-туркий қоришиқ атама (унвон) деб очикладик. Кўринишидан, бу ерда суғдийча “ардоқли, севимли” маъносидаги *pry* (Fri) сўзи [Gharib, 1995: 295] эски туркча “тегин” (шаҳзода) унвонига қўшилиб, бирор эпитет (сифат) вазифасини ўтаган.

Шарқий Туркистонга кунчиқар томондан қўшни Дунхуан ўлкаси (XXP)дан топилган III–IV асрларга тегишли “Эски хатлар”да ҳам *Fri* атамаси учраб, у *Fri-xwatāw* кўринишида “хутав” (худот) унвонига қўшилиб келган [Grenet, Sims-Williams, Vaissiere, 1998: 93]. *Fri-tegin* атамасини эски туркча унвон *sebük / sevük-tegin* – “суюкли Тегин (шаҳзода)” билан тенглаштира бўлади. Атоқли Ғазнавийлар хукмдори Сабук-тегин (977-997) орқали танилган ушбу унвоннинг биринчи бўлаги “са-

## ЎРТА ОСИЁ БИТИКЛАРИ

бук” ёки “себук” илк бор Ўрхун битиктошларида *sebig* кўринишида учраб [User, 2009: 137], Турк хоқонлиги бошқарувида юқори унвонлардан бир бўлгани англашилади [Бобоёров, 2012: 36; Кубатин, 2016: 168, 188]. Шунингдек, 710 йилда тузилган бактрийча совға қилинганлик тўғрисидаги ҳужжат (Дос. Т)да туркий маликага нисбатан *хотолого тапаулио билуаво савоово* (турк. “Қутлуғ тапуғлуғ билгасебук/себиг”) иборалари қўлланилган бўлиб [Sims-Williams, 1999: 255256; Sims-Williams, 2000: 74, 82, 88], улардаги *тапуғлуғ* сўзи луғавий томондан “хизматли, хизматчи, хизмат кўрсатган”, себук/себиг эса эпитетли унвон ўлароқ очиқланади [қар. ДТС, 1969: 497, 535].

“Тегин” унвони Турк хоқонлиги бошқарувида кўп учраб, келиб чиқиши хоқонликка уланувчи Чоч, Фарғона, Тўхористон ва Кобулистон бошқарувчилари ушбу унвонни бош унвон ёки юқори унвонлардан бири ўлароқ ишлатишган.

Чоч Тегинлари сулоласи (605-750) 605 йилда, келиб чиқиши Фарбий Турк хоқонлигининг Ашина сулоласидан бўлган Тегин Тянчжи томонидан курилади [Бичурин, 1950, II: 272-273, 282; Буряков, 2002: 12]. VII–VIII асрларда Чоч воҳасида суғдий ёзувда *с'сунк хwβw tk'yn* “Чоч ҳукмдори Тегин”, *хwβw tk'yn* “Ҳукмдор Тегин”, *уnсw 'yr tkyn* “Йенчу Эл-тегин” унвонли тангалар бостирилиши [Бабаяров, Кубатин, 2006: 194-198; Бабаяров, 2007: 40-44;], 750- йилларда Ши-го ван Теле “Чоч ҳукмдори Тегин” унвонли Чоч бошқарувчисининг Хитойга элчи юборгани [Chavannes, 1903: 142; Chavannes, 1904: 67, 69-70, 74, 92] ушбу сулола деярли 150 йил Чочда бош сулола бўлганини кўрсатади.

Фарбий Турк хоқонлиги шахзодаларидан бири 630-йилларда Фарғона водийси бошқарувини қўлга киритгач, Ашина сулоласининг бир тармоғи бошқаруви чамаси 810- йилларгача сақланиб қолади [Бичурин, 1950, II: 319; Бобоёров, 2019: 3-19]. Улар “тегин” ва “ихшид” унвонларига эга эдилар. Буни X асрда яшаган Абу Аб-

дуллоҳ Муҳаммад ал-Хоразмий ўз асари “Мафотих ал-улум” (“Илмлар қалити”)да ёзиб қолдирган қуйидаги маълумот кўрсатиб турибди: “Ихшид – Фарғона ҳукмдорларининг исми, иерархия бўйича ундан кейингилари *الصوار تگين* (Свор-Тегин / Чўр-Тегин)<sup>11</sup> деб аталади” [Bosworth, Clauson, 1965: 6-7; Баходиров, 2009: С. 114]. Ибн Ҳалликон “Вафоёт ал-аъён ва анбау ал-замон” асарида IX аср илк ярмида Самара (Бағдод)да ҳарбий бошлиқлардан бўлиб, келиб чиқиши Фарғона Ихшидийларидан бўлган Чуфф (Чуқ) ибн Йал-Тегин (Эл-Тегин) тўғрисида *aşluhu min awlād mulūk Farğāna* “асли Фарғона ҳукмдорлари авлодидан” деб ёзади [Stark, 2008: 223].

“Тўхористон Ябғулари” деб аталадиган сулола Ғарбий турклардан Эл-тегин (588-590) ёки келиб чиқиши Ғарбий турк ҳокони Тўн ябғу-ҳокон (619-630) билан боғланувчи Тарду-шад томонидан қурилади [Бобоёров, 2002: 10-11; Камолиддин, 2012: 99]. Ушбу сулола 620-750 йилларда бошқарувда бўлиб, “ябғу” бош унвон, “тегин” эса шахзодалар томонидан қўлланилган унвонлар эди [Джуманиязова, 2018: 15-16]. 706, 718 йилларда Тўхористон ябғулиги томонидан Хитойга юборилган элчи *Ашина Дэлэ пуло* (\*Ашина Тегин Бўғра) тўхористонлик шахзодалардан бири эди [Бичурин, 1950, II: 321; Chavannes, 1903: 287, 291].

Кобул водийсини 640-843 йилларда “Кобулистон Тегин-Шоҳийлари” деб аталган сулола бошқариб, улар ҳам ўз келиб чишига кўра Тун ябғу-ҳоконга бориб тақалади [Джуманиязова, 2018: 18-19]. Бу сулола томонидан бостирилган ҳинд, бактрий ва паҳлавийча ёзувли тангаларда “тегин” унвони ўрин олган [Harmatta, Litvinsky, 1996: 277-278; Babayarov, Kubatin, 2013: 109-120]. Абу

<sup>11</sup> Свор-Тегин – ушбу исм (тўғрироғи, унвон)нинг биринчи бўлаги “Свор” эски туркча “чўр” унвони билан боғлиқ бўлиб, араб ёзувида “ч” ундоши бўлмаганидан араб муаррихлари бу сўзни “шур”, “жур”, “сул”, “жвор” кўринишларида ёзишган (қар. Лившиц, 1979: 66-67; Табари, 1987: 185; Смирнова, 1970: 256). Бу қарашимизни ушбу унвоннинг арабча *ص* (син) билан эмас, *ص* (сод) ҳарфи берилиши ҳам кучайтиради. Араблар бошқа тиллардаги “ч” ундошини кўпинча “сод” билан ёзишган.

## ЎРТА ОСИЁ БИТИКЛАРИ

Райхон Беруний исломдан олдинги Кобул хукмдорларининг негизи “Барха-текин” деган туркий бошқарувчига боғланишини ёзади [Беруний, 1965: 311-312; Кляшторный, 2006: 446-454].

Бундан ташқари, Турк хоконлиги даврида VI асрнинг сўнги чорагида Бухорода Эл-тегин, араблар босқини чоғида эса Журжон ва Деҳистон (Шимоли-Шарқий Эрон – Жануби-Ғарбий Туркменистон) хукмдорлигида Сул-Тегин (\*Чўр-Тегин) каби туркий бошқарувчилар хукм суради [Камолитдин, 2012: 20, 22, 42, 129-130].

### 8-§. Исломдан олдинги Чоч мухрларида “Фарн” (кут) сўзи

Тошкент вилоятининг Қанқа ёдгорлигидан ўнлаб лой ва металл мухр -буллалар топилган бўлиб<sup>12</sup>, улардан бир қисмининг сиртида суғдий ёзувда *prn* “фарн” (кут) сўзи учрайди. Уларнинг кўпчилиги думалоқ шаклда бўлиб, туя тасвири туширилган бронза (ўлчами 2,2 см. қар. Fig. 1-2), ётиқ ва чўзинчоқ шаклдаги кумуш (ўлчами 1,7 см. қар. Fig. 3), шунингдек, тўртбурчак бичимдаги кумуш мухрлардир (ўлчами 4х4 см. қар. Fig. 4).



11-расм

<sup>12</sup> Ушбу мақола Ф. Бобоёров томонидан Sogdian Club интернет сайтида чоп этилган.



Ушбу муҳрлар орасида тўртбурчак шаклдагиси жуда ноёб бўлиб, унда исломдан олдинги Чоч ҳукмдорлигига тегишли тамға **W** (санчқисимон) билан деярли бир [қар. Смирнова, 1981: 391; Rtveladze, 1997/98: 317; Baratova, 1999: 250-256; Бабаяров, 2007: 52-54]. Айниқса, милодий 640-750 йилларда Чоч бошқарувида бўлган туркий Чоч Тудунлари сулоласи тангасидаги тамға билан ушбу тамғанинг бирдай эканлиги бу муҳрни ушбу сулолага тегишли эмасмикин, деб қарашга ундайди.


Хитой йилномаларида 640- йиллардан то 750- йилларгача бўлган 100 йилдан кўпроқ бир вақт кесимида Чоч воҳасини бошқарган Тўн (650- йй.), Баҳодур (713-740), Инал Кулуг (740-750), ва б. каби 4 нафар туркий Чоч ҳукмдорининг исми тудун унвони билан тилга олиниши [Бичурин, 1950, I: 287; Бичурин, 1950, II: 313-314; Chavannes, 1903: 142; Малявкин, 1989: 270], А-14 рақамли Муғ тоғи суғдий ҳужжатида (720- йиллар) *tōwn* (тудун) унвонли киши Чочга тегишли сиёсий масалаларни ҳал қилувчи бошқарувчи ўлароқ учраши [СДГМ, 1962, II: 78-79; Исҳоқов, 1992: 5-6; Grenet, Vaissiere, 2002: 170], Абу Жаъфар ат-Табарийнинг “Тарих ар-русул ва-л-мулук” асарида эса “*Тудун малик аш-Шош*” (“Шош ҳукмдори Тудун”) иборалари қайд этилиши, Абу Райҳон Беруний ҳам “тудун” сўзини Шошнинг қадим ҳукмдорлари унвони, деб кўрсатиши [Табари, 1987: 268; Беруни, 1957: 111], айнан Тегинлар сулоласи билан деярли бир вақтда воҳани Тудунлар сулоласи бошқарганини кўрсатиб турибди. Устига-устак, VII–VIII асрларга тегишли кўплаб Чоч тангаларида *tōwn c'synk xwβ* “Чоч ҳукмдори Тудун” иборасининг учраши [Смирнова, 1981: 389-393; Бабаяров, 2007: 52-55] воҳада Тудунлар сулоласи бошқаруви бўлганини кўрсатади.

Шу билан бирга, Чоч Тудунлари воҳада Чоч Тегинлари (605-750) сулоласидан куйи даражада турувчи сулола бўлганига хитой йилномаларида айрим ўринларда Ши-го фу-ван Ту-тун “Чоч давлати ҳукмдор ўринбосари Тудун”, Тегинлар сулоласи эса Ши-го ван Те-лэ “Чоч

## ЎРТА ОСИЁ БИТИКЛАРИ

хукмдори Тегин” деб келтирилиши аниқлик киритади [қар. Chavannes, 1903:142; Chavannes, 1904: 67, 69-70, 74, 92].

### 9-§. Руст (Хахсар) хукмдори Афшундан Картёга мактуб



12-расм

Суғд воҳасидаги Хахсар ҳокимлигига тегишли тери-га ёзилган ҳужжат. 13x8,5 см юзали чармнинг ўнги ва тескарисига ўзига хос индивидуал хат услубида битилган суғдийча ҳужжат. Самарқанд давлат музейида Кп-6000/8 рақам билан рўйхатга олинган. Ҳужжатнинг ҳар иккала томони эни бўйлаб ёзилган. Ҳаммаси бўлиб ўнг бетида 3, орқа бетида эса 2 (3 жумла) қатор ёзув битилган. Ҳужжат тузилган давр милодий VII–VIII асрлар. Француз суғдшуноси Ф. Гренэ томонидан нашр этилган [Grenet, 2000: 196-197]. Панч ҳукмдорлигига тобе ҳокимликлардан бири Хахсар бўлиб, бу ер Самарқанддан 2 фарсах шарқдаги Ургутга яқин йирик қишлоқ (ёки русток)лардан бири эди. Хахсар Деваштичнинг

Панчдан туриб ғарбдаги тобелари устидан ҳукмронликни таъминлаши учун қулай қалъа эди. Муғ тоғи суғдий ҳужжатларидан Хāхсар сўзи “булоқ боши” (хāх – “булоқ” ёки “чашма” ва сар – “бош”) маъноларини англатган [қар. Лившиц, 2008: 129-130]. Самарқанднинг жануби-шарқида жойлашган кичик ҳокимлик. Ушбу жой номининг бир қисми манбаларда Руст шаклида ҳам учрайди.


Ўзбекча ўгирмаси:

Ўнг юзасида:

- 1) Жаноби ҳукмдор (хуву)га<sup>13</sup>, суюкли ва шарафли;
- 2) Картёга, унинг содиқ кулидан.
- 3) Афшундан, Руст ҳокимидан;

Орқа юзасида:

- 1) ... жаноб ҳукмдорга
- 2) ... дан ...

Шу ўринда айтиб ўтиш керак, ҳужжатнинг 3- қаторидаги иборани Афшун ўқилиши бўйича турлича қарашлар ўртага ташланган бўлиб, Муғ ҳужжатларидан бир қанчасида учрайдиган  бу исми бугунги кунда инглиз суғдшуноси Н.Симс-Вильямс ва француз тарихчиси Ф.Гренэ фикрларига қўшимча сифатида *ʾršwn* “Афшун” деб ўқишни палеографик жиҳатдан тўғри деб билади [қар: Grenet, Vaissiere, 2002: 160]. Соҳага оид қатор изланишларда бу сўз Афарун тарзида келтирилиб, унга Иштихондаги Афаринкет шаҳрига асос солган шахс сифатида қараш кўзга ташланиб келди

<sup>13</sup> Суғдийча хуву – “ҳоким”, “ҳукмдор” маъноларини беради. Хионий ва эфталлий (Византия манбаларида “оқ хунлар” деб келтирилади) тангаларидаги унвонларда акс эттирилган суғдийча хув [xuv], бактрийча хофо [xuv] сўзларининг келиб чиқиши халқ ёки элат номини ифодалаши билан боғлиқ бўлиши мумкин (Қаранг: Лившиц В.А. Согдийские и бактрийские настенные надписи на городище Афрасиаб / Royal Nauruz in Samarkand Proceedings of the Conference Held in Venice on the Pre-Islamic Paintings at Afrasiab. – Pisa-Roma: 2006. – P. 59-74).

## ЎРТА ОСИЁ БИТИКЛАРИ

[Шоёкубов, 2008: 31; Отахўжаев, 2010: 96]. Аммо суғд-шунослар ушбу сўзни *'prwn* – Афарун кўринишда эмас балки *'ršwn* – Афшун деб ўқиш мумкинлиги эътироф этишди [Лившиц, 2008: 128]. 1989 йилда инглиз суғд-шуноси Н.Симс-Вильямс уни Афшун шаклида тўғри-лаб ўқиган бўлиб, унинг бу таклифи В.А. Лившиц томонидан ҳам қабул қилинган [қар. Лившиц, 2008: 132]. Зотан, Муғ тоғи ҳужжатларининг бир нечасида учрай-диган мазкур исмнинг палеографик шакли уни Афшун ўқишга имкон беради.

### 10-§. Кавч томонидан Пачпарга берилган тилхат

Милодий VI асрларга тегишли Афросиёб (Самарқанд) топилмаси. Ўлчами 16x2,5 см. Самарқанд давлат музейида Кп-3786/2 рақам билан рўйхатга олинган. Суғд фуқароси Кавчнинг Пачпарга қарздорлиги ҳақидаги тилхат бўлиб, ёғочга битилган. Суғдий курсив ёзув. Ф. Гренэ томонидан ўқилган [Grenet, 2000: 197-201].



13-расм

Ўзбекча ўғирмаси


“Демак, Кавч: “Паротдаги даромадга (келсак) .... мен Пачпару ёки Шарғуга қарздор эдим, ва (шу) миқдордан менинг томонимдан Шарғуга 150 статердан кўп бўлмаган (қайтариб) берилди”, шу (сўзлар) айтилаётганда Артмив, Спандат, Йамк, Ванч (ҳозир) бўлишган”.

Ҳужжатдаги Кавч, Пачпар, Шарғу, Артмив, Спандат, Йамк, Ванч сўzlари суғдий атоқли отлар бўлиб, уларнинг бир қисми киши исми бўлса, бир қисми эса ҳуж-

жат тузишда қатнашган кишиларнинг нисбаси, яъни яшаш жойи билан боғлиқ исм ва атамалардир.

### **11-§. Афросиёбдан топилган сопол идишдаги суғдий ёзув**

Деярли юз йилдан бери ўрганиб келинаётган Самарқанд Суғдининг маркази – Афросиёб ёдгорлиги фанга турли тасвирий санъат ва меъморчилик намуналари, бой сопол буюмлари тўплами, кўплаб терракоталар (лойдан ясалган ҳайкалчалар), суғдий-туркий тангалар тўпламини ҳадя қилди. Шунингдек, Афросиёбдан бир қанча суғдий ёзувли эпиграфик топилмалар ҳам аниқланган. Уларнинг бир қисми сопол ва металл буюмлар сиртига ёзилган битиклар бўлса, бир қисми эса сарой деворлари ва ёғоч мосламаларга битилган ёзувлардир.



*14-расм*

Аслида Афросиёб ёдгорлигида кўплаб битиклар топилиши кутилган эди. Бироқ араб, форсий ва хитой манбаларида тилга олиб ўтилган Самарқанд шаҳрининг 712 йилда Араб халифалиги кўшинлари томонидан босиб олинishi чоғида турли даражадаги ёнғинлар келиб чиққан бўлиб, улар шаҳар архивига салбий таъсир этган. Бундан ташқари, араблар шаҳарни эгаллагач, суғдий маданиятни, айниқса, ёзув намуналарини ҳам йўқ қилишга уринганлар. Шундай бўлишига қарамай, айрим ёзма материаллар бугунгача сақланиб қолган.

Самарқанд топилмаларидан бири – сопол сиртига қора сиёҳ билан битилган суғдий ёзувдир. Ушбу топилма XX асрнинг 50- йилларнинг сўнггида қайтадан кун юзини кўрди. Топилма тўғрисида аниқ маълум-

## ЎРТА ОСИЁ БИТИКЛАРИ

мот сақланиб қолинмаган бўлиб, унинг фотонусхаси мархум археолог Ш.Тошхўжаев томонидан суғдшунос М. Исҳоқовга тақдим қилинган (Ўзувнинг фотонусхаси. Қаранг: 14- расм).

Ўзув айлана шаклидаги сопол идишнинг четига битилган. Ўзувнинг чап томони қисман эгилган ҳолда битилган бўлиб, чамаси у учта сўздан иборат бўлган. Унинг биринчиси 3 см бўлиб, тахминан 6-7 ҳарфдан иборат қисми емирилиб кетган. Жумладаги 2 чи ва 9 ҳарфларга шикаст етган. Сақланиб қолган қисми 10 та суғдий ҳарф белгиси М. Исҳоқов томонидан куйидагича ўқилган: ( $\beta(?)r'mn\beta n(t)k$ ). Жумладаги охириги 8 та ҳарф суғдийча киши исми *Rāmanvandak* (ёки *Rāmanvande*) бўлиб, сўзма-сўз “Раман (илоҳ) + *vande* “қул”. *Rām-*, *Rāman-* илоҳи қадимги эроний халқларда тинчлик илоҳи ҳисобланиб, эроний халқларнинг зардуштий тақвимининг 21- чи куни ушбу илоҳ номи билан аталган.

Суғд воҳасида *Rāman* илоҳи номидан келиб чиққан топонимлар ҳам учрайди. А-9 рақамли Муғ тоғи суғдий ҳужжатида ушбу илоҳ номи боғлиқ топонимга дуч келинади [Grenet, Vassaire, 2002: 174-175]. *Rāman* – Рам илоҳи номидан шакланган топоним бўлиб, Уструшо-на ва Парғар оралиғидаги аҳоли манзили, деб тахмин келинади. Айтиб ўтиш керак, ушбу жой номи ҳужжатнинг илк нашрларида Рамуш (Ромуш) шаклида ўқилган бўлиб, бу борада бир қатор мунозарали қарашлар билдирилган [СДГМ, 1062, II: 94-95]. Хитойлик йилномачилар томонидан *A-lan* кўринишида берилган ушбу атама суғдий ономастикада кичрайтирувчи -*č* суффикси билан *R'mc* (*Rāmč*) ва Муғ ҳужжатларида *R'mtuš* (*Rāmtiš* – сўзма-сўз “Рам ва Тиш (илоҳлари томонидан яратилган)”) кўринишида учраб, у хаттотлардан бирининг номи ўлароқ келади: “Ромтиш Вгашфарн затак (ўғли)”. *Rāman-* қадим эроний ономастикада кенг учрайди. Айниқса, милоддан олдинги V асрга оид Персепол хўжалик ҳужжатларида Элам талаффузида *Rām(an)-* ва

оромийчада *Rāman* (*Rmn*), *\*Rāmadahyu-*, *\*Rāmaḳa*, *Rāman-(a)ya-*, *\*Rāmanxšara*, *\*Rāmina* шаклларида кенг учрайди [Mackenzie, 1986. P. 113].

М. Исҳоқовга кўра, *R'mnβntk* исмидан олдин келган β ва ҳарф устидаги нуқтани кўзда тутиб, ушбу ҳарф белгиларини чамаси δ/L деб ўқиса бўлади. Эътиборли томони шундаки, биринчидан, ламед/далет ҳарфларининг ушбу шакли суғдийча учун хос эмас, иккинчидан, фотонусхадан бошқа ҳарфлар тагида нуқта қўйилган бўлиб, бу кўпроқ ўчиб кетган олдинги жумланинг излари ҳам бўлса керак. Суғдий тилда β йўналишдаги олд кўмакчи (қадим эронийча *abi*) маълум эмаслигидан келиб чиқадиган бўлсак, исм олдидан турган β ҳарфини бирор сўзнинг давоми, деб қараса бўлади. Ўрнак учун, [n]β – “уруғ, оила”. Бунда ушбу сўзга “Раманбанде оиласидан” деб қараш ва бу орқали идишнинг эгасини кўрсатишга ишорани кўриш мумкин.


М. Исҳоқовнинг ёзишича, ушбу суғдий парчадаги жумланинг ёзув бичими (палеографик хусусиятлари) дан ҳарфларни қўшиб ёзишдаги камчиликлар кўзга ташланади. Айниқса, -β+n, t+k ҳарфларини қўшиб ёзиш “Кўҳна хатлар”даги қадим суғдий матнлардаги каби келтирилган. Айниқса, алеф ҳарфининг ёзув шакли (суғдий ҳужжатлар санасини аниқлашда муҳим ҳисобланади) “Кўҳна хатлар”даги айни ҳарф шаклидан фарқли ва кейинги даврга тегишли бўлиб, ушбу сопол парчадаги суғдий жумлани V–VI асрлар билан белгилаш тўғрироқ бўлади [қар. Исҳоқов, 1988: 47-50].

## 12-§. Канақ исми битилган хумдаги ёзув

Афросиёб (Самарқанд)дан топилган VI–VII асрларга оид кўзанинг синган сопол парчаси. Ўлчами 19x15 см. Самарқанд давлат музейида А-598/1 Кп-6031 рақам билан рўйхатга олинган. Ушбу битик билан танишган Ф. Гренэга кўра, топилмадаги суғдийча сўз *k'n'k / kānāk*

## ЎРТА ОСИЁ БИТИКЛАРИ

деб ўқилади [Grenet, 2000: 201-202], Муғ тоғи суғдий хужжатида *k'n'k* атамаси учраб, унга киши исми сифатида қаралади [Лившиц, 2008: 166].



15- расм

Бизнингча, ушбу сопол парчасидаги битикнинг ёзув бичимидан келиб чиқилса, 5 та ҳарф белгисидан тузилган бу иборани *su-dru* деб ўқиб, уни суғдийча *su* “кўрсатмоқ, кўринмоқ, пайдо бўлмоқ” ва *dru* “уч (рақам)” сўзлари [Gharib, 1995: 367] билан бошланган бирор жумланинг бир қисми сифатида очиқласа бўлади. Битик тўлиқ сақланмагани учун унда айнан нима тўғрисида сўз юритилганини аниқлаш қийин.

### **13-§. V–VI асрларда Чочнинг боши моний рухонийси – Санақ**

Исломдан олдинги Ўрта Осиё топилмалари орасида булла – лой муҳрлар бўйича изланишлар олиб бориш кейинги йилларда анчагина ўсди. Уларнинг бир қисми В.А. Лившиц томонидан ўрганилган бўлиб<sup>14</sup>, тадқиқот-

<sup>14</sup> Изланишларимизнинг ушбу бўлимида В.А. Лившицнинг 2008 йилда чоп этилган ишларига суяндик [қар. Лившиц В.А. Согдийская эпиграфика Средней Азии и Семиречья. – Санкт-Петербург: 2008. – С. 326-332].



чи 1995 йилда Ю.Ф. Буряков ва Г.И. Богомоловлар эълон қилган Чоч муҳрларидаги [Bogomolov, Burjakov 1995: 220-234] битикларни ўқиб, уларнинг тарихий ва тилшунослик томонларини очиб берган. Ушбу булларлар 1980- йилларнинг охири 1990- йилларнинг бошида Қанқа (Чоч) шаҳар харобаларидан топилган. Бугунги кунгача Қанқадан жами 50 дан ортиқ булла (муҳр) топилган бўлиб, уларнинг бир қанчасида ҳайвонлар, қушлар ва турли жониворларнинг тасвири туширилган. Шунингдек, ушбу шаҳар харобасида суғдий ёзувли бир неча муҳр топилганлиги маълум. Улар орасида сўл томонга юзланган, сочлари бирмунча узун, кирра бурунли, европоид кўринишли инсон тасвирли муҳрлар кишини ўзига тортади.



1



2



3

*16- расм*

Бу туркумдаги муҳрларнинг биринчи гуруҳида 4 дона бир хил муҳр топилган бўлиб, улардан фақат бир донасида эркак кишининг бош қисми тасвири тўлиқ сақланиб қолинган (қар. 16- расм, 1). Тасвирдаги эркак сўл томонга қараган, бош кийимда (тож ёки дубулға?), калта соқолли, дўнгпешона, узун киррабурунли, сочи елкасига тушган ҳолда тасвирланган. Муҳрдаги тасвирнинг олд қисмида айланасига ёзилган битик сақланган. 2 та муҳрда курсивда ёзилган суғдий ҳарф белгилари сақланган, улар В.А. Лившиц томонидан *n'pc* “ҳалқ, жамоа” сўзи *хит.* деб ўқилган. Қолган икки муҳрдаги суғдий ёзув ўчиб кетган. В.А. Лившиц ушбу муҳрлар-

## ЎРТА ОСИЁ БИТИКЛАРИ

даги битикни IV–V асрларда ясалган Чочга тегишли кумуш идиш сиртидаги ёзув ва Қанқадан топилган мис тангалардаги суғдий ёзувлар билан солиштириб, уларни [X. c'c'n] n'pc (xwt)[ 'w] “X. Чоч йўлбошчиси] халқининг ҳукм[дори]” деб тиклаган [Лившиц, 2008: 327].

Бу туркумга кирувчи 7 та бир хил муҳрда эса соқолли, кулоҳ кийган эркак тасвири туширилган. Ушбу муҳрлардаги эркак тасвири ҳам сўлга қараган бўлиб, озгин бурунли, ингичка мўйловли, понасимон соқолли, елкасига тушган жингалак сочли қилиб тасвирланган. Бош кийими – тожининг пастки қисми тўлқинсимон. Тасвирдаги эркак ярим доира шаклидаги ёқали камзул кийган. Муҳрда суғдий курсив ёзув ўрин олган. Ю.Ф. Буряков ва Г.И. Богомоловлар муҳрдаги битикда 12 та ҳарф жой олганига урғу беришган. В.А. Лившицга кўра, муҳрларнинг фотонусхасида фақат иккита (№21, 22) муҳрда суғдий ёзув сақланиб қолган. Улардан бири - 21 рақамли муҳрда суғдий ёзувли жумла бутунлигича сақланмагани сабаб ундаги фақат ](t)[.k'r[ ҳарфларни ўқиш мумкин. 22- рақамли муҳрда суғдий ҳарфларнинг фақат изи қолган. Чамаси, бу муҳр эгаси исмининг бир қисми бўлиши мумкин. <'>, <k> ҳарфларининг муҳрдаги ушбу шакли V–VI асрларга (?) тегишли эканини кўрсатади [Лившиц, 2008: 328].

Эркак тасвири туширилган учинчи муҳр ва ундаги суғдий ёзув эътиборни тортади. Муҳрдаги эркак тасвири бош кийимсиз, юзи чап томонга қаралган, кенг соқолли, ялпоқ бурунли, ингички мўйловли, узун сочлари елкасига тушган ҳолда тасвирланган (қар. 16-расм, 2-3). В.А. Лившицга кўра, муҳрда айланасига 3 та сўздан тузилган (17 та ҳарф) суғдий битик ўрин олган бўлиб, соат миллари бўйича 5 дан бошланиб, 9 да тугайди ва *'spsk s''nk kw'ṭynk* |*əspasak Sānak Kawātēnak*| “Руҳоний Сāнак, Кавāt ўғли” деб ўқилади [Лившиц, 2008: 329]. Ушбу тадқиқотчининг ёзишича, битикнинг бошламасидаги икки сўзда боғловчи йўқ, охириги учинчи сўздаги *-ṭynk* жумласи боғловчи билан келтирилган.

<’>, <с>, <р> ҳарф шакллари VI асрдан олдин бўлмаган суғдий ҳарф шакллариға ўхшаш. Ёзув бичимиға кўра ушбу битикдаги ҳарф белгилари кўпроқ IV–VI асрларға тегишли деб саналадиган Юқори Ҳинд (Шаттал) водийсидаги қоятош ёзувлари билан яқин ўхшашликка эға. Ушбу Чоч муҳрларидаги суғдий ёзув 639 йилда Шарқий Туркистонда тузилган суғдий кул (аёл) олди-сотди шартномаси ва суғдий-буддавий “Сутра мактублари”дан қадимийроқдир. Шарқий Туркистондан топилган суғдий-буддавий кўлёмаларнинг энг қадимгиси 728 йиллар билан белгиланади [Лившиц, 2008: 329].

В.А. Лившицға кўра, муҳрдаги *Sānak* исми сўзма-сўз “юксалаётган, баландлаётган” маъносини бериб, у қадим эроний \**san* - “кўтарилмоқ, юксалмоқ”, суғдий *sn- |san|* - “кўтарилмоқ, баландламоқ”, яғнобий *sayn-, seyn-, sēn-* (< \**sānaya*) “кўтармоқ” сўзларидан ясалган. Морфологик томондан *Sānak* исми икки асосли - \**S:(’)* *nβy |Sānvay|* “илоҳликка юксалиш” маъносидаги бир исмнинг иккиға бўлинган қисқа кўриниши бўлса керак.

“Кавāt ўғли” - *Kw̄tynk |Kawātēnak|* патроними эса -*ēnak* (< \**aina-ka* ёки \**ayana-ka-*) суффикси кўшилишидан ясалган киши исми ўлароқ Юқори Ҳинд водийси суғдий қоятош битикларида учрайди. Авесточа *Kauiāta* асосли суғдий *Kawāt*, афсонавий Кайёнийлар сулоласи асосчисининг исми бўлиб, суғдий халқ оғзаки ижодига мансуб антропонимлар туркумиға киради.

Ушбу Чоч муҳридаги суғдий жумладаги тортишувли сўз – *ʹspsk |əspasak|*дир. Чамаси, *ʹspsk* моний-парфиёний ёки моний-ўрта форсча *ʹspsq |ispasag|* “хизматчи, ибодатхона хизматчиси > руҳоний” сўзидан ўзлашган. Чунки ўрта форс ва парфиёний тиллари Шарқий моний ибодатхоналарнинг расмий тили бўлиб, Шарқий Туркистондан топилган кўпгина моний матнларининг суғдийчаға ўгирилиши натижасида суғдий тилға ҳам ўзлашган.

*ʹspsk* сўзининг бош ҳарфи қисқа сирғалувчи алефни ифодалаб, шартли равишда транскрипцияда э деб

## ЎРТА ОСИЁ БИТИКЛАРИ

талқин этиладиган ғарбий эронийча *ispasag* сўзидаги *i* (ёки ё-, ä-) товушини беради. Албатта *ʹpsk*даги <*k*-> ҳарфи ғарбий эронийча -*g* ҳарфини беради. Ҳолбуки, суғдий алифбода <*g*> графемаси (график белги) бўлмаган [Лившиц, 2008: 329-330].


Чоч муҳрларининг ёзув бичими ва тасвирларнинг ўзига хослиги ушбу муҳрларнинг Турк хоқонлигидан олдин, чамаси, Эфталийлари давлати қарамоғидаги Чоч ҳукмдорларига тегишли эканини кўрсатади. Айниқса, V–VI асрларга тегишли Чоч тангаларининг бир туркумида ҳукмдор тасвири билан муҳрлардаги тасвирларнинг яқин ўхшашликка эгаллиги [Бабаяров, 2007: 73], шунингдек, Ю.Ф. Буряков ва Г.И. Богомолов урғу бергани каби ушбу тасвирларда Сосонийлар Эрони муҳрлари билан уйғунлик кўзга ташланиши [Bogomolov, Burjakov, 1995: 230] бу қарашни кучайтиради. Шу билан бирга, ушбу муҳрлар топилган археологик қатлам Қанқа ёдгорлигининг шахристонида ўрин олган “Юқори ибодатхона” IV–VIII асрларга тегишли эканидан келиб чиқилса [Bogomolov, Burjakov, 1995: 234], муҳрлар ўша кезларда ясалган бўлса керак дейишга имкон беради. Қолаверса, Турк хоқонлиги томонидан Чочда бостирилган хоқонлик тангаларида ўрин олган тасвирларда ҳукмдорнинг ташқи кўриниши ушбу муҳрларникидан унчалик фарқ қилмайди [қар. Бабаяров, 2007: 9-19].

### 14-§. Суғдий битиклар ва тангаларда “Чоч халқи йўлбошчиси”

1964 йилда В.А.Лившиц ва В.Г.Луконин томонидан эълон қилинган “Кумуш идишдаги ўрта форсий ва суғдий ёзувлар” номли мақолада В.А.Лившиц бир неча суғдий ёзув улгиларини рус тилига ўгирган (ВДИ, №3)<sup>15</sup>. Тадқиқотчи суғдий атамаларни илмий томондан

<sup>15</sup> Ушбу бўлимда В.А. Лившицнинг 2008 йилда чоп этилган ишларига таянилди [қар. Лившиц В.А. Согдийская эпиграфика Средней Азии и Семиречья. – Санкт-Петербург: 2008. – С. 306-311].

очиклама берар экан, илк ва кейинги ўқишларида бир-мунча фарқлиқлар кўзга ташланиб, уларга тузатишлар киритгани кўзга ташланади (қар. 17- расм).



17- расм

Россиянинг Пермь губернияси, Чардын уездининг Керч қишлоғидан топилган, чамаси, милодий IV–V асрларга тегишли кумуш идишдаги битик ва теварагини тўнғизлар қуршаб олган тахтда ўтирган Кушоншоҳ ҳукмдори тасвири Я.И. Смирнов томонидан чоп этилган “Шарқ кумуши” альбомида ўрин олган. Идишнинг юқори қисми синиб тушган 1/20. Сақланиб қолган қисмининг саломғи 639 гр. Идишнинг юза қисмида ўйиб битилган ёзув учрайди. Битикнинг ёзув бичими ушбу идишнинг милодий IV–V асрларга тегишли эканини кўрсатади. Битикнинг ёнида V–VII асрларда Чочда зарб қилинган кумуш ва мис тангаларидаги  $\text{Ϝ}$  кўринишидаги тамғага ўхшаш тамға ўрин олган. В.А. Лившиц идишдаги суғдий жумлани *MY'R š'w c'c'nn'pc 3+3+320+10 styrk |xuv(u) Šāw čāčānnāfē šīsnu stērak|* “Ҳукмдор Шāв, Чоч халқининг йўлбошчиси. (Салмоғи) – 39 статер” деб ўқийди [Лившиц, 2008: 307]. Ўша кезларда бир статер (*stērak*) 16,5 граммга тенг бўлганидан келиб чиқилса, идишнинг салмоғи сингунгача 643

## ЎРТА ОСИЁ БИТИКЛАРИ

граммга тенг бўлгани англашилади. Демак, идишнинг 4 грамм қисми синиб тушган.

Šāw (š'w) исми “Қора” маъносини англаиб, Муғ тоғи суғдий Nov.3 (Verso, 20) ва В-8 (Verso, 2) хужжатларида Šāwč (š'wc) шаклда учрайди. Муғ тоғи А-9 хужжатида эса šāw “қора” топоним ясовчи сифатида Шавкат тарзида учрайди. Шавкат – луғавий жиҳатдан суғдийча шав “қора” ва кат “қишлоқ/шаҳар” (“Қора-қишлоқ/шаҳар”) маъноларни англаган ушбу аҳоли манзилини айрим изланувчилар Зарафшон дарёсининг ўнг қирғоғида, бугунги Айний тумани марказининг бироз шимоли-шарқида жойлашган Шавкати поён қишлоғи билан тенглаштирадilar. Айримлар эса уни араб географлари томонидан Шимолий Устушонада, Самарқанддан Хўжандга элтувчи йўл бўйидаги муҳим русток (туман) сифатида тилга олинган жой билан битта, деб қарашади. Шунингдек, мазкур географлар Илоқ (Чоч) вилоятидаги шаҳарлардан бирининг номини ҳам Шавкат кўринишида тилга олганлар.

В.А. Лившицнинг ёзишича, čāčānnāfč атамаси “Чоч халқи” маъносидаги čāčānnāf сўзига тегишлилик билдирувчи -č (ч) қўшимчаси қўшилиб “Чоч халқига тегишли (ёки, тааллуқли)” маъносида қўлланилган. Суғдийча *n β*, моний-христиан *n f|nāf* “халқ, жамоа” сўзи қадим эронийча \**nāfa*- (авесточа *nāfa*) “қиндик: уруғ, оила”, ўрта авесточа *nabānazdišta*-, ўрта форсий *nabānazdišt*, қадимги ҳиндча *nābhānedistha* - “яқин қариндош” сўзлари билан бир ўзакдан [Лившиц, 2008: 307-308].

čāčānnāfč атамаси Жанубий Хитойнинг Кантон вилояти яқинидан топилган кумуш аёқ (қадах) сиртида ҳам учрайди. Ушбу битикнинг сақланиб қолган бўлагида суғдий битик ўрин олган бўлиб, у япон суғдшуноси Ю. Йошида ва В.А. Лившиц томонидан қуйидагича ўқилган: *ɟspy (?)t sp c'c'nn'pc 1+1+20+20 styrk |Spētasp (?) čāčānnāfč čātārās dwā stērak* | “[Бу идиш (?)] – Спётасп (?) - Чоч халқи йўлбошчисиники. (Салмоғи) – 42 статер” (≈ 672 гр.) [Yoshida 2002: 190; Лившиц, 2008: 309].

Рақамли белгилардан олдин ўрин олган тамға эса Керч идиши ва Чоч тангаларидаги тамғадан фарқ қилади. Ёзув бичимиға кўра ушбу битик IV–V асрларға тегишли бўлса керак.



18-расм

Қанқа тепалигидан IV–V асрларда Чочда бостирилган кўплаб тангалар топилган бўлиб, уларнинг бир туркумида шунга ўхшаш сўзлар учрайди (қар. 18-расм). Тангаларнинг олд юзасида ҳукмдор боши тасвири, орқа юзасида эса Чоч тамғаси ва унинг теварағида суғдий ёзув Ю. Йошида томонидан *c'c'nn'pc wnw n xwβ* |*čācānnāfč Wanūn xuv*| “Чоч халқи йўлбошчиси, ҳукмдор Ванун” сўзлари ўрин олган [Тангалар расми – Ртвеладзе, 2002: 231, 238-241; ёзувнинг ўқилиши – Yoshida, 2002: 191]. *Wanūn* (ёки *Wanōn*) сўзи “ғолиб, енгилмас” маъносида бўлиб, Юқори Ҳинд водийсидан топилган IV–V асрларда қоятошларға ёзилган суғдий битикларда учрайдиган *Нпуwnwn* “Ғолиб Нана (илоҳа номи)”, *Rztnwnwn* “Жангда ғолиб” каби киши исмлари ясалганида кўзга ташланади [Лившиц, 2008: 309].

Милодий III–IV асрларда Қанғ ҳукмдорлари томонидан зарб қилдирилган деб саналадиган тангаларда [Ртвеладзе, 2006: 11-39; Ртвеладзе, Лившиц, 1982: 181–187], Урал дарёси ҳавзаларида қўлга киритилган III асрга оид металл идишлар сиртида [Лившиц, 2008: 306-311], яна шу асрга тегишли деб қараладиган Култўбе (Арис дарёси ҳавзаси) сополлари [Sims-Williams, Grenet, 2006: 95-111] ва Хитойдан топилган идишдаги битикларда [Яценко, Ильясов, 2019: 319–320] суғдий

## ЎРТА ОСИЁ БИТИКЛАРИ

ёзувда *c'c'n* *прс* “Чоч жамоаси”, “Чоч халқи” ибораси учраши ўша кезларда ерли чочликлар жамиятида ўзига хос яхлит ижтимоий ва этномаданий тушунча шаклланиданидан дарак беради.

Бу ҳолатни Суғд хукмдорликлари (Самарқанд, Маймурғ, Кеш ва б.) ерли аҳолиси орасида кенг тарқалган “суғдликлар” тушунчасига ўхшатса бўлади [Отахўжаев, 2010: 74–80]. Хитой йилномаларида эслатилишича, “Сули”ликлар (суғдийлар) узоқ ўлкаларда, хусусан, Хитойдаги ўнлаб шаҳарларда ўз савдо-сотик ишларини юритган кезларда ўз жамоадoshлари билан қалин алоқада бўлишган ва Суғднинг турли хукмдорликларидан келган бўлишларига қарамасдан ўзаро муносабатлар ўрнатишга интиланлар. Улар Хитойда фақатгина ўз маҳалла ва гузарларини барпо этибгина қолмасдан, балки ўз тили, урф-одатлари, диний эътиқодларини қаттиқ ушлашга, умуман олганда, этномаданий қадриятларини сақлаб қолишга тиришганлар [Ғойибов, 2020: 20-27]. Уларни “суғдийлар” деган тушунча бирлаштирганидек, шунга ўхшашроқ тушунчага эга чочлик савдогарлар ҳам ўзга ёт ўлкаларда ўз этномаданий қадриятларини сақлаб қолишга уринишган кўринади. Бир томондан чочлик савдо карвонлари ижтимоий ва этномаданий томондан яқин бўлган суғдийлар билан Хитой ва бошқа ўлкаларда биргаликда ёки ёнма-ён савдо-сотик олиб бориш билан бирга, иккинчи томондан ўзларининг “Чоч халқи” тушунчасини ҳам сақлашга интиланлар. Кўринишидан, бу туйғу чочликлар жамиятининг ҳам ичкарасида, ҳам ташқарисида давом этган бўлиб, ўз даврининг ўнлаб ёзма ёдгорликларида ўрин олишини ушбу анъана билан боғласа бўлади.



15-§. Суғдий ёзувли Нахшаб муҳри



19-расм

1975 йилда Ерқўрғон – Қарши шаҳри яқинидаги антик ва илк ўрта асрларга тегишли шаҳар қолдиғининг Р-5 қисмида олиб борилган қазув ишлари натижасида суғдий ёзувли ярим куйган муҳр (аслида муҳр изи) топилган<sup>16</sup>. Археологик ашё муҳрга жуда ўхшашлиги сабабли дастлабки ҳисоботларда муҳр? деб қайд этилган.

Муҳрнинг юзасида айланасига ёзилган суғдий битик ўрин олган бўлиб, 4 дона ўқишга яроқли ҳарф борлиги кўзга ташланади. М. Исҳоқовга кўра, битик [. . . . ?] ’nwš “Ануш” деб ўқилиб, муҳр эгасининг исми ёки унвони бўлса керак [Исҳоқов, 1983: 43-44]. Ёзув тескари ёзилган бўлиб, кўзгуга тутилса тўғри ўқилади. Шунинг учун ҳам ушбу топилмани муҳр изи деб талкин қилиш мантиқан тўғри бўлади.

“Ануш” сўзи эроний тиллардаги Ануширвон, Анушанча, Анушбам каби исмларнинг бир қисми сифатида маълум. “Ануш” бирор атама ўлароқ турдош от сифатида “ўлмас, боқий, бахтли” маъноларини ҳам беради. Кейинчалик, “ануш” бирор унвон ёки эпитет (сифат)

<sup>16</sup> Ушбу бўлим М. Исҳоқовнинг мақоласи негизида ёзилди [қар. Исҳоқов М. Оттиск печати с согдийской надписью // ОНУ. 1983, № 11. – С. 43-44].

## ЎРТА ОСИЁ БИТИКЛАРИ

ўлароқ бир қатор туркий сулолалар бошқарувида ҳам қўлланилган.

XII–XIII асрларда Ўрта Осиё ва унга қўшни ўлкаларда улкан салтанат тузган Хоразмшоҳлар – Ануштегинийлар сулоласининг келиб чиқиши туркий қўмондонлардан бири Ануш-тегинга бориб тақалиб, унинг исми эроний “ануш” ва “туркий” (шаҳзода) сўзларидан ясалган эди.

Битикнинг ёзув бичими V–VI асрлар билан чегараланиб, бугунги кунда Ерқўрғон деб аталадиган эски шаҳар қолдиғи ўша кезларда Суғд конфедерацияси Нахшаб ҳукмдорлигининг бошқарув маркази бўлган [Ғойибов, 2016: 39-41]. Бу ер Эфталлийлар давлатининг бошқарув марказларидан бири бўлиб, ўша кезларда Ўрта Осиёдаги йирик шаҳарлардан бирига айланган эди. 560 йилнинг иккинчи ярмида Турк хоқонлиги қўшинлари Нахшаб (бугунги Ерқўрғон) теварагида Эфталлийларни енггач, хоқонлик вакиллари Нахшаб бошқарувини бу ердан бирмунча жанубдаги аҳоли масканига – бугунги Култпепа ёки Шуллуктепа ёдгорликларидан бирига кўчирадилар [Кабанов, 1977: 132-133; Сулейманов, 2000: 316]. Араб тарихчиси Динаварий Сосонийлар ва хоқонлик Ҳайталлар (Эфталлийлар) давлатини тор-мор қилиб, унга тегишли ҳудудларни ўзаро тақсимлашгани, турклар Чоч, Фарғона, Суғд ва Бухорони қўлга киритгани, Сосонийлар эса Тўхористон (Чағониён ва б.) ҳамда Кобулистонни ўзига олганини эслатиб ўтади [Chavannes, 1903: 229; Равшанов, 1995: 201; Зиё, 2001: 81].

Суғд воҳаси, айниқса, Нахшаб ва Кешни ўз ичига олган Жанубий Суғд ўша кезларда бир муддат хоқонликнинг жануби-ғарбдаги энг чекка ҳудудларидан бири бўлиб қолади. Жанубий Суғднинг ён қўшниси Тўхористон эса Сосонийлар қўл остида қолади. Турли тиллардаги ёзма манбалардан англашилишича, орадан кўп ўтмай 580- йиллар атрофида хоқонлик қўшинлари Сосонийларни енгиб, Амударёни кечиб ўтади ва Ҳирот те-

варакларигача етиб боришади. Ўша йилларда Нахшаб яқинидаги мавзе Турк хоқонлиги қўшинлари учун ҳарбий қўналға вазифасини ўтайди. Тўхористон ва Хуросонни эгаллаш учун Сосонийлар Эронига қарши юриш қилган хоқонлик қўшинлари “Казбион” деган мавзедан туриб, ҳаракатга келгани VII–VIII асрларга тегишли арман манбаларида учрайди. Себеос, Анания Ширакаци, Моисей Каланкаваци, Моисей Хоренаци каби тарихчи ва географлар 580- йиллар охирида Ҳирот теварагида турк хоқонини енган Сосонийлар қўшинининг Вехрод (Амударё)дан кечиб “Казбион” деб аталадиган мавзегача етиб боргани тўғрисида эслатиб ўтадилар [қар. Тревер, 1954: 140-142; ТерМкртчян, 1979: 58;].

К.В. Тревер Қазбион айнан қаер экани аниқмаслигини ёзган бўлса, Й. Маркварт бу ерни Эфталитлар шаҳри Пойкент деб қарайди, бироқ уни Тўхористон ва Суғд чегарасидаги Бойсун тоғлари теварагидан қидириш кераклигига урғу беради [Тревер, 1954: 140]. Тадқиқотчилар орасида Қазбионни Жанубий Суғдда, аниқроғи, Нахшаб (Қарши) шаҳри яқинида, ундан кунботардаги Қасби тумани билан тенглаштириш керак деган қарашлар бор [Кабанов, 1977: 115].

Турк хоқонлиги ўз қўшинларини Суғд воҳасида айнан Нахшаб атрофларида тўплаши ва Қазбион – Каспи экани борасидаги тахминларни кучайтирадиган яна бир қатор далиллар бор. Биринчидан, Сосонийлар билан худуд таллашиши муқаррар бўлиб турган хоқонликка қўшин тўплаш ва ҳужумга ўтиш учун чегарадаги Нахшаб воҳаси энг қулай жой бўлса, иккинчидан, юқорида келтирилган Қазбион – Каспи топонимларининг ўзаро ўхшаш эканлигидир. Эронга олиб борадиган асосий йўналишлар – Тўхористондаги Дарбанд (Темир-қапиғ) ва Амударёнинг ўрта оқимидаги Керки – Келиф мавзеларига ҳам Нахшаб орқали ўтган бўлиб [Мавлонов, 2008: 133-134], бу эса хоқонликнинг Сосонийларга қарши Нахшабдаги Қасби мавзесини ҳарбий қўналға ўлароқ танлашига бош сабаб бўлган.

### 16-§. Кофирқалъадан топилган муҳрдаги зардуштийлик илоҳи

Кофирқалъа булла (лой муҳр)ларининг сезиларли бир қисмида ўша давр инонч тизими билан боғлиқ тасвирлар учрайди<sup>17</sup>. Айрим буллаларда нафақат диний негизли тасвирлар, балки зардуштийлик дини билан тегишли илоҳ номларига ҳам дуч келинади. Ўнг томонга қараган, бир қўлида ҳасса (?), бошқа қўлида эса уч куйруқли, боши ерга қараган илон ушлаган ёки қўли илон кўринишида чизилган Кофирқалъа булласида қуйидагича суғдий битик учраб, уни шу тариқа ўқиса бўлади: *rt du(w)c kwγw(n)[y]* “Рат / Рад – (зардуштий хоҳин) дев Куғунэ” ёки “девларнинг қийматлиси Куғунэ” (қар. 20- расм).

Бизнингча, булладаги тасвир ва суғдийча ибора зардуштий илоҳлардан бири билан боғлиқ бўлиб, ушбу топилмадаги битикни айрим изланувчилар янглиш ўлароқ бактрийча ёзув деб келишган [қар. Бердимуратов, Менги Энрико, Самибаев, 2003: 45-48; Бердимуратов, Матбабаев, Мантеллини, Ронделли, 2006: 73-79].



20- расм

<sup>17</sup> Ушбу булладаги битикнинг ўқилиши бўйича илк маълумотлар қуйидаги мақолаларда ўрин олган: Бердимуратов А.Э., Менги Энрико, Самибаев М.К. Раскопки на Кафир-кале // АИ, №3, 2002. Ташкент, 2003, с. 45-48; Berdimuradov A., Babayarov G. On the certain readings of seals of Kafir-kala // <http://www.groups.yahoo.com/group/Sogdian-L> (November, 2011); Бердимуратов А., Бабаяров Г., Кубатин А. Новая интерпретация некоторых булл из Кафиркалы // Археология Узбекистана. – Самарқанд, 2012. – С. 61-68.

Бизнингча битикдаги суғдий сўзлар қуйидагича очикланади:

1. *rt* – *Rad* “зардўштилик қоҳини” [Gharib, 1995: 343, № 8521] ёки *rtn* – “асл марварид” [Gharib, 1995, P. 343, № 8526].

2. *δy(w)c* – “девларга хос, иблисона” (девлар каби) [Gharib, 1995: 150-151].

3. *kwγw(n)[y]* “Илоҳ номи” (“Ахриман ўғли”) [Gharib, 1995: 199, №5014].

Ушбу суғдий атама *δywc* Муғ тоғи суғдий хужжатларида Панч бошқарувчиси Деваштич (708-722) исмининг бир бўлаги сифатида келган. “Деваштич” (*Dēwāštīč*) исми В.Б. Хеннингга кўра, эски эроний тиллардаги *daiwa* суғдий ономастикада “эзгулик илоҳи?” маъносини англатиб, бу сўз суғдий моний матнларида *δyw'styc* “дев билан” маъносини англатиб келади [қар. Henning, 1940: 253-254]. Ҳозирги тожик тилида ҳам бу сўз “дев асти” кўринишида учрайди [Ғойибов, 2015: 51-54]. В.А.Лившиц аз-Забидийнинг “Тож ал-арус” (“Келинлик тожи”) асарига таяниб келтиришича, “Деваштич” исми “Жин билан” деган маънога эга ёки ушбу исмга – “ҳаракатчан, тиришқоқ” деб ҳам қараса бўлади [Лившиц, 1979: 67-69].

Булладаги илон кўлли илоҳ тасвирининг учраши ҳам ушбу топилманинг ўша давр инонч тизимида тегишли эканини кўрсатади. Тасвирда эллин (юнон) тасвирий санъатига хослик кўзга ташланиб, бу эса зардуштийлик ва эллин анъаналарининг ўзаро уйғунлашгани билан боғлиқдир.

Шу ўринда айтиб ўтиш керак, айрим тадқиқотчилар ушбу муҳрни антик (юнон) маданияти билан боғлаб, уни маъбуда Тихе – Фортуна билан тенглаштиришган. Юнонларда ушбу маъбуда “қут”, “мўл-кўлчилик”, “туғилиш” ҳомийси бўлган [Бердимуратов, 2010: 159].

## ЎРТА ОСИЁ БИТИКЛАРИ

Бирок, тамғадаги ёзувнинг суғдийчадаги бу қарашнинг тўлақонли эмаслигини кўрсатди. Кофирқалъада қазилган ишлари олиб борган италиялик тадқиқотчи К. Церети томонидан ўқишга ҳаракат қилинган бўлса-да, тадқиқотчи бу муҳр яхши сақланмагани ва уни ўқиш қийин деган тўхтамага келиб, қалбаки ёзувлар туркумига киритган (Cazzoli, Cereti, 2005: 148, 152, шакл 20). Бизнингча, бу муҳр ёзуви энг яхши сақланган Кофирқалъа топилмаларидан биридир. Шу ўринда италиялик олимларнинг бир қатор Кофирқалъа муҳрларидаги битикларни ўқишга уринишлари қониқарли чиқмаганини айтиб ўтиш керак.

Юқорида айтиб ўтилганидек, муҳрда ўрин олган *kwʷw(n)(y)* сўзи Б. Ғариб томонидан тузилган “Суғдий сўзлик”да *kwʷwn 'k / qwʷywny* (*kuinūnē*) кўринишларида берилиб, у “Авесто”да дев (иблис)лардан бири Ахриманнинг ўғлининг номларидан бири ўлароқ очиқланган [Gharib, 1995: 199, №5014].


Муҳрдаги маъбуднинг илон қўлли тасвирланишининг негизда “Қуйи дунё”нинг бош тимсоли ўлароқ кўпгина ҳинд-европа халқлари афсоналарида учрайдиган сюжет ётади [Гамкрелидзе, Иванов, 1984: 527-528].

### **17-§. Чоч кўзасидаги суғдийча битик**

2004 йилда Тошкент шахрининг Мирзо Улуғбек туманидаги Олтинтепа ёдгорлигида қазилган ишлари чоғида 2 сопол идиш топилган. Боғ эгаси Муҳаммад Рўзиёевнинг айтишича, ҳар иккала идиш ҳам 4 метр чуқурликда топилган. Бу топилмаларнинг ноёб жиҳати шундаки, 22 см ўлчамли идишларнинг бирида суғдий ёзув битилган (қар. 21- расм).

Бу топилмалар ҳақидаги дастлабки маълумотлар 2006 йилда “Археологик тадқиқотлар” номли тўпламда археолог Г.И. Богомолов ва нумизмат А. Мусакаевалар томонидан чоп этилган. Тадқиқотчилар кўза сиртидаги

*Ғайбулла БОБОЁРОВ, Бобир ҒОЙИБОВ, Андрей КУБАТИН*  
2-3 ҳарфни (D / L, M) деб ўқиб, уни VII–VIII асрларда  
ёзилган деган тўхтамага келишган [Богомолов, Мусака-  
ева, 2006: 87].



۹۹۹ ۹۹۹۹ ۹۹۹۹۹  
۹۹۹ ۹۹۹۹۹۹  
۹۹۹۹ ۹۹۹۹ ۹



**Fig. II**  
21- расм

## ЎРТА ОСИЁ БИТИКЛАРИ

Бизнингча, ушбу суғдий битикли кўза зардуштийлик ибодатхонасига инъом этилган бўлиб, кўза сиртидаги яхши сақланмаган суғдий ёзув чизмаси олиб қаралган-да унда қуйидагича жумла ўрин олгани аниқланди (қар. 20- расм).

Версия 1.

1.  $w\gamma\delta'rt\gamma/w$  "LPw  $\beta\gamma w$  ... – “минглаб илоҳларга айтинг ...”

2.  $\delta'm\delta'r'kw \gamma\beta t (?)$ ... – “Яратувчига ...”

3. ... ZK [Z]Y  $np(y)s (?)$  ZY  $\delta k/ry (?)$ ... – “...ёзганким” (?)

Очиқламаси:

### 1-сағр.

1.  $w\gamma\delta'rt\gamma/w$ :  $w\gamma\delta'r + t\gamma/w = w\gamma d'r / w\gamma d'r$  – “айтмоқ” [Gharib, 1995: 404, №10005].

2. "LPw = 1000

3.  $\beta\gamma w$ :  $\beta\gamma u$  – “Илоҳ” [Лившиц, 2008: 233].

### 2-сағр.

1.  $\delta'm\delta'r'kw$ :  $\delta'm\delta'r'k+w = \delta'm\delta'r'k$  – “яратмоқ” [Gharib, 1995: 134, №3402].

2.  $\gamma\beta t (?)$ :  $\gamma\beta t$  – “оғриқ билан юриш, (уруш) билан машғул бўлиш, (уруш) қилишга ҳаракат қилиш” [Gharib, 1995: 162, № 4086].

### 3-сағр.

1. ZK [Z] Y – “ким” [Gharib, 1995: 461, №11303].

2.  $np(y)s$ :  $np\gamma s$  – “ёзмоқ” [Gharib, 1995: 252, №6284].

3. ZY – “ва” [Gharib, 1995: 469, №11516].

4.  $\delta k/ry (?)$ ... -?

Версия 2.

1.  $ws\delta'rt\gamma'nkwp(y)[n] \beta\gamma w...$  – “болни (ўзлари учун) илоҳларга қўйинг ...”

2.  $\delta'm\delta'r'kw \gamma\beta t (?)$ ... – “Яратувчига ...”

3. ... ZK [Z]Y  $np(y)s (?)$  ZY  $\delta k/ry (?)$ ... – “... ёзганким” (?)



Очиқламаси:

**1-сатр.**


1.  $ws\delta'rt\gamma$ :  $ws\delta'r+ty = 'wst'r -$  “кўймоқ” [Gharib, 1995: 77, №1969].

2.  $'nkwp(y)[n]$ :  $'nkwpyn -$  “бол” [Gharib, 1995: 42, № 1066].

### 18-§. Қирғизистондан топилган хум сиртидаги суғдий битик

Илк ўрта асрларда суғдийлар кўп тарқалган ўлкалардан бири Етгисув бўлиб, бу ердан суғдий ёзувли бир неча ёзма ёдгорликлар аниқланган. Айниқса, археологик қазишлар чоғида тарихий Етгисув ўлкасининг ўзак қисми бўлмиш Талас водийси ва Иссиққўл орасидаги қарийб беш юз чақирим масофани эгаллаган йўналишида тош ва қоятошларга, сопол ва металл идишларга битилган ўнлаб суғдий ва туркий битикларнинг аниқланиши бу ернинг мингйиллар кесимида туркий ва суғдий элатлар учун бешик вазифасини бажарганини кўрсатмоқда.





22- расм


XX асрда Қирғизистоннинг Иссыкқўл ва Тўқмоқ мавзелари орасида олиб борилган археологик қазилмалар чоғида ўнлаб суғдий ёзувли сопол буюмлар топилган бўлиб, уларнинг кўпчилигини йирик ўлчамдаги сопол хумлар ташкил этади. Хум оғзига айланасига ёзилган битиклар В.А. Лившиц томонидан ўқилган. Кейинги йилларда эса қирғизистонлик археологлар бундай топилмалар бўйича бизга мурожаат қилиб, янги топилган хумнинг расмини юборишди. Сопол хум оғзидаги суғдий жумлани қуйидагича ўқидик:

*[ʼyn]y ty'r' ... xw'r'nt* – “Бу идишда ... еб-ичиб (шод) бўлишади” (қар. 22- расм).

Илк ўрта асрларда Ўтрор – Чоч – Исфижоб (Сайрам) – Тароз – Ашпара – Қулон – Мерке – Баласоғун (Тўқмоқ шаҳри тегралари) йўналишида ўнлаб шаҳар ва йирик аҳоли масканларида туркийлар ва суғдийлар аралаш ва қўшни яшаганлар. Бу ҳудуд аҳолисининг бир қисмини қадимдан кўчиб келиб, бу ерларда ўз шаҳар ва қишлоқларини барпо қилган суғдий аҳоли ижтимоий-маданий ҳаётда ўз ўрнига эга бўлса, бошқарувда туркийлар устувор эди. 630- йилларда бу ҳудудлардан ўтган хитой роҳиби Сюан-цзан *Чже-ши* (Чоч)нинг ши-

молидаги қишлоқлар орасида хитойликлар асос солган қишлоқ борлигини ёзиб, бу ердаги хитойлар ўз тилларини сақлаган бўлса-да, кийим-кечаги ва бошқа одатлари туркларникига ўхшаб қолганини айтиб ўтади [Ектем, 2003: 117]. Бу эса уларнинг ижтимоий-сиёсий ва этномаданий ҳаётда устунликка эга туркий муҳитда турклаша бошлаганини кўрсатади. Маҳмуд Кошғарий (XI аср) эса Чочнинг шимолидаги Исфижоб (Сайрам)дан то Тароз ва Баласоғун (Еттисув)гача бўлган ҳудудда яшовчи аҳолининг ҳам суғдийча, ҳам туркча, яъни, икки тилда сўзлашиши тўғрисида ёзиб, уларнинг Самарқанд ва Бухоро орасидан кўчиб келганликларига урғу беради [Кошғарий, I: 66; DLT, I: 30]. Ушбу маълумот анча кейинги даврга – XI асрга тегишли бўлса-да, суғдийларнинг кучли туркий муҳитга тушиб қолиб, турклашув жараёнига тортилиши илк ўрта асрларга, кўпроқ Турк хоқонлиги тўғри келишини кўзда тутадиган бўлсак, Кошғарий келтирган маълумотлар ўша кезларга ҳам тегишлилиги англашилади. Устига-устак, суғдийларда турклашув жараёнининг кучайиши илк ўрта асрларга тўғри келишини тасдиқлайдиган маълумотлар айрим хитой йилномаларида суғдийлар турк уруғларидан бири ўларок тилга олиниши ҳам буни кўрсатиб турибди [Хўжаев, 2002: 40-43; Хўжаев, 2004: 52-61].

### 19-§. Суғдий ёзувли дудама қилич



23-расм. а

## ЎРТА ОСИЁ БИТИКЛАРИ

Ушбу топилмадаги ёзув илк бор В.А. Лившиц томонидан ўқиб чиқилиб, В.Д. Кубарев томонидан чоп этилган<sup>18</sup>. 1983 йилнинг баҳорида СССР ФА Тарих, филология ва фалсафа институтининг Шимолий Осиё экспедицияси Шарқий Олтой отряди томонидан Юстид дарёси irmoғидаги Жолин чегара худудида (Тоғли Олтой мухтор вилоятининг Қўшоғоч тумани) мил. олд. V–III асрларга оид қўрғон қолдиқлари топиб ўрганилган. Қўрғондан топилган кўплаб ашёвий далиллар билан бирга 200 дан ортиқ металл буюмлар ҳам топиб ўрганилган. Ушбу металл буюмлар орасида милодий VII–IX асрларга оид суғдий ёзувли дудама қилич топилиши эса катта янгилик бўлди.



23-расм. б

Бу даврда асосан туркийлар яшовчи ушбу минтақада суғдий ёзувли қиличнинг топилиши, уни маҳаллий ишлаб чиқарувчиларга тегишли ёки аксинча эканлиги масаласини келтириб чиқаради. Қиличдаги ёзувлар таҳлили ушбу масалага ойдинлик киритиши мумкин.

Металл қиличга битилган суғдий битик 8 та сўздан иборат бўлиб, сўзларнинг қарийб ярми ўчиб кетган. Куйида битикнинг сақланиб қолган қисмини келтирамиз:

[ZN]H\* (P?)[...] (r)K хур(b) n(t?š) [.]h[.](r)  
[Z]>t rtšy h'ryp x[t]

<sup>18</sup> Бу ҳақда батафсил қаранг: Кубарев В.Д. Палаш с согдийской надписью из древнетюркского погребения на Алтае // Северная Азия и соседние территории в средние века. – Новосибирск: 1992. – С. 25-36.

Ўғирмаси:

“Бу Н.И. ўғли П. мулки (сўзма сўз “унинг, ўзиники”) унга (қилич эгасига) зиён (ёки “шикаст”) етмасин”.

Битикнинг ёзув бичими унинг VII асрдан X асрнинг илк ярмигача бўлган давр оралиғига тегишли эканини кўрсатади. Ёзув таҳлилидан қилич эгасига омон-эсонлик сўраб битилгани аниқланди. Битикда исмининг бош ҳарфлари келтирилган қилич эгаси ва унинг отаси исмини тиклаш қийин. Ушбу исмларнинг суғдий ёки туркий экани ҳам аниқ эмас.

Биринчи исмнинг фақат охирги ҳарф белгиси, чамаси, саккиз ҳарфдан иборат иккинчи исм (отасининг исми)нинг фақатгина биринчи ҳарфини аниқласа бўлади. Бироқ ушбу таржима битикнинг умумий мазмунини очиб беролмайди. Ҳатто қилич эгасининг ҳам исми аниқ эмас. Ушбу битикни Ўрхун-Энасой битиктошлари билан солиштириш натижасида унинг моҳиятини очиш мумкин. Кўпчилиги эски турк амалдорлари шарафига ўрнатилган бўлиб, улар ҳам мазмунига кўра икки қисмга бўлинган: 1) марҳумнинг ҳаётда эриша олмаган моддий нарсалари ва 2) марҳумнинг умри давомида лаззатлана олмаган нарсалари санаб ўтилган. Иккала ҳолда ҳам моддият, қариндошлик алоқалари ва шунга ўхшаш ҳолатлар кўриниб турибди.

Жолиндан топилган қиличдаги матн ҳам маъно бошқа бўлса-да, тузилиши бўйича Ўрхун-Энасой битиктошларидаги каби икки қисмни ўз ичига олади. Бошқа бир ўхшашлик эса туркий ёдномалардаги шахс исми билан бошлаб, ёдгорлик соҳибини олқишлаш билан тугашида кўзга ташланади. Шу томони билан ҳам қилич сиртидаги ушбу суғдий битик турк ёдгорликларига яқин келади. Бу эса ушбу битикнинг турк жангчисининг буйруғига кўра суғдий уста томонидан битилганини кўрсатади.

Шуниси аниқки, дудама қилич шахсий мулк тушунчасининг мустаҳкам бўлганини кўрсатади. Шунинг

## **ЎРТА ОСИЁ БИТИКЛАРИ**

учун ҳам марҳумнинг қимматбаҳо мулки ўлароқ у билан бирга қабрга кўмилган. Бундан ташқари, қилич ёки шамширнинг амалдорлик ва бойлик рамзи бўлгани ва бу орқали марҳумнинг ижтимоий мавқеидан дарак беришини эътиборга олиш керак бўлади.

### **20-§. Эрмитаж музейидаги суғдий битиклар**

Санкт-Петербург Давлат Эрмитажи музейида Ўрта Осиё, айниқса, Ўзбекистон худудидан топилган ўнлаб қадимги хоразмий, суғдий, бактрий ва ҳиндча ёзувли битиклар сақланади. Улар идишга, муҳрга, сополга, ганч, девор сувоғига ҳамда тангадаги ёзувларга битилган<sup>19</sup>.

Суғд, Бактрия ва Қадимги Хоразм аҳолиси тиллари бир-бирига қариндош саналади, бироқ уларнинг ҳар бирини ўзининг меъёри, ёзув тизими бор. Қадимги хоразмликлар ва суғдийларнинг ёзуви, шунингдек, парфиялик ва паҳлавий (ўрта форс) ёзувлари ҳам оромий алифбоси негизида бўлган ёзувлардир. Милоддан олдинги I мингйилликда Олд Осиёда устувор бўлган оромий тили сомий тиллар оиласига тегишли бўлиб, Эрон ва унинг яқин қўшниларини Аҳамонийлар (мил. олд. VI – IV асрлар) бошқарган кезларда иш юритиш ушбу тил ва ёзувда олиб борилган. У ғарбий сомий ёзувида ифодаланиб, кўпинча ундошлар ёзилган, айрим ҳоллардагина унлилар ишлатилган. Александр Македонский даврида оромий тилида ёзилган давлат ҳужжатлари кўпроқ Афғонистондан топилган. Эллин (юнон) лар даврида оромий тилда ҳужжат юритиш сақланиб қолган, бироқ ерли хаттотлар оромий ёзувини ўз она тили ва форс тилларини ифодалашда қўллаганлар. Ўша кезларда вилоятларда сомий тилдан форс тилига ўтиш

<sup>19</sup> Ишимизнинг ушбу бўлимини П.Б. Лурьенинг “Ёзма битиклар” мақоласига таяниб ёздик.

турлича кечган, ҳар бир ҳарф ва ёзув бичимига (орфографияга) хос анъаналар ўз услуби бўйича юзага кела бошлаган. Вақт ўтиши билан ягона ёзув тизимида бўлган шарқий эроний тиллар бир-биридан кескин ажралиб, ўз ёзув анъанасига эга бўлган мустақил тилларга айланган.

Суғдий ёзуви тўғрисидаги маълумотлар бизга биринчи навбатда Шарқий Туркистон (ҳозирги Хитой худудида)даги Турфон ва унга яқинроқ тарихий ўлка – Дунхуандан топилган буддавийлик, насронийлик ва монийлик муқаддас битиклари ёзилган матнлар орқали маълум. Шу ўринда Ўрта Осиёдан топилган диний матнларнинг ўрни бўлакча бўлгани айтиб ўтиш керак. Ёзма ёдгорликларнинг кўпчилиги милодий IV–XI асрларга тегишли.

Бугунги кунда Тожикистоннинг Яғноб тоғли водийсида суғдий тилга яқин лаҳжа сақланиб қолган бўлиб, улар ёзма ёдгорликларда учрайдиган айрим суғдий сўзларни аниқлашда ёрдам беради.

Қадимги хоразм тили бўйича маълумотлар суғдий тилга қараганда анча оз етиб келган. Бу тилга тегишли оромий ёзувидаги битиклар икки туркумга ажратилади: 1) илк (милоддан олдинги III аср – эрамининг VIII асрларигача) – кўпчилиги Хоразмда яратилган деб саналади, бироқ уларнинг кўпчилигини тўлақонли ўқиш ва маъносини аниқлаш қийин бўлаяпти; 2) арабча ёзувли сўзлик ва шариат қонунлари баённомалари орқали етиб келган қадимги хоразмийча сўзлар (XI–XIV асрлар).

Шарқий эроний элатлардан бири бўлмиш бактрияликлар эса қарийб минг йил қўлланилган ўз ёзувига эга бўлдилар. Бу ёзув узоқ йиллар бошқарувда бўлган эллин (юнон)лар ёзуви негизида келиб чиқди. Бактрий ёзуви бирмунча ўзгартирилган юнон алифбосининг бир кўриниши бўлиб, у милодий VIII асргача қўлланилди. Ушбу ёзувдаги топилмаларнинг салмоғи суғдий ёзувга қараганда бирмунча оз бўлиб, 1990- йилларда Шимолӣ Афғонистонда юзлаб ҳужжат ва битикларнинг то-

## ЎРТА ОСИЁ БИТИКЛАРИ

пилиши туфайли бу ёзувнинг қўлланилиш кўлами анча кенг бўлгани аниқланди.

Ҳинд ёзувидаги ёдгорликлар эса Жанубий Ўзбекистондаги ўнлаб эски шаҳар қолдиқларидан топилган сопол битиклар орқали кўпчиликка таниш. Қадимги Бактрия давлатининг ўзак қисмларидан бири бўлмиш бу ўлкада будда дини устуворлик қилган кезларда ушбу ёзув ҳинд роҳиблари томонидан олиб келинган. Ундан аввалроқ ёзувлар кхарошти ёзуви (оромий ёзувининг ўзига хос кўриниши), гандҳарий ёки шимоли-ғарбий пракрит ёзувлари каби турларга бўлинар эди. Кейинчалик ёзилган буддавий матнларда ҳиндлар томонидан яратилган браҳми ёзуви кўпроқ қўлланила бошланган. Ҳиндларнинг гандҳарийдан ҳам эскироқ, яқингача ҳиндийларнинг адабий тили негизи саналган санскрит тили эса негадир “музлатиб” қўйилган.

Эрмитажда Ўрта Осиё билан боғлиқ ўйма муҳр, узук муҳрлари ярим қимматбаҳо тошлардан ясалган бўлиб, уларни яшаш учун ишлатилган материал ўша кезларда Ўрта Шарқда кенг тарқалган асосан сердолик тоши эди. Муҳрнинг бир тури бўлган геммалар кичик ўлчамли бўлишига қарамай уларнинг бир қанчасида юқори бадий аҳамиятга эга тасвирлар (эркак ва аёл портретлари – бюстлар) ўрин олган. Шунингдек, чинакам ёки афсонавий ҳайвон суратлари чизилган муҳрлар ҳам талай. Муҳрлардаги ёзувларнинг суғдий, бактрий ва уларга кўшни тилларда битилгани кўзга ташланади. Муҳрлардаги битиклар қисқа бўлса-да, тарихийлик томонидан ёзувнинг ривожланишини ўрганишда кўплаб маълумот бера олади. Шу билан бирга, улар ўртаосиёлик элатларнинг турмуш тарзи борасида айрим тўхтамларга келишда бирмунча асқотади.

Суғд тили бўйича етук мутахассислардан бири П.Б. Лурье Эрмитажда сақланаётган бу турдаги гемма – муҳрлардаги битиклар бўйича ўзининг қуйидагича ўқишларини билдирган:

1) Гл-1239-сонли муҳрда ўрин олган эркак тасвири



соқолли, сочлари боғланган кўринишдадир (қар. 24-расм). Унинг олд томонида эски суғдий ёзувда тўрт ҳарфдан иборат битик бор (мил. олд. IV аср): 'zkk “Азак”. Бу атама атоқли от бўлиб, сўзма-сўз “бошлик” (сарқарда)ни англатади. Уни ҳинд-скиф подшоси Аза номи билан тенглаштира бўлади.



**24- расм**

2) Z-437 сонли бошқа муҳрда филда кетаётган одам тасвирланиб, чавандознинг сўл ва ўнг томонида суғдий ёзувдаги 2 та битик бор: *pri* “қут” / *βyу* “илоҳий”. Бундай бирикма бир қатор тангаларда учрайди. Чамаси, атоқли от бўлса керак.



**25- расм**

Нахшаб (Жанубий Суғд)нинг Кунжутлитепа эски шаҳар қолдиғидан топилган материаллар орасидан шундай сурат учраб, сиртига нақш солинган қимматбаҳо тошда фил устида икки одам тасвирланган бўлиб, унинг теварагида буюм эгасининг кимлигини билдирувчи суғдий битик бор.

3) S-17 сонли кумуш идиш гулқосаси тагига суғдий битик қия қилиб ўйиб ёзилган: *ZNHZY pty'd sn pud'rc*

## ЎРТА ОСИЁ БИТИКЛАРИ

хурд XX XX XX *δrxm 'k* – “Ушбу коса Пидарчанинг шахсий буюмидир. 60 драхм”.



26- расм

4) S-295 сонли кумуш идиш сиртига эгри-бугри килиб, қиялаб ёзилган суғдийча битик чамаси қуйидагича ўқилади: 1. *(pt)γ'δk (?) ZNH ZY (?)* 2. *sr 'c* – “Ушбу идиш... Срачники”. Кўринишидан бу атама Чоч бошқарувчиси билан боғлиқ бўлса керак – *(c) 'c 'nn '(p)c*.



27- расм

5) Гл-1258 сонли муҳрни П.Б. Лурье сўроқ белгиси остида милодий IV–VI асрлар билан белгилайди. Муҳрда ўнг томонга юзланган эркак тасвири туширилган бўлиб, унинг олд томонида қуйидан юқори тўғри ёзилган 4 та ҳарф белгили суғдий битик бор. Чамаси, у *tkyn* “тегин” деб ўқилади.



28- расм

Суғдий ёзувли муҳрада “тегин” унвонининг учраши, тасвирдаги ҳукмдорнинг ташқи кўриниши эфталий муҳрларидаги тасвирларга анча яқин экани [Lerner, 2009: 215-226], шунингдек, муҳр ясалган давр IV–VI асрлар билан белгиланишидан келиб чиқилса, ушбу топилмани Эфталийлар давлати билан боғлаш тўғрироқдек кўринади.

“Тегин” сўзи “шаҳзода” маъносидаги эски туркча унвон бўлиб, илк бор Осиё Хун салтанати (мил. олд. III – мил. III асрлар) бошқарувида қўлланилган деб қаралади. Шу билан бирга, ушбу унвоннинг илк бор олтой тилларидан бирида – турк, мўғул ёки манжур тилида сўзлашган элатлар томонидан қурилган Жуан-жуанлар давлати (402-552) ва Эфталийтлар (420-565) бошқарувида қўлланилгани тўғрисида қарашлар бор.

Эфталийларнинг юқори унвонларидан бири ўлароқ хитой йилномаларида “тегин”, бактрий тилли ҳужжатларда эса “ябғу” унвони ўрин олган [Sims-Williams 1999: 254255; Göhçe, 2008: 19].

Шу ўринда айтиб ўтиш керак, айрим изланувчилар эфталит бошқарувчилари исмларидан бир қисмини эроний, бир қисмини эса туркий негизли деб қараганликларидек, унвонларни ҳам бу тиллардан қидириб, атамаларни улар билан боғлиқ – юечжи-кушон ва хунлар муҳитидан топишга уринадилар. Ябғу, тегин каби ун-

## ЎРТА ОСИЁ БИТИКЛАРИ

вонлар Эфталийлар билан боғлиқ Жуан-жуанлар давлати бошқарув тизимида учраши ва ушбу унвонларнинг кўпроқ кўчманчилар дунёси – Еттисув ва Олтой тоғлари оралиғида яшаб ўтган элатлар бошқарувида учраб, Турк хоқонлигидан олдин Хуросон, Амударё–Сирдарё оралиғи ва Шимолий Ҳиндистондаги воҳа ҳукмдорликларининг бирортасида бундай унвонлар қўлланилмагани эса эфталийларнинг келиб чиқишини Олтой билан боғлашга туртки беради.

Эфталит тангаларида бактрий ёзувида *paο* унвони учраб, уни эронийча “шоҳ” унвони билан тенглаштирган айрим изланувчилар бу ҳам уларнинг келиб чиқиши эроний бўлганининг кўрсаткичидир, деб ёздилар. Бунга қарама-қарши ўлароқ хитойлик олим Юй Тайшан, “Эфталийлар “хоқон” ва “тегин” каби олтой тиллари оиласига тегишли унвонларни ишлатишган, демак, биз ҳам уларни олтой тилида сўзлашган, деб айтсак бўлар экан-да!” деб ёзади [Тайшан Юй, 2018: 130].

Эфталитлар бошқарувида “тегин”, “ябғу”, шунингдек, “хоқон”? каби унвонларнинг қўлланилгани ушбу давлат бошқаруви Турк хоқонлиги бошқаруви тизимида анча ўхшаш бўлганини кўрсатади.

б) Гл-503 сонли муҳрда тўғрига юзланган киши тасвири, унинг сўл томонидан ярим ой, ўнг томонида эса тамға ўрин олган бўлиб, тепада 5 та ҳарф белгили сўғдий битик учрайди. Бизнингча, уни сўроқ белгиси остида *prn 'k* “Фарнак” ёки *prn 'uk* “Фарнйак”? деб ўқиса бўлади. Чамаси, у атоқли от бўлса керак.



29- расм

Суғдий *prn* “фарн” (кут, кут-барака) сўзидан ўсиб чиққан ушбу атама илк ўрта асрларга тегишли кўплаб киши исмлари билан бирга учрайди: *prnyn* “Фарнён”, *prn'uk* “Фарник”, *prnyn'kk* “Фарнёнак” [Lurje, 2010: 298, 302]. Шунингдек, “фарн” сўзи 720- йилларда Панч бошқарувчиси Деваштич (708-722) томонидан турк хоқони, Чоч ва Фарғона бошқарувчиларига элчи ўларок йўллаган *βtwprn* “Фатуфарн” исмида ҳам кўзга ташланади [СДГМ, 1962, II: 80-85; Lurje, 2010: 148].

## **21-§. Кофирқалъадан топилган айрим муҳрларнинг янгича талқини**

Суғдий ёзма ёдгорликлар орасида муҳр (булла, гема ва б.)лар бирмунча кўп учраса-да, юртимиздан топилганларининг салмоғи анчайин оз эди. Самарқанд яқинидаги Кофирқалъада олиб борилган тадқиқотлар натижасида эса уларнинг сони анча ошди. 2005 йилда Дарғом каналининг чап соҳилидаги Афросиёб (Самарқанд)дан жанубий-шарқда жойлашган Кофирқала ёдгорлигида А. Бердимуродов раҳбарлигида олиб борилган ўзбек-итальян экспедиция томонидан илк ўрта асрларга оид 500 та булла (лой муҳр)нинг топилиши улкан ютуқ бўлди. Муҳрларнинг асосий қисми ёзувсиз (анепиграфик) бўлиб, улардан айримларида суғдий, бақтрий, пахлавий ва бошқа тиллардаги ёзувлар учрайди.

Шуни айтиб ўтиш керак, Кофирқала муҳрлари бир неча бор чоп этилди. Муҳрлардаги суғдий битикларни ўқиш ва талқин этишга уринишлар амалга оширилган бўлса-да, уларнинг кўпчилиги тўғри ўқилмаган ва қайта кўриб чиқишни талаб қилади. Шундан келиб чиқиб қилиб, биз уларнинг айримларининг ўқилишига тўхталиб ўтмоқчимиз.

**47-рақамли муҳр.** Хукмдор тасвирининг олд томонида соат мили йўналишига қарама-қарши 4 нуктаси-

## ЎРТА ОСИЁ БИТИКЛАРИ

да бошланган суғдий курсив ёзув ўрин олган. Битик К. Церети томонидан куйидагича ўқилган: (r)uwδβ'rk (rēwδβārak) – “Gift of (the god) Rēw” (“Илоҳ Ревнинг совғаси”) [Cazzoli, Cereti, 2005: 156-157, Fig. 27]. Бизнингча, битик куйидагича ўқилади: ZN / ZK (?) kw(y) c/kw'β/ys MLK' (?) – “Жаноб Чавус / Кавус подшо (афшин)” (қар. I, 2 расм) [Berdimuradov, Babayarov, 2011].



30-расм.

Ушбу муҳрдаги суғдийча сўзлар билан илк ўрта асрларда Уструшонада битилган Чилхужра хужжатларида учрайдиган суғдий сўзлар орасида ўхшашлик кўзга ташланади. Чилхужра хужжатларидан биридаги суғдий битикни О.И. Смирнова (γwβ) cw'ws – “Кавус (?)”, В.А. Лившиц эса xwβw cwuws – “Хукмдор Чавус” деб ўқиб, уни араб манбаларида Кавус (Ковус) кўринишида учрайдиган Уструшона хукмдори билан тенглаштирган [Лившиц, 2003: 78-81; Лившиц, 2008: 286-287].

Бизнингча, бу муҳр Уструшонага тегишли бўлса керак. Муҳрдаги тасвир билан исломдан олдинги Уструшона тангаларидаги хукмдор тасвирида ўхшашлик кўзга ташланиши бу қарашимизни кучайтиради [қар. Смирнова, 1981: 324-335].

**48а**-рақамли муҳр. Ушбу муҳрда сўл томонга йўналган тўнғиз тасвири ва қисқагина суғдий ёзув ўрин олган.

Тўнғиз оғзининг остида суғдча учта ҳарfli ёзув *prn* – “фарн, қут, қут-барака” деган маъно билдиради (31-расм). Эски эроний афсоналарида *prn* – “фарн” сўзи уруш ва ғалаба мабуди Веретрагна билан боғлиқ ҳолда кўп учрайди.



31- расм

Авестода худо Зардуштга от, туя, тўнғиз, тоғ кўйи ва бошқа шу каби жониворлар кўринишида ўзини кўрса-тади [Авеста, 1990: 96-98; Авесто, 2001: 58]. Шу ўрин-да айтиб ўтиш керак, ғалаба илоҳи Веретрагна билан боғланадиган туя тасвири ёнида фарн сўзининг учраши исломдан олдинги Чоч тангалари ва мухрларида учра-ши диққатни тортади.

**204- рақамли мухр.** Мухр фақат ёзувдан иборат босмадан иборат (қар. 28-расм). К. Церети ушбу ёзу-вни ўрта форс (пахлавий)да деб қараб, уни *d'*, *g'* ёки *y'* сифатида ўқишни таклиф этган [Cazzoli, Cereti, 2005: 159, 162, Fig. 37]. Синчиклаб қаралганда ёзув учта ҳарф белгисига эга суғдий ёзув экани кўринади. Ушбу ёзувни *prn* “кут” сўзининг бошқачароқ ёзилган кўриниши деб қараш тўғрироқдир. Бундан ташқари, уни *pcy* деб ўқиб, “унумли, фойдали” [Gharib, 1995: 270, No. 6728] ёки “ҳукмдорга таъзим” маъносидаги суғдийча ҳозирги за-мон феъли билан боғлиқ *pcy'y* / *pc'y* / *pcy* “(to) be right, (to) fit” – “ҳақ бўлмоқ” сўзи билан тенглаштира бўлади [Gharib, 1995: 270, No. 6730].




32- расм

115а, 353а, 0066, 099а, 292а, 245а, 046а рақамли мухрлар. Уларнинг барчасида ўнг томондан ҳукмдор-

## ЎРТА ОСИЁ БИТИКЛАРИ

нинг тасвири туширилган<sup>20</sup>. Мухрларнинг юза қисмида суғдий ёзувда ўнг томонга қараб курсивда ёзилган уч ҳарфдан иборат *kw* – “қахрамон, ҳукмдор, подшо” деб ўқиладиган ёзув ўрин олган (қар. 33-расм, 5-12). Унинг *k'w* шаклидаги кўриниши илк ўрта асрларга тегишли Бухоро кумуш тангаларида учрайди (*px'r xwβ k'w*) [Смирнова, 1970: 57; Исхаков, 2008: 104].

**245a** рақамли муҳр. Бу ярим оған суғдий ёзувда. Сақланиб қолган учта ҳарф *kw* – “қахрамон, ҳукмдор” деб ўқилади. Мазкур муҳр, эҳтимолик жиҳатдан, иккаласига ҳам ҳам тааллуқли бўлиши мумкин, чунки палеографик жиҳатдан *k* “koʻ” бошланғич хусусиятини ёзув шунингдек, якуний қисмида арабча “алеф” га ўхшаш й (ёд)нинг характерли нақшлари мавжуд.



33-расм

245a, 353a рақамли муҳрлар К. Церети томонидан *zrwβ(δ)* – (')*zrw* – “ёши улуг” ёки (')*zrw'* – *Zurwān/Brahma* деб ўқилган [Cazzoli, Cereti, 2005: 156-157, Fig. 26]. Мухр битикларининг ёзув бичими бундай ўқишга икмон бермайди. Биринчидан, кўриниб турганидек муҳрларнинг кўпчилигида ҳарф белгилари 3 та ҳарфдан ошмайди. Иккинчидан, биринчи ҳарф “к” ундоши “*koʻ*”га гўё яна бир ҳарф белгиси қўшиб ёзилгандек

<sup>20</sup> Ушбу муҳр (буллалар)дан бири Тошкентда Ўзбекистон тарихи давлат музейида сақланмоқда (Қаранг: Расм. 28, 8).



кўринади, бироқ ушбу белгини шу турдаги бошқа муҳр нусхалари билан солиштирганда бундай эмаслиги ойдинлашади. Шунинг учун уни “р” (“resh”) ундоши билан тенглаштириш қийинроқ.

Учинчидан, тадқиқотчилар томонидан “л” ундоши “*lomed*” ўлароқ қаралган тўртинчи (аслида учинчи) ҳарф белгиси “*yod*”ни бир қарашда “*lomed*”ни эслатса-да, кўплаб суғдий ёзма ёдгорликларда “*yod*” ҳарф белгисининг сўз сўнгида келганда юқорига тўғри чўзиб ёзилганини кўзда тутиш керак бўлади [қар. Исхаков, 2008.: 101,115, Таб. XV].

**294** рақамли муҳр. Унчалик яхши сақланмаган бўлса-да, олд томонида ҳукмдор ва маликанинг ёнма-ён чизилган тасвирини кўриш мумкин (34-расм, 1). Айниқса, сўл ёнда ҳукмдорнинг думалоқ юзи, бодомсимон кўзлари, елкасигача тушган узун сочи ва ингичка мўйлови ғира-шира бўлса-да, пайқалиб турибди. Маликанинг тасвирида эса уч мўғузли бош кийимининг излари нисбатан яхши сақланиб қолган.



*34- расм*

Шунга ўхшаш сўл томонда ҳукмдор ва ўнг томонда уч мўғузли бош кийимли малика тасвири Ғарбий Турк хоқонлиги билан боғлиқ Чоч ва Суғдада бостирилган тангаларда учрайди.

## ЎРТА ОСИЁ БИТИКЛАРИ

Шунга ўхшаш тасвирлар Тўхористоннинг қадимий туркий тангаларида, аниқроғи, “Чағониён тангаларида” ўрин олган бўлиб [Ртвеладзе, 2006: 96], тангаларнинг олд ёки тескари томонларида *prn xwβ* – “Кут (эгаси) ҳукмдор” ёки *tʰw'r'k xwβ* - “Тўхорлик.... ҳукмдор” (яъни, “Тохаристон ... ҳукмдори”) деган сугдий сўзлар учрайди [Бабаяров, Кубатин, 2009, с. 80-83]. Бизнингча, ушбу танга ва муҳрлардаги қўшалоқ тасвири – турк бошқарувчи (хоқон ва б.) ва унинг умр йўлдоши – хотун билан боғлиқ.

Эски турк битиклари ва хитой йилномаларидан англашилича, Турк хоқонлигидаги давлатчилик анъанасига кўра, бош ҳукмдорнинг хотини хотун унвонига эга бўлиб, давлат бошқарувида қатнашган ва хоқондан кейинги ўринда турган.

Уч мўгузли бош кийимидаги хотун тасвири ўша кезлардаги туркийлар мафкураси билан тўғридан-тўғри боғланиб кетади. Марказий Осиёнинг қатор ҳудудларида топилган (асосан, Еттисув, Олтой ва Мўғулистондан) тош ҳайкаллар ва бошқа буюмларда ҳам шунга ўхшаш тасвирлар учрайди. Маликанинг уч мўгузли бош кийимидаги кўриниши эски турклар тушунчасида болалар, аскарлар, ҳомиладор аёллар ва туғилиш ҳомийси деб билинган маъбуда Умай билан боғлиқ бўлган. Шунга урғу бериш керакки, хоқонликка тегишли Ўрхун битиктошларида хотун Умайга тенглаштирилади [Малов, 1951: 38, 68].

Шундай қилиб, ушбу муҳрни Чоч ёки Суғддаги туркий бошқарув билан боғласа бўлади.

**122а, 074а** рақамли муҳрлар. Ушбу муҳрлар бошқаларига қараганда унчалик яхши сақланмаган бўлса-да, бироқ синчиклаб қаралса уларда сочлари елкасигача тушган, ўнг томонга юзланган отлик тасвири борлигини кўриш мумкин (қар. 35-расм, 1-2). Шунга ўхшаш тасвирни Ғарбий Турк хоқонлиги томонидан Чочда боштирилган қуйидагича тангаларда учратамиз:

1) Узун сочлари елкасигача тушган ўнгга йўналган отлик тасвири. Отлиқнинг юқорига кўтарилган сўл қўли ғолибларга хос имо-ишорали, ўнг қўл эса отнинг тизгинини ушлаб турган кўринишда чизилган. Унинг орқасида бошқа тангалардан йирикроқ ўлчамдаги ярим ой тасвири туширилган. Танганинг тескари томонида *☞* кўринишида тамға ва унинг остида икки қаторли суғдий жумла учраб, қуйидагича ўқилади: ... *x'γ'n* – “хоқон” (қар. 35-расм, 3);

2) Отлиқ тасвири юқоридаги тангадагига ўхшаш бўлиб, сўл қўли тизгинни ушлаб турган, ўнг қўли эса бироз куйига туширилиб, қандайдир бир буюмни, чамаси, камчи тутган кўринишдадир (қар. 35-расм, 4).

Шунингдек, бу турдаги Ғарбий Турк хоқонлиги тангаларининг айримларида хукмдор елкасигача тушган узун сочли, айримларида эса конус (қирмоч) кўринишидаги бош кийимда тасвирланган. Бу тангаларнинг биринчи турида отлиқ қўлида найзаси билан, иккинчисида бўлса ўқ-ёй тутган кўринишдадир. Иккаласида ҳам ярим ой тасвири ўрин олмаган.

Танганинг тескари томонида *☞* кўринишидаги тамға ва унинг теварагида қуйидагича суғдий ёзув ўрин олган: *pny cpyw x'γ'n* – “Жабғу хоқон-тангаси” (35-расм, 4);

3) Олд томонида отлиқ юқоридаги тасвир билан даярли бирдай, танганинг тескари томонида *☞* (тўғриси *☞*) кўринишидаги тамға ва унинг теварагида *βγy pπn x'γ'n* – “Илоҳий кут (соҳиби) хоқон” деган суғдий ёзув ўрин олган.

Шу билан бирга, айрим муҳрлардаги тасвирлар Ғарбий Турк хоқонлигининг VII–VIII асрларда Чочда бостирилган тангаларида ўрин олган отлиқ тасвири билан яқин ўхшашликка эга. Демак, отлиқ тасвирли Кофирқалъа муҳрларидан бирини Чоч воҳаси туркийлари билан боғласа бўлади.



35-расм

Юқоридаги булла – муҳрлар билан қисқача танишиб чиқиш шуни кўрсатадики, улар фақатгина Суғд ва Тўхористонга эмас, балки Уструшона ва Чочга ҳам тегишли топилмалардир. Шунингдек, улардаги айримлари эски турклар билан боғлиқ. Бундан ташқари, айрим муҳрларда ўша кезларнинг мафкураси билан уйғунлашган тасвирлар ўрин олгани кўриниб турибди.

## **II- БОБ. НУМИЗМАТИКА**

### **1-§. Умумий маълумот**

Суғдий тил ва ёзувда яратилган ёдгорликларнинг сезиларли бир қисмини танга-пуллар ташкил этиб, уларнинг қўпчилиги Суғд ўлкаси ва унинг атрофидаги ҳукмдорликларни бошқарган суғдий ҳукмдорлар томонидан зарб қилинган бўлса, яна бир муҳим қисми Амударё – Сирдарё оралиғи ва Еттисувда ҳукм сурган туркий сулолаларга тегишлидир.

Кўплаб археологик топилмаларнинг гувоҳлик беришича, Ўзбекистон ҳудуди – Марказий Осиё тарихида нафақат илк шаҳарсозлик маданияти ва давлатчилик анъаналари вужудга келган ҳудудлардан бўлган, балки минтақадаги дастлабки маҳаллий танга-пуллар ушбу ҳудудда зарб қилинган.

Товар айирбошлашнинг энг қулай воситаси сифатида танга-пуллардан Юнон-Бақтрия (мил. авв. IV – II аср)да ҳамда Кушон салтанати (мил. авв. II – мил. III аср)да фойдаланилган. Милодий минг йилликнинг илк асрларидан бошлаб Суғд ва Хоразмда ҳам танга зарб этиш йўлга қўйилган. Улар билан деярли бир вақтда маркази Чоч воҳасидаги Қанғ давлати (мил. авв. III – мил. III аср)да товар айирбошлаш муносабатлари натуро шаклида эмас, танга-пул воситасида амалга оширила бошлаган. Милодий VII–VIII асрларга келиб Фарғона ва Уструшона ҳукмдорлари ҳам ўз тангаларини зарб қилишга киришганлар.

Бунга қадар минтақа аҳолиси олди-сотди, савдо-сотиқ ишларини тери, дон-дун, чорва моллари, қимматбаҳо буюмларни ўзаро алмаштириш орқали бажарган бўлиб, бундай усул ўзига хос муайян қийинчиликлар туғдирар эди. Шу жиҳатдан олганда, ўзаро савдо ва товар айирбошлаш муносабатларида муайян бир металл – мис ва олтиннинг воситачи ролни ўйнай бошлаши ин-

## ЎРТА ОСИЁ БИТИКЛАРИ

соният тарихидаги энг катта ютуқлардан бири бўлганини эътироф этиш зарур.

Амударё ва Сирдарё оралиғи ҳамда унга туташ худудлардаги Чоч, Фарғона, Уструшона, Суғд, Бухоро, Тўхористон ва Хоразм каби тарихий-маданий вилоятлар алоҳида сиёсий-маъмурий тузилмалар – воҳа ҳукмдорликлари бўлиб, ҳар бири мустақил мақомга эга эдилар. Улардан ҳар бири ўз ҳукмдор сулоласи, меросий ҳокимияти, бошқарув маркази (пойтахти), қонунчилиги, ўз қўшини, муайян ҳудуди ва чегараси ҳамда танга-пул тизимига эга бўлиб, ўзига хос ҳокимият рамзлари бор эди [Бобоёров, 2010: 18-40]. Ҳатто, уларнинг баъзиларида конфедератив шаклдаги бошқарувлар ҳам мавжуд эди. Хусусан, Тўхористон ва Суғдда шундай ҳолат яққол кўзга ташланарди [Gayibov, 2016: 88-94]. Иккаласида ҳам ҳар бир вилоят ёки туман алоҳида кичик ҳукмдорликлар бўлиб, уларнинг деярли барчаси юқоридагидай мақомга молик эдилар (сулола, ҳукмдор, худуд, чегара, танга-пул тизими ва ҳ.к). Жумладан, Тўхористон, хитой роҳиби Сюан Цзан (629-645) маълумотича, 27 та кичик ҳукмдорлик (Термиз, Чағониён, Хуттал, Кумед, Кобадийн, Шуғнон, Воҳон, Балх, Гузгон ва бошқалар) дан ташкил топганди ҳамда барчаси Турк хоқонлигига )арди [Бичурин, 1950. II: 321; Chavannes, 1903: 157]. VII асрнинг иккинчи чорагида ўлкада хоқонлик билан алоқали, Ашина хонадонидан бўлган *Ябғулар* бошқаруви таъсис этилгач, мазкур ҳукмдорликлар ушбу Тўхористон ябғулари сулоласини тан олган ҳолда бир-бирларидан мустақил равишда бошқарувда давом этадилар.

### **2-§. Илк ўрта асрларга тегишли суғдий ёзувли тангалар**















Милоднинг илк минг йиллиги ўрталарига келиб Амударё – Сирдарё оралиғи ва унга қўшни худудлардаги Чоч, Ўтрор, Фарғона, Уструшона, Суғд, Тўхори-

стон каби воҳа ҳукмдорликларининг қарийб барчасида танга зарбининг йўлга қўйилиши нафақат иқтисодий зарурият билангина боғлиқ бўлмай, балки ҳамма даврларда бўлгани каби пул зарб қилиш маълум маънода давлат мустақиллигини ҳам ифодаларди. Айнан шу сабабли илк ўрта асрларда мамлакатимиз ҳудудида зарб қилинган тангаларда ҳар бир ҳукмдорликнинг ўзига хос белгиси – тамғалар акс этган. Нафақат воҳа ҳукмдорликлари, ҳатто конфедератив шаклдаги ҳукмдорлик таркибидаги айрим майда ҳокимликлар ҳам ўз тамғаларига эга бўлиб, улар нафақат тангаларда, балки сопол ва металл буюмлар сиртида ҳам ўз аксини топган. Аслида муайян бир тамға бирор ҳукмдорликни ифодаловчи рамзий белгига айланган бўлса-да, уларни бирон бир мамлакат ёки ўлканинг қадимдан ўзгармай келган анъанавий нишони (герби) деб бўлмайди. Чунки, минтақадаги сиёсий вазият билан боғлиқ ҳолда ҳар бир даврда ўзига хос рамзий белгилар бўлиб, улар бир-биридан фарқ қилган. Хусусан, Кушон салтанати ва Қанғ давлати давридаги тамғалар билан илк ўрта асрлардаги тамғалар орасида анча фарқлар бор. Илк ўрта асрларга келиб, воҳалардаги ҳар бир ҳукмдорлик ўзига хос тамғага эга бўлган. Бу даврга хос тамғаларни бирор бир мамлакатнинг эмас, у ерни бошқариб турган сулоланинг рамзий белгиси сифатида баҳолаш мантиклироқ. Масалан, VII–VIII асрларда Чоч воҳасида учта бошқарувчи сулола мавжуд бўлиб, улардан ҳар қайсисининг ўз тамғаси мавжуд эди. Улардан қайси бири айнан Чоч ҳукмдорлигининг рамзий белгиси эканлигини аниқлаш қийин. Афтидан ушбу тамғалар сулолага асос солган уруғларга тегишли бўлган.

Шуни таъкидлаш жоизки, баъзан муайян бир ҳукмдорликда мавжуд сулола вакили ўзидан олдин ҳукмронлик қилган қариндоши (отаси, акаси ёки яқинларидан бири)дан ҳокимиятни мерос қилиб олар экан, анъанавий тамғага бирон бир қўшимча белги илова қилгани кўзга ташланади. Бу асосан Самарқанд ихшидлари,

## ЎРТА ОСИЁ БИТИКЛАРИ

Панч ҳукмдорлари тангаларига хосдир [Гойибов, 2016: 6-11]. Бу даврда мамлакатимиз худудидида мавжуд бўлган воҳа ҳукмдорликларининг асосан тангалар сиртида ва қисман эса бошқа буюмларда учрайдиган рамзий белгилари – тамғалар ва унвонлар қуйидагича бўлган (*қаранг*. Илова I):

1. **Чоч:** ; *хвабу, тегин элтабар, тудун.*
2. **Фарғона:**  (вариантлари; ); *хоқон, тутуқ.*
3. **Уструшона:** ; *MR 'Y.*
4. **Сугд:**
  - а) **Самарқанд:** ; *хоқон, MLK'.*
  - б) **Панч:**  (вариантлари ); *MR 'Y, хотун.*
  - в) **Кеш:** ; *ахурнат.*
  - г) **Нахшаб:** ; *хвабу.*
5. **Бухоро:** ; *пухар хув қава.*
6. **Тўхористон:**
  - а) **Тўхористон ябғулиги:**  (?); *ябғу.*
  - б) **Чағониён:**  (?); *хув.*
  - в) **Термиз:** .
7. **Хоразм:** ; *MR 'Y MLK'.*

Асосан иқтисодий эҳтиёжлар воситаси сифатида зарб этилган мазкур тангалардаги маълумотлар ўз даври сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳаётини ёритишда ўзига хос ўрин тутди. Жумладан, уларда акс этган ҳукмдорлар исми ва унвони, турли хил рамзий белгилар (тамға ва ҳ.к.) кўпроқ сиёсий ҳаётни ёритишга ёрдам берса, иконографик (тасвир ва сюжетлар) ва палеографик жиҳатлари, ясашиш техникаси, металл тури ва бошқалар ўша даврдаги маданий-иқтисодий ҳолатни тасаввур қилишга хизмат қилади.

Бу давр тангалари асосан О.И. Смирнова, Э.В. Ртвеладзе, В.А. Лившиц, Е.В. Зеймаль, Б.И. Вайнберглар каби тангашунос олимлар томонидан тадқиқ этилган. Ҳозирги кунда бу соҳада тадқиқот олиб бораётган Э.В.Ртвеладзе, Л.С. Баратова, А. Мусакаева, А.В. Куз-



нецов, Ғ. Бобоёров, А. Кубатин ўз ишларида асосий эътибор Чоч воҳаси тангаларига қаратилган. Фарғона, Уструшона, Суғд, Хоразм тангалари ҳозирча етарли ўрганилмасдан қолмоқда.

Нумизматик материалларнинг тарихий манба сифатида аҳамияти шундаки, уларда ёзма манбаларда учрайдиган айрим нуқсонлар (хусусан, маълумотнинг етказилиш даражаси, тил ва ёзув хусусиятларининг фарқлилиги натижасида исм, унвон ва атамаларнинг аслиятдан узоклашиши ва ҳ.к.) туфайли юзага келадиган англашмовчиликлар уларда кўп учрамайди. Шу жиҳатдан олганда, танга-пулларни ишончли ва собит тарихий манба сифатида баҳолаш мумкин.

### **3-§. Суғдий ёзувли Тўхористон тангалари (илк ўрта асрлар)**

Илк ўрта асрларда Амударё – Сирдарё оралиғи ва унга туташ ҳудудлардаги ўнлаб воҳа ҳукмдорликларидан бири бўлган Тўхористон ўлкаси Термиз, Чағониён, Хуттал, Бадахшон, Балх, Гузгон (Жузжон), Кумед (Қоратегин), Вахш, Қўбодиён ва шунга ўхшаш ўнлаб катта-кичик ҳукмдорликлардан иборат эди. Бу даврга тегишли ёзма ёдгорликлар Тўхористонда негизи юнонча бўлган бақтрийча ёзувда иш юритилганини кўрсатади. Буни ушбу тарихий ўлкага тегишли тангалар, девор ёзувлари, сопол, металл ва тош каби материаллардан ясалган турли буюмлар сиртидаги битиклар ва Шимолий Афғонистондан топилган юзлаб бақтрий тилли ҳужжатлар тасдиқлайди. Шунингдек, илк ўрта асрлар Тўхористон тангаларининг бир қисмида суғдий ёзувлар учраб, ўз хусусиятига кўра улар минтақа тарихи билан боғлиқ кўплаб масалаларга ойдинлик киритади.

Кейинги йилларда суғдий ёзувли бир неча турдаги Тўхористон тангаларининг топилиши улар бўйича чуқурроқ изланишлар олиб борилишини талаб қилмоқда. Айниқса, тангаларнинг қайси ҳукмдорликларга

## ЎРТА ОСИЁ БИТИКЛАРИ

тегишлилиги, айнан қандай тарихий воқеликлар билан боғлиқ равишда бостирилгани масаласи кўндаланг бўлиб турибди. Уларни шартли ўлароқ қуйидагича гуруҳ ва вариантларга ажратиб танишиб чиқамиз:

**1-ГУРУҲ. Босма ёзувли (контрамаркли) тангалар** (ушбу гуруҳ тангаларини шартли ўлароқ қуйидагича вариантларга ажратиш мумкин):

**1-вариант.** “хоқон” унвонли тангалар



1

2

**1-2 тангалар.** Av. Ҳар иккала танганинг олд юзасида ўнг томонга қараган, икки қанотли тож кийган Сосоний ҳукмдори боши ва унинг устида ярим ой ва қуёш тасвирлари ўрин олган. 1- тангадаги ҳукмдор тасвиридан тепароқда ўнгда суғдий ёзувли контрамарк (босма ёзув) ўрин олган бўлиб, х ‘у’ n “хоқон” ўқилади. 2- тангада эса ҳукмдорнинг ўнг томонида паҳлавий ёзувининг излари сақланган. Ҳукмдор тасвиридан сўлда ва қуйида суғдийча босма ёзувлар учраб, биринчиси х ‘у’ n βуу “Илоҳий хоқон”, иккинчиси эса δ̄с̄у βуу “Илоҳий (и) дишчи” ёки “Тиш илоҳи” ўлароқ ўқилади. Rv. Тангаларнинг орқа юзасида ўртада оташдон ва унинг атрофида тик турган қоҳинлар, уларнинг тепасида беш қиррали юлдуз ва ярим ой тасвирлари ўрин олган.

**2- вариант.** “хоқон” ва “тегин” унвонли тангалар



3

4

**3-4 тангалар.** Ав. Ҳар иккала танганинг олд юзасида юқоридаги ҳукмдор тасвиридан анчагина фарқли қиёфадаги ўнг томонга қараган, икки қанотли тож кийган Сосонийлар ҳукмдори боши ва унинг устида ярим ой ва қуёш тасвирлари ўрин олган. 3- тангадаги ҳукмдор тасвирининг ўнг, сўл ва қуйида суғдий босма ёзувларлан ўнгдагиси *δ̄scu β̄yū* “Илоҳий (и)дишчи” ёки “Тиш илоҳи”, сўлдагиси *tky(n)* “тегин”, қуйидагиси эса *x'γ'n β̄yū* “Илоҳий хоқон” шаклида ўқилади. 4- тангадаги тасвирнинг тўрт ёнида 4 та босма ёзув ўрин олган бўлиб, қуйидагича ўқилади: тепадан ўнгдагиси *x'γ'n β̄yū* “Илоҳий хоқон”, тепадан сўлдагиси *tk'yn* “тегин”, қуйидаг ўнгдагиси *δ̄scu β̄yū* “Илоҳий (и)дишчи” ёки “Тиш илоҳи” ва ҳукмдор тасвири остидаги ёзув эса *k-'nc* ёки *k-c'n(?)*. Рv. Тангаларнинг орқа юзасида юқоридаги тангалардагига ўхшаш тасвирлар ўрин олган. #125489, #151335; Ўлчами: -, 25-29 мм; Салмоғи: 3,6 г., 3.22 г.

### 3- вариант. “тегин” унвонли тангалар



5

6

**5-6 тангалар.** Ав. Тангаларнинг олд юзасида юқоридаги ҳукмдор тасвиридан анчагина фарқли қиёфадаги ўнг томонга қараган, икки қанотли тож кийган Сосоний ҳукмдорлари боши ва унинг устида ярим ой ва қуёш тасвирлари ўрин олган. 5- тангада ҳукмдор тасвирининг тепа қисмида, ўнг ва пастки қисмида контрамарк (босма ёзув)лар жойлашган. Тепа қисмидаги суғдий ёзув *tk'yn* “тегин”, ўнгдаси *pyškw(r)* (ҳалигача маъноси аниқланмаган ибора), пастдагиси эса *δ̄scu β̄yū* “Илоҳий (и)дишчи” ёки “Тиш илоҳи” шаклида ўқилади. 6- тангадаги босма ёзувлар қуйидагича ўқилади: ўнгдаги суғдий ёзув *tk'yn* “тегин”, *pyškw(r)* (5- тангадаги билан бир хил ҳалигача

## ЎРТА ОСИЁ БИТИКЛАРИ

маъноси аниқланмаган ибора). **Rv.** Тангаларнинг орқа юзасида юқоридаги тангалардагига ўхшаш тасвирлар ўрин олган. #208970; Ўлчами: -; Салмоғи: 3,38 г., 3,36 г.

### 4- вариант. “тегин” ва “тархон” унвонли тангалар



**7-9 тангалар. Av.** Тангаларнинг олд юзасида юқоридаги ҳукмдор тасвирларидан анчагина фарқли қиёфадаги ўнг томонга қараган, икки қанотли тож кийган Сосоний ҳукмдорлари боши ва унинг устида ярим ой ва қуёш тасвирлари ўрин олган. 7- тангада ҳукмдор тасвири тепа қисмининг ўнг ва чап томонида ҳамда ҳукмдор бошининг олд томонида контрамарк (босма ёзув) лар жойлашган бўлиб, ўнгдагиси *tk'un* “тегин”, чапдагиси βуу “Илоҳий”, учинчиси эса *trx'n* “тархон” ўлароқ ўқилади. 8- тангада ҳукмдор елкасининг ўнг ва чап ёнида жой олган контрамарк (босма ёзувлар) шу тарзда ўқилади: ўнгдаги суғдий ёзув *tk'un* “тегин”, чапдагиси *trx'n* “тархон” [Бабаяров 2013: 145, 152]. 9- тангада 4 та алоҳида контрамарк (босма ёзув)лар ўрин олган бўлиб, ҳукмдор тасвирининг тепасидаги суғдий ёзув *trx'n* “тархон”, чапдагиси *tkyn* “тегин”, ўнгдагиси *pyškwr*, пастдагиси эса δ̄ссу βуу “Илоҳий (и)дишчи” ёки “Тиш илоҳи” ўлароқ ўқилади. **Rv.** Тангаларнинг орқа юзасида юқоридаги тангалардагига ўхшаш тасвирлар ўрин олган. -, #28789, #86936; -, 3,38 г. -.

**5-6 вариантлар.** “Илоҳий (и)дишчи?” ёки “Тиш илоҳи” ибораси ва “ҳукмдор” унвонли тангалар



10

11

**10-11 тангалар.** Av. Тангаларнинг олд юзасида юқоридаги ҳукмдор тасвир бирмунча фарқли қиёфадаги ўнг томонга қараган, икки қанотли тож кийган Сосоний ҳукмдори боши ва унинг устида ярим ой ва қуёш тасвирлари ўрин олган. 10- тангадаги ҳукмдор тасвирининг олд (ўнг) томонидаги суғдий ёзув *pyškw(r)*, пастдагиси эса  $\delta\delta\sigma\upsilon\beta\upsilon\upsilon$  “Илоҳий (и)дишчи” ёки “Тиш илоҳи” ўлароқ ўқилади. 11- тангада эса ҳукмдорнинг бошидан ўнгда бақтрий ёзувида “ҳукмдор”, ундан куйирокда суғдийча  $\chi\omega\beta$  “ҳукмдор” сўзлари ўрин олиб (тескари ёзилган), ҳукмдор бошининг орқа томонида ромб кўринишидаги тамға учрайди. Rv. Танганинг орқа юзасида юқоридаги тангалардагига ўхшаш тасвирлар ўрин олган. -, #43496; -, 2.68 г.; -, 24.0-25.2 мм.

**6-вариант.** Тургаш хоқонлиги тамғаси босилган тангалар





12

13

**12-13 тангалар.** Av. Тангаларнинг олд юзасида юқоридаги ҳукмдор тасвир бирмунча фарқли қиёфадаги ўнг томонга қараган, икки қанотли тож кийган Сосоний ҳукмдори боши ва унинг устида ярим ой ва қуёш тасвирлари ўрин олган. 12- тангада ҳукмдор бошининг ўнг ёнида суғдий ёзувда  $\chi\prime n$  “хоқон” унвони, ҳукмдор

## ЎРТА ОСИЁ БИТИКЛАРИ


бошидан куйирокда  кўринишидаги тамға, 13- тангада эса хукмдор бошининг ўнг ва сўл ёнида  кўринишидаги тамғалар, хукмдор бошидан куйида суғдий ёзувда  $\delta\dot{\text{c}}\text{y} \beta\text{y}$  “Илоҳий (и)дишчи” ёки “Тиш илоҳи” сўзлари ўрин олган. **Rv.** Танганинг орқа юзасида юқоридаги тангалардагига ўхшаш тасвирлар бор. #86937, #86934; -, -; -, -.

**2- ГУРУҲ. Тўхористон хукмдорликларининг маҳаллий тангалари** (ушбу гуруҳ тангаларини ҳам шартли ўлароқ куйидагича вариантларга ажратиш мумкин):


**1- вариант. “Фарн хуву (Қутлуғ хукмдор)”** унвонли тангалар (орқа томони)



14



15

**14-15 тангалар. Av.** Тангаларнинг олд юзасида тўғрига қараган хукмдор ва малика боши ва уларнинг устида ярим ой ва куёш тасвирлари ўрин олган. **Rv.** Танганинг орқа юзасида  шаклидаги тамға ва унинг атрофида суғдий ёзув жойлашган. 14- тангадаги ёзув тескари ёзилган бўлиб, ойнада қаралганда шу тарзда тўғри ўқилади: тамганинг ўнг томонидагиси –  $\text{p}\eta$  “фарн” (қут), чап томондагиси –  $\text{xw}(\beta)$  “хув” (хукмдор). 15- тангадагиси одатдагидай ёзилган бўлса-да, ёзувлар тўлиқ сақланмаганлиги туфайли тамганинг ўнг томондагисини ҳозирчалик сўроқ ишорати остида  $\text{p}\eta\text{w}-\gamma/'k$  (..) “фарн...” (қут...) ва тамганинг чапдагисини  $(\text{x})\text{w}\beta\text{w}$  “хуву” (хукмдор) ўлароқ ўқимокдамиз. -, #194336;


**2- вариант. “Фарн хуви?” (Кутлуғ хукмдор)”** унвонли тангалар (ўнг томони)



16



17

**16-17 тангалар.** Av. Тангаларнинг олд юзасида тўғрига қараган хукмдор ва малика боши ва уларнинг устида ярим ой ва қуёш тасвирлари ўрин олган. 16- тангадаги қўшалок тасвирнинг тагида суғдий ёзув тескари ёзилган бўлиб, ойнада қаралганда тахминан шу тарзда ўкилади: *tʰw 'r 'k [xwβ]* “Тўхор хукмдори”? 16- тангадаги қўшалок тасвирнинг чап томонида хwβ “хув” (хукмдор) сўзи учрайди. Rv. 16- танганинг орқа юзасида  шакли тамға ўрин олган бўлиб, ёзув мавжуд эмас, 17- танганинг тескари томонининг расми топилмади. [қар. [#27992](http://www.zeno.ru), Smirnova 1981: 504]; Ўлчами: 23 мм; Салмоғи: 1,47 г.

### 3- ГУРУҲ. Тўхористон ябғулари? тангалари

**1-вариант. “Фарн” (қут) сўзи ўрин олган тангалар**




18



19



**18-19 тангалар.** Av. Тангаларнинг олд юзасида ўнгга қараган хукмдор тасвири ва унинг олд (ўнг) томонида суғдий ёзувда *prn* “фарн” (“қут”) ибораси учрайди. Rv. Тангаларнинг орқа юзасида Чоч воҳасида бостирилган Ғарбий Турк хоқонлиги тангаларига хос  шакли тамға ўрин олган бўлиб, ёзув мавжуд эмас.



## ЎРТА ОСИЁ БИТИКЛАРИ

### 2-вариант. “Хоқон” (?) унвонли танга



20

21

**20-21 тангалар.** Av. 20- танганинг олд юзасида юқоридаги 1- вариантдаги ўхшаш, бироқ анча фарқли қиёфадаги ўнгга қараган, пешонаси яқинида ярим ой ўрин олган ҳукмдор тасвири ва унинг олд (ўнг) томонида суғдий ёзувда х 'γ' n “хоқон” (?) унвони мавжуд. Ушбу тангаларнинг олд томонида 18-19 тангаларга тасвирий жиҳатидан яқин, бироқ анчагина фарқли қиёфадаги ўнгга қараган ҳукмдор тасвири учраб, бирорта ёзув кўзга ташланмайди. Rv. 20- танганинг орқа юзасида Чоч воҳасида бостирилган Ғарбий Турк хоқонлиги тангаларига хос  шаклли тамға бўлиб, ёзув мавжуд эмас, 21- тангада эса 20- тангадаги тамға билан яқин ўхшашликка эга, бироқ бирмунча фарқланувчи  шаклидаги тамға учрайди. Тамға атрофидаги унчалик яхши сақланмаган суғдийча ёзувни ҳозирча шартли ўлароқ *prn* (βуу) х 'γ' (n) “Илоҳий қут (соҳиби) хоқон” деб ўқимокдамиз. #221945; #179791; Ўлчами: 18 мм, 23 мм; Салмоғи: 1,86 г, 1,5 г.

**3-вариант.** Ёзувсиз (анэпиграфик) тангалар (Бу туркумдаги тангаларда бирорта ёзув учрамаса-да, Ғарбий Турк хоқонлиги билан боғлиқ айрим масалаларга ойдинлик киритадиган томонлари борлигини кўзда тутиб бу ерда келтириб ўтдик).



22

23



**22-23 тангалар.** Av. Ўртасида думалоқ тешик ўрин олган ушбу тангаларнинг ўнг томонида Чоч воҳасида бостирилган *c'sunk xwβw tk'yn* “Чоч ҳукмдори тегин” унвонли тангалардаги тамғалар билан деярли бир хил **Ў** шаклли тамға мавжуд. Rv. Тангаларнинг орқа томонида бирорта белги ёки ёзув йўқ. .#86937; #27691; North Tokharestan. Ўлчами: -; 25 мм. Салмоғи: -; 4.2 г.

#### 4-ГУРУХ. Тўлиқ аниқланмаган тангалар

##### 1- Вариант.



24

**24- танга.** Av. Танганинг олд юзасида **†** шаклидаги исломдан олдинги Термизшоҳлар сулоласи тамғасига ўхшаш тамға ва унинг ўнг томонида вертикал ҳолатда ёзилган суғдийча ёзув ўрин олган. Ёзув нисбатан яхши сақланган бўлишига қарамадан айнан қандай маънодаги сўз (унвон ёки исм) эканлиги очиқ қолмоқда. Ёзувни тахминан шу тарзда ўқиш мумкин: *'pβw / 'wδw / twδwn?* Rv. Танганинг тескари томонида устма-уст ёзилган уч қатор суғдий ёзув учраб, улардан ўрта қатордагиси *xwβw* “ҳукмдор” ўлароқ ўқилади. Ёзувларни тахминан шу тарзда ўқиш мумкин: *'w... | xwβw | cwnywk / cwryβk?* “... ҳукмдор Чўрбек?”. #117760; Ўлчами: 20.7-22.2 мм; Салмоғи: 2.8 г.

2- вариант.



25


**25-** танга. **Av.** Хитой тангаларига тақлидан ўртаси тўртбурчак тешик ва унинг атрофида суғдий ёзувдаги 3 та сўздан иборат жумла ўрин олган. Улардан чапдагиси тахминан  $\chi\omega\beta\omega$  “хукмдор” шаклида ўқилади. Қолганларини ўқиш имконини бўлмади. **Rv.** Танганинг тескари юзасида тўртбурчак тешикнинг чап томонида  $\uparrow$  шаклидаги исломдан олдинги Термизшоҳлар сулоласи тамғасига ўхшаш тамға, ўнг томонида эса суғдий ёзувда ва унинг ўнг томонида вертикал ҳолатда ёзилган суғдийча ёзув ўрин олиб,  $\rho\eta\eta$  “фарн” (“қут”) ўлароқ ўқилади. #57521; 1.6 г; 17.7 мм.

\*\*\*

**2. Суғдий ёзувли Тўхористон тангаларининг ўрганилиши**

Тўхористон тангалари бўйича олиб борилган илмий изланишлар кўлами унча кенг эмас. Ўтган асрнинг бошларидан то бугунги кунгача кўпроқ Фарб олимлари бақтрий ва пахлавий (ўрта форс) ёзувлари ўрин олган Тўхористон тангаларини ўрганишган бўлиб, ушбу ўлканинг суғдий ёзувли тангалари тадқиқотчилар назаридан деярли четда қолганлиги кўзга ташланади. Бу турдаги тангаларнинг нисбатан оз топилиши ҳам бунинг бош сабабларидан биридир. Тўхористон тангалари бўйича йирик мутахассис Р. Гёбль 1960- йиллардаги изланишларида суғдий ёзувли тангаларга ҳам ўрин берилган эди [Göbl, 1967]. Таниқли нумизмат Э.В. Ртвеладзе ҳам исломдан олдинги Тўхористон тангалари

бўйича изланишлар олиб бориш жараёнида бактрий ва пахлавий ёзувли тангалар билан бирга айрим суғдий ёзувли тангаларни ҳам келтириб ўтган [Ртвеладзе 1987: 140-145; Ртвеладзе, 2006: 119]. Ўлканинг суғдий ёзувли тангаларини, аниқроғи, сиртига суғдий ёзув кейинчалик босилган (контрамаркли) Сосонийлар Эронни тангаларини илк ўлароқ ўрганганлардан бири В.А. Лившиц ва кейинчалик Л.С. Баратова айрим танга ёзувларини *γ'γ'n* “хоқон” ва *tk'un / tkyn* “тегин” шаклларида ўқиб, уларни қадимги турклар билан боғлаган, баъзи тангалардаги суғдий ёзувни *tšβ'n* шаклида ўқиган ва уни қадимги эроний элатлар талқинидаги Тиш илоҳи билан солиштирган эдилар [Kljaštornyj, Livšic 1972: 81-82; Баратова, Лившиц 2002: 21-26]. Биз эса бу турдаги янги бир қатор тангаларни аниқлаш билан бирга *tšβ'n* сўзини *trx'n* “тархон” шаклида ўқиб, уни Турк хоқонлигидаги юқори унвонлар билан боғлаган, бу ўқишимиз таниқли эроншунос Н. Симс-Вильямс томонидан қўллаб-қувватланган эди [Babayarov, Kubatin 2012].

Шунингдек, бир томонида ўнгга қараган ҳукмдор тасвири, бир томонида эса Чочда бостирилган Ғарбий Турк хоқонлиги тангаларидаги  шаклидаги тамғалар билан деярли бир хил тамға ўрин олган юқорида келтирилган 17-18 тангалардаги суғдий ёзувни *prn* “қут”, қўшалок портретли тангалардаги ёзувни эса *prn xwβw* “Илоҳий ҳукмдор” ўлароқ ўқиган, деярли бир вақтнинг ўзида ҳам Чоч, ҳам Тўхористон тангаларида қадимги туркча унвон ва тамғаларнинг учрашидан келиб чиқиб, географик томондан бир-биридан анча узоқ жойлашган ҳар иккала ўлкада бундай тангалар бостирилишини Турк хоқонлиги фаолияти билан боғлаб тушунтирган эдик [Babayarov 2007: 193; Бабаёров, Кубатин, 2010: 3-13; Babayarov 2017: 7, 12].

Ўтган йили нумизмат А. Мусакаева ва археолог А. Бердимуродов Сазағон (Пастдарғом / Самарқанд)дан топилган тангалар хазинасида ўнлаб миқдордаги сиртига суғдий ёзув босилган Сосоний тангалари бўйича

## ЎРТА ОСИЁ БИТИКЛАРИ

махсус мақола ёзиб, бу туркум тангаларнинг бир неча янги типларини аниқладилар. Бироқ улар бу туркум тангаларда суғдий ёзув ва туркий унвонлар учраши айнан қандай тарихий воқеликлар билан боғлиқлиги масаласи кўтаришмаган [қаранг. Мусакаева, Бердимуратов 2018: 137-144].

### 3. Тангаларнинг ёзув бичими (орфографияси)








Юқорида келтириб ўтилган тангалардан ёзувларнинг барчаси суғдий ёзувнинг илк ўрта асрларда Суғд ўлкаси ва унга қўшни Чоч, Ўтрор, Уструшона, Фарғона, Еттисув, Шарқий Туркистон ва Мўғулистон худудларида кенг қўлланилган тури – суғдий югурик (курсив) хат турида битилган бўлиб, улар орасида *x'ʻn* “хоқон”, *tk'ʻun* “тегин”, *trx'n* “тархон” каби қадимги туркча унвонлар ва *xwβ / xwβw* “хукмдор”, *prn* “фарн”, *βʻu* “илохий” сингари суғдийча унвон ва эпитетлар аниқ-тиниқ ёзилганлиги билан ажралиб туради. Юқорида келтирилган тангалардаги эски туркча унвонларнинг, айниқса, “хоқон” унвонининг ёзилиши, 20- танга бунга истисно, Чоч, Фарғона, Суғд (Самарқанд) ва Ўтрорда бостирилган Фарбий Турк хоқонлигига тўғридан-тўғри ёки билвосита боғлиқ тангалардаги ёзув билан бирдай [қар. Смирнова, 1981: 341, 391-393; Ртвеладзе, 2006: 58, 78-86; Бабаяров, 2007: 40-52].

Улардан бошқа босма ёзувлар (*δšcy*, *pyškw*, *k-ʻnc* ёки *k-cʻn(?)*) ва қолган яна бир қатор сўзлар ҳозирча тўлақонли ўқиб чиқилмаган сўзлар сирасидандир. Қизиғи шундаки, аниқланган қадимги туркий ва суғдий сўзларнинг ёзилиш шакли Турк хоқонлиги даврида Суғд (Самарқанд), Чоч, Ўтрор, Еттисув, Шарқий Туркистон ва Мўғулистонда яратилган битиктошлар ва тангалар сиртидаги унвонларнинг ёзилиши билан деярли бир хил. Айниқса, Тўхористон тангалари ёзувларининг бир қисми Чочда бостирилган Турк хоқонлиги (552-744) тангалари ва Еттисувда бостирилган Тургаш хоқонлиги (699-766) тангаларидаги суғдий ёзув билан битта қолипга эга. Фақатгина 19- тангадаги “хоқон”

унвонининг ёзув бичими юқорида келтириб ўтилган ўлкаларда хоқонлар томонидан ёки улар номига бостирилган тангаларниқидан анчагина фарқли ёзилгани пайқалади.

Шу ўринда Тўхористон тангаларида қадимги туркча “тегин” унвонининг Чоч Тегинлари (605-750) тангаларидаги каби *tk'un* ва *tkun* кўринишида турлича ёзилганини ҳам айтиб ўтиш керак [таққосланг. Смирнова 1967: 40; Баратова, Лившиц 2002: 21; Бабаяров 2007: 40-41, 48]. Қадимги туркча “тархон” унвонининг ёзилиши эса ушбу унвоннинг суғдий ва кейинчалик араб ёзуви асосидаги ўрта асрлар форсий ва туркий ёзувларидаги ёзилиш шакли билан уйғунликка эга (t-r-x-a-n).

#### **4. Тасвирлардаги ўзига хосликлар (Иконография)**

Биринчи гуруҳдаги босма ёзувли (контрамаркли) тангалардаги тасвирлар илк ўрта асрларда Эрон ва унинг теваарагидаги ўлкаларда бостирилган Сосонийлар тангаларидаги турли ҳукмдорлар тасвирлар билан деярли бирдай бўлиб, уларнинг кўпчилик Пероз драхмасидаги тасвирга яқин келади. Иккинчи гуруҳдаги кўшалок портретли Тўхористон (Чағониён?) тангалари эса улардан бутунлай бошқача. Уларнинг чизилиш шакли – кўз ва юз тузилиши, соч турмаги 6-8 асрларда Чоч, Суғд, Ўтрор ва Бухорода бостирилган қадимги турк тангалариники билан яқин ўхшашликка эга: бироз қисик ёки бодомсимон кўз, думалоқ юзлилик, нисбатан узун соч, бошлари устида тепада юлдуз ёки куёш ўрин олган ярим ой тасвирлари [қаранг. Баратова 2005: 418; Бабаяров 2007: 11, 14, 18-19, 30; Бабаяров 2014: 70-75]. Ушбу 5 ҳукмдорликда деярли бир вақтда бостирилган тангаларда тамгалар фарқли бўлишига қарамай (Чоч -  /  / ; Суғд - ; Ўтрор -  / ; Бухоро - ; Тўхористон - ) , ҳам ҳукмдор, ҳам малика (хотун) тасвирларининг бироз қисик кўзли, юмалоқ юзли ўлароқ эски туркларни эслатади. Айримлари Ғарбий Турк хоқонлиги билан (айниқса, Чоч ва Суғд тангалари), айримлари эса хоқонликка билвосита боғлиқ сулолаларга тегишли








## ЎРТА ОСИЁ БИТИКЛАРИ

ушбу тангаларнинг барчасида хукмдорнинг узун сочли ва соқолсиз тасвирланганлиги ва шу томони билан ёзма манбалардаги маълумотларга яқин келиши диққатни тортади [Babayarov, Kubatin 2013a: 47-58]. Шунга қарамай, Тўхористон тангаларидаги тасвирларнинг ўзига хос томонлари ҳам кўзга ташланади: биринчидан, ушбу тангалардаги эркак тасвирининг мўйлов шакли Термиз тангаларидаги тасвирларга ўхшаб кетса-да, Чоч ва Суғд тангаларидагидан фарқли ўлароқ Тўхористон тангасида аёл уч қиррали қалпоқда тасвирланмаган. Шу ва бошқа томонлари билан ушбу тангалардаги портретлар илк ўрта асрлар Тўхористон тасвирий санъатига мансуб эканлиги англашилади.














Учинчи гуруҳдан ўрин олган ўнгга қараган хукмдор тасвирлари эса Чоч, Фарғона, Суғднинг қадимги туркий тангаларидан анча-мунча ажралиб туради. Бу турдаги Тўхористон тангаларида биров қисик кўзлилиқ, думалоқ юзлилиқ деярли кўзга ташланмайди. Хукмдорлар кўпроқ жингалак сочли, қирра бурунли қилиб тасвирланган бўлиб, шу ва бошқа томонлари билан ушбу тасвирлар илк ўрта асрлар Тўхористон тасвирий санъатини эслатади.







### 5. Тўхористон тангаларидаги тамғалар масаласи.

Юқорида келтирилган тангалар туркумининг 5 тасида бири-иккинчисидан ажралиб турувчи тамғалар учрайди. Улар қуйидагича:

1) , 2) / / , 3) , 4) , 5) .

Қизиғи шундаки, ушбу тамғалардан 3 таси 6-8 асрларда Ғарбий Турк хоқонлиги томонидан Чочда бостирилган тангалардаги тамғалар билан деярли бир хил бўлиб, улар ўзаро солиштирилганда қуйидагича ўзаро ўхшашлиқ кўзга ташланади:

/ ,  () , , /  (Чоч) - ,  (/ ) , ,  (Тўхористон).

Тўхористон ва Чоч тангаларидаги тамғалар ўхшашлигига бағишлаб ёзган мақоламизда Чочнинг , , , , /  кўринишдаги тамғалари билан Тў-

хористоннинг  $\text{☉}$ ,  $\text{✱}$ ,  $\text{✶}$ ,  $\text{✸}$ ,  $\text{✹}$ ,  $\text{✺}$  кўринишдаги тамгалари ўзаро ўхшашлигига урғу берган (Бабаяров, Кубатин 2010: 3-13; Babayarov 2017: 5-20), шунингдек, ушбу тамгалар орасида  $\text{☉}$  кўринишидаги тамға ва унинг вариантларидан бирининг ( $\text{☉}$ ) қадимги турк ва суғдий ёзувли “хоқон” унвонли Фарғона тангаларида ( $\text{☉}$ ) ва Суғнинг кичик ҳукмдорликларидан бири – Панч тангаларидаги ( $\text{✱}$  /  $\text{✶}$ ) тамгалар билан ҳам яқин ўхшашлик борлигига тўхталиб ўтган эдик. Шунингдек, Чочда бостирилган олд юзида икки ўрқачли туя тасвири, орқа юзида  $\text{✶}$  /  $\text{✸}$  кўринишдаги тамға ва унинг теграсида суғдий ёзувда *prn βyu x'γ'n* “Илоҳий қут (сохиби) хоқон” унвони учрайдиган Ғарбий Турк хоқонлиги тангалари билан олд юзида қўшалок тасвир (ҳукмдор ва малика), орқа юзида эса  $\text{✸}$  тамға ва унинг ёнида суғдий ёзувда *prn хwβw* “Илоҳий ҳукмдор” сўзлари ўрин олган Тўхористон, аниқроғи, Чағониён тангаларини ўзаро солиштириб, улар орасида қандайдир бир боғлиқлик борлигига урғу берган эдик. Қизиғи шундаки, Сосонийлар Эрони тангалари сиртидаги босмалар орасида  $\text{✸}$  кўринишидаги тамға ва бақтрийча ёзув учраши [қаранг. zeno.ru - #20913] Чағониён ҳукмдорларининг Тўхористондаги бошқа туркий сулолалар бошқарувчилари каби Сосонийлар тангасининг ўз худудида муомалада бўлишини таъминлашга интилганликларини кўрсатади.

Шу ўринда Э.В. Ртвеладзенинг кейинги йиллардаги изланишларида Тўхористоннинг Гуфтан (Ғарбий Сурхондарё) ҳукмдорлиги тангаларида учрайдиган  $\text{☉}$ ,  $\text{✱}$ ,  $\text{✶}$ ,  $\text{✸}$ ,  $\text{✹}$ ,  $\text{✺}$  кўринишдаги тамгаларнинг Турк хоқонлиги ва ушбу ўлкадаги туркий сулолалар билан боғлиқлигига урғу берганлигини айтиб ўтиш керак [Ртвеладзе 2006: 119].

Юқорида келтирилган ҳар учала ҳукмдорлик – Чоч, Фарғона ва Панччи ёзма ва нумизматик материаллардан маълум бўлишича келиб чиқиши Турк хоқонлигининг бошқарувчи хонадони – Ашина сулоласига мансуб ёки хоқонлик билан яқин қариндошликка эга туркий су-

## ЎРТА ОСИЁ БИТИКЛАРИ

лолалар бошқарган бўлиб [Лившиц, 1979: 5669; Skaff, 2002: 364372; Бабаяров, 2007: 3435; Stark, 2008: 210-211, 224225], улар томонидан бостирилган тангаларда туркий унвон ва ўхшаш тамғалар ўрин олиш ўзининг тарихий негизларига эга. Демак, Тўхористон тангаларидаги тамғаларнинг кўпчилиги ушбу ҳукмдорликларнинг тамғалари билан яқин ўхшашлиги ҳам юқорида кўриб ўтилганидек бу даврда ўлкани туркий сулолалар бошқарганлиги билан узвий боғлиқдир. Ҳеч бўлмаганда ушбу тангалар орасида **Ϝ** тамғали тангалар Тўхористон Ябғулари сулоласи билан, **ϙ** кўринишдагиси эса Тўхористондаги йирик ҳукмдорликлардан бири – Чағониён билан боғлиқ бўлса керак. Бундай дейишимизнинг негизида ҳар иккала тамға Ғарбий Турк хоқонлиги (Чоч) тангаларидаги “хоқон” унвонли тангалар билан яқин ўхшашлиги ётади. Бу даврда Тўхористонда Ғарбий Турк хоқонлигининг яна бир тармоғи – Ябғулар сулоласи бошқарувда бўлса, Чағониёнда эса келиб чиқиши хоқонликка бориб тақалувчи сулола бошқарувда эди.

Вахшдан топилган тангаларда ўрин олган тамғалар (**Ϝ**) ҳам ўз тарихий асосларига эга. Хитой ва араб манбаларидан бу даврда Вахш ҳамда унга яқин Шуман ва Ахарун ҳукмдорликлари бошқарувида туркий сулола турганлиги англашилади (Бичурин, Гренэ, Вессьер, Экрем, Бобоёров). VII-VIII асрларда Чоч Тегинлари (605-750) томонидан бостирилган *tk'un / tkyn* “тегин” унвонли тангаларда ҳам юқорида келтирилган 22-23 тангалардаги билан яқин ўхшашликка эга **Ϝ** кўринишдаги тамға ўрин олган бўлиб [қар. Бабаяров 2007: 40-4], ушбу тамға тадқиқотчилар томонидан Ғарбий Турк хоқонлиги тангалари (Чоч) тамғаларидан бирининг (**Ϝ**) бирмунча ўзгаришга учраган тури деб қаралади [қаранг. Бабаяров; Яценко 2019]. Бу туркумдаги тангаларнинг кўпчилиги тарихий Вахш (Тожикистон) ҳукмдорлиги тупроқларидан топилаётганлиги уларни исломдан олдин бу ерни бошқарган туркий сулола би-



лан боғлашга имкон беради. Шунингдек, бу тамғалар (ϯ, ϫ) Ғарбий Турк хоқонлигининг бошқа бир тармоғи бўлмиш Фарғонанинг Ашина хонадонига тегишли қадимги турк-рун ва суғдий ёзувли “хоқон” унвонли тангалардаги тамғалар (ϯ) билан яқин ўхшашликка эгалиги кўзга ташланади [қар. Vabayar 2008: 136-46].

Сосоний тангалар устида “хоқон” унвони ва ϫ кўринишдаги тургаш тамғаси бирга босилган тангаларни айрим тадқиқотчилар Тургаш хоқонлиги билан боғлаши диққатни тортади.

Тўхористон тангаларидаги, аниқроғи, ушбу ўлкага қарашли Термиз ҳукмдорлигига тегишли тангаларда ўрин олган † кўринишдаги тамғанинг Ғарбий Турк хоқонлигининг *trδw x 'y'n* “Тарду хоқон” унвонли тангаларидаги тамға (ϩ / †) ва Панч ҳукмдорлигининг юқорида келтирилган тангасидаги иккинчи тамғаси (‡) билан бирмунча ўхшашлиги бордек кўринади. Бироқ бу ўхшашлик тасодифий бўлса керак.

Сосонийлар тангасига сўнградан туширилган босмалар туркумида суғдий ёзувда *x 'y'n* “хоқон” унвони ёки *δšcy βyu* “Илоҳий (и)дишчи” / “Тиш илоҳи” иборалари ва ϫ кўринишдаги тамға учраши (1213 расмлар) эса бир қатор тадқиқотчилар урғу берганидек Тургаш хоқонлиги (699-766) билан боғлиқдир (Баратова, Лившиц). Ёзма манбаларда Ғарбий Турк хоқонлигининг иттифокчи уруғларидан бир бўлган тургашларнинг 8 асрнинг илк чорагида Ғарбий Турк хоқонлиги ўрнини эгаллагани ва шу асрнинг 30 йилларида Чоч, Суғд, Бухоро, Тўхористон ҳукмдорликларига бош бўлиб, арабларга қарши сафар уюштиргани ва Тўхористонга келганликлари тилга олинади [Esin 1977: 324; Кляшторный 1985: 165-168]. Демак, Тургаш хоқонлари ҳам Ғарбий турк хоқонлари каби Сосонийлар тангасининг ўз худудида қўлланилишини таъминлаш учун тангаларга ўз тамғасини босган бўлиб чиқади.

Тўхористон Ябғуларининг бошқарув маркази Балх бўлган чоғларда эса тангаларнинг кўпчилиги паҳла-

## ЎРТА ОСИЁ БИТИКЛАРИ

вий ёзувида *ybgw bhk'n* “Балх / Бақтрия ябғуси = Тўхористон ябғуси” сўзлари ўрин олган эди [Göbl 1967: 182-183]. Айтиб ўтиш керак, бу туркумдаги тангаларни илк бор ўрганган Р. Гёбл уларни қадимги турклар билан боғламаган бўлса-да, кўпчилик тадқиқотчилар ушбу тангаларнинг Тўхористон Ябғуларига тегишли эканлигини олға суришган [Esin, 1972: 348-350, n. 140; Harmatta, Litvinsky 1996: 367-401].

**6.** Тўхористон тангаларида қадимги туркча унвонлар ўрин олишининг тарихий илдизлари.

Хўш, юқорида келтирилган нумизматик материаллар айнан қандай тарихий воқеликлар билан боғлиқ? Албатта, 10 дан ортиқ турдаги тангаларда суғдий ёзув ва туркий унвонларнинг учраши шунчаки тасодиф бўлмаса керак. Аввало, ушбу тангаларнинг кўпчилиги бугунги Ўзбекистоннинг жанубий ҳудудларидан, бир вақтлар “Тўхористон” ёки “Шимолий Тўхористон” деб билинган тарихий ўлканинг бир қисми бўлмиш бугунги Сурхондарё вилояти ва унинг атроф ҳудудларидан топилаётганлиги уларнинг айнан қаерларда муомалада бўлганидан дарак беради. Бироқ тангаларда учрайдиган ҳукмдор тасвирлари ва рамзий белгилар илк ўрта асрларда Яқин Шарқда йирик сиёсий куч сифатида билинган Сосонийлар Эронига тегишли бўлса, тангалар устидаги босма ёзувлар орфографик жиҳатдан исломдан олдинги даврларда Амударё – Сирдарё оралиғидаги воҳа давлатларидан бири бўлмиш Суғд конфедерацияси, Чоч ва Фарғона тангаларидаги суғдий ёзувлар билан деярли бир бўлса – бу ҳолатни қандай изоҳлаш мумкин? Устига-устак, ушбу тангалардаги унвон (“хоқон”, “тегин”, “тархон”) ва тамғаларнинг бир (𐰽, 𐰾, 𐰿, 𐰺) қадимги турклар билан, айниқса, Ғарбий Турк хоқонлиги билан боғлиқ бўлиб чиқса! Бундан ташқари, Тўхористоннинг марказий бошқаруви (Ябғулар сулоласи) ва ўлканинг бошқа бир қатор ҳукмдорликлар (Чағониён, Термиз, Вахш ва б.) тангаларидаги тамғаларнинг Чоч воҳасида бостирилган тамғалар билан деярли бир экан-

лигининг негизида нима ётади? Бу каби ўхшашликлар айнан қандай тарихий воқеликлар билан боғлиқ?

Бу каби масалаларга чуқурроқ тўхталишдан олдин Тўхористон тангалари бўйича мутахассислар томонидан билдирилган фикрлар билан танишиб чиқсак. Суғд тарихи билимдони Б. Маршакнинг фикрича, “Тўхористонда Сосоний типли тангаларнинг устига суғдий ёзув зарб қилиш анъанаси бу ерда Турк хоқонлиги ҳокимияти ўрнатилган пайтда амалга оширилган. Бундан аввал Эфталитлар даврида Тўхористонда расмий ёзувлар фақат бақтрий ёзувида олиб борилар эди. Турк хоқонлиги даврида эса ўлканинг бошида Тўхористон ябғуларини турган пайтда VII асрда суғдийча “Тўхорий” (яъни, “Тўхористонга оид”) ибораси ёзила бошлаган [Marşak, 2002: 174; Zeymal’ 1994: 245-267; Зеймаль 1995: 122-127]. Турк хоқонлиги ўлкани (Тўхористон)ни қўл остига олгач, ушбу тангалар (Сосоний тангалари)нинг муомалада бўлишига рухсат берувчи ёки юқорироқ курсга эга эканлигини тасдиқловчи ўз тамгаларини босганлар. Пероз тангалари устида “тегин” (Турк хоқонлиги шахзодаси) ва “Дешчи Бағи” шаклидаги суғдий жумлалари учрайди. Баъзан бир танганинг устида ушбу икки унвон ҳам биргаликда учрайди. Дешчи Турк хоқонлигига хизмат қилган суғд амалдорларига берилган исм бўлиши мумкин [Marşak, 2002: 174].

Ушбу тадқиқотчининг кўз қарашларига қўшилган ҳолда шунга урғу бериб ўтиш керакки, Пероз ва бошқа Сосоний ҳукмдорлари тасвирили контрамарк (босма ёзув)ли тангалар асосан Эфталитлар (420-565) ва Турк хоқонлиги (552-744) даврида Тўхористон ва унга қўшни худудлардаги тарихий шаҳар харобаларида учрайди [қаранг. Мусакаева, Бердимуратов 2018: 137-144]. Босма ёзувларнинг муайян бир қисми бақтрий ёзувида, сезиларли бир қисми эса суғдий ёзувда бўлиб, асосан “хоқон”, “тегин” ва “тархон” каби унвонлардан иборат. Шу ўринда савол туғилади “ушбу унвонлар ҳам Эфталитлар давлатида, ҳам Турк хоқонлигида қўлланилган,

## ЎРТА ОСИЁ БИТИКЛАРИ

шу боис мазкур тангаларда босма ёзувларнинг ўрин олиши айнан қайси салтанат билан боғлиқ бўлиши мумкин?” Демак, юқорида келтириб ўтганимиздек, Б. Маршакнинг Тўхористондаги Сосоний типли тангалар устига суғдий ёзув зарб қилиш анъанаси бу ерда Турк хоқонлиги ҳокимияти ўрнатилган пайтда амалга оширилганлиги, бундан олдин Эфталитлар даврида эса Тўхористонда расмий ёзувлар фақат бақтрий ёзувида олиб борилганлиги борасидаги фикрида жон бордек кўринади. Шунга қарамай, Эфталитларнинг суғдий ёзувдан фойдаланганми-йўқми масаласи ҳалигача тўлақонли ечилмаганини эътироф этган ҳолда Турк хоқонлигининг ушбу ёзувдан анча кенг фойдалангани, буни хоқонликнинг марказий ҳудудлари бўлмиш Ўрхун (Мўғулистон) ва Еттисув (Жануби-Шарқий Қозоғистон – Марказий Қирғизистон) ҳамда хоқонликка алоқадор туркий сулолалар томонидан бошқарилган Чоч, Фарғона ва Ўтрор (Сирдарёнинг ўрта ҳавзалари)даги туркий унвонли суғдийча ёзувли тангалар ва турли эпиграфик ёдгорликлар тасдиқлашини айтиб ўтишимиз зарур [қаранг. Лишвиц; Лурье; Бабаяров, Кубатин].

Маълумки, Марказий Осиё ва унга қўшни ҳудудлардаги турли тилларда сўзлашувчи ўнлаб ўлкаларни ўз ичига олган Турк хоқонлиги (552-744) сиёсий жиҳатдан энг кучайган даврида Узоқ шарқдан то Қора денгизнинг шимолигача, Урал тоғлардан Шимолий Ҳиндистон ва Хуросонгача чўзилган Евроосиёдаги улкан ҳудудга эгалик қилиб, иш юритиш ва ёзишмаларда асосан қадимги турк-рун ва суғдий ёзувдан фойдаланган. Хусусан, Буғут (Мўғулистон, 581), Или (Шарқий Туркистон, 599) битиктошлари, Чоч/Тошкент воҳасида зарб қилинган Ғарбий Турк хоқонларининг тангаларидаги *зруу* “жабғу”, *сруу х'γ'n* “жабғу-хоқон” ва *х'γ'n* “хоқон” унвонлари ҳамда икки нафар машҳур хоқонлар исми – *trδw х'γ'n* “Тарду хоқон” (576-603) ва *twп сруу х'γ'n* “Тун ябғу-хоқон” (618-630) исмларининг ўрин олганлиги [Бабаяр, Кубатин, 2005: 98-102; Бабаяров, 2007:

9: 7], баъзи Тўхористон тангаларидаги суғдий ёзувдаги ибораларнинг учраши хоқонликда суғдий тилнинг асосий расмий тиллардан бири бўлганлигидан далолат беради [Баратова, Лившиц, 2002: 21-23]. Таъкидлаш керакки, суғдий ёзувдан нафақат Турк хоқонлигининг олий ҳукмдорлари, балки Амударё – Сирдарё оралиғи ва унга туташ ҳудудларнинг воҳа ҳукмдорликларидаги хоқонлик билан боғлиқ туркий сулолалар тангаларида ҳам кенг фойдаланилган. Чоч тегинлари (605-750) ва Чоч тудунлари (640-750) тангаларида *tk'un* “тегин”, *tdwn* “тудун”, Фарғонанинг Ашина хонадони тангаларида *x'y'n* “хоқон” ва Ўтрор тутуклари (VII–VIII асрлар) тангаларидаги *'δpw twtwx x'y'n* “Алп хоқон тутук” унвонли тангаларнинг суғдий ёзувда эканлиги бундан яққол кўрсатиб турибди [қаранг. Смирнова, 1981:341, 391-393; Бабаяров, 2005: 198; Бабаяров, 2007: 40-52, Ртвеладзе, 2006: 58, 78-86].

δссу βуу ёки δсу βуу шаклида ёзилган босма ёзувдаги биринчи сўзни бир қатор тадқиқотчилар қадимги шарқий эроний халқларда муайян бир илоҳа сифатида бўлган “Деси” ёки “Тиш” билан алоқадор ҳисобласалар, бир қатор тадқиқотчилар эса уни қадимги туркий “идишчи” (офтобачи) унвони билан боғлайдилар [Луконин]. Фикримизча, биринчи фикр нисбатан мантиқлироқ бўлиб, илк ўрта асрларда бундай номдаги илоҳа ҳақидаги тасаввур Суғд ва Тўхористон аҳолиси орасида нисбатан кўпроқ тарқалган эди. Аслида δссу сўзини қадимги туркча “идишчи” билан тенглаштириш мантиқлироқ кўринса-да, Турк хоқонлиги даврида муайян бир унвон сифатида бундай унвон учрамаслиги [қаранг. Rybatzki 2000: 205-292; Бабаяров 2012: 34-35; Кубатин 2014: 91-95, 188] бу фикрга шубҳа билан қарашни талаб қилади. Агар “эхтимол, хоқонлик унвонлар тизимида айнан шундай унвон бўлган-у, бир қатор унвонлар каби у ўз даври ёзма манбаларида акс этмай қолгандир” деган савол туғилган тақдирда ҳам, мавқе жиҳатдан хоқонлик бошқарувида анча қуйида туриши керак бўл-

## ЎРТА ОСИЁ БИТИКЛАРИ

ган бундай унвонга ўша даврда асосан олий мақомдаги амалдор – хоқонга нисбатан қўлланилган βуу “илоҳий, жаноб” эпитети қўшилиб келган бўлиши анча изоҳ талаб қилади.

Шу ўринда ушбу эпитетнинг асосан Чочда зарб килинган Ғарбий Турк хоқонлиги тангаларида олий унвон – хоқон (βуу *twwn* x 'γ' n “Илоҳий Тун (тўнғич) хоқон”) ва ҳукмдор исми (βуу *twп* *сруу* x 'γ' n “Илоҳий Тун жабғу-хоқон”) олдида учраши, хоқонликка билвосита алоқадор Чоч Тегинлари (605-750) ва Чоч Тудунлари (640-750) тангаларида эса “тегин” ва “тудун” унвонлари олдида умуман ўрин олмаганлигини айтиб ўтиш зарур. Бу ҳолат Тўхористондаги босма ёзувли тангаларда ҳам кўзга ташланиб, юқорида келтирилган 3-4 тангаларда βуу x 'γ' n “илоҳий/жаноб хоқон” ва δссу βуу “илоҳий Деси / Тиш” ибораларининг учраши, улар билан битта тангада ўрин олган “тегин” унвони эса бунинг акси кўзга ташланишида ҳам ўз ифодасига эга. Демак, хоқонликда юқори мавқега эга тегин “шаҳзода”лар ва тудун “доруға, ноиб”лар ушбу эпитетни ўз унвонларига қўшиб ишлата олмаган бир пайтда қандайдир бир амалдор – “идишчи”нинг ундан фойдалангани ва уни тангаларда акс эттирганини, ҳатто хоқонлар каби ўз унвонлари олдида “илоҳий” сифатини қўшиб ишлатишга журъат этганликларини айтиш анча қийин. Аксинча, ўша давр анъаналарига кўра, илоҳ ва илоҳаларнинг номларини тангаларда акс эттирилар эди (мас. Суғд тангаларида *пп* / *ппу* “Нана” [Смирнова 1981: 48-49, 233-255]).

Асосан хитой йилномаларидан, қисман эса бошқа (византия, араб, форс) манбаларидан аён бўлишича, Турк хоқонлиги 560- йилларда эса Амударё –Сирдарё оралиғидаги Тўхористонгача бўлган воҳа ҳукмдорликларни (Чоч, Фарғона, Уструшона, Суғд, Бухоро, Хоразм), 580- йилларда эса Тўхористон, Кобулистон ва Хуросоннинг катта бир қисмидаги воҳа ҳукмдорликларини қўл остига олади [Бичурин I: 229; Феофилакт Симокатта: 624; Комар 2009: 100101]. Араб тарихчиси Ди-

новарий эса Сосонийлар ва хоқонлик Ҳайтал (Эфталит) лар давлатини тор-мор қилиб, унга тегишли ҳудудларни ўзаро тақсимлашгани, турклар Чоч, Фарғона, Суғд ва Бухорони қўлга киритгани, Сосонийлар эса Тўхористон (Чағониён ва х.к.) ҳамда Кобулистонни ўзига олганини қайд этади [Chavannes 1903: 229; Shaban 1971: 482483]. Шунингдек, хитой йилномаларида Турк хоқонлиги 580-йилларда Суғдга *тегин* тайинлангани, Тўхористонга бир *тегин* юборилиб, унга туташ ҳудудлар ҳам у орқали назоратга олингани тилга олинади [Таşaғил 1995: 88].

580- йилларида Тўхористон Турк хоқонлиги таркибига киритилган бўлса-да, орадан қарийб 40 йилча вақт ўтгачгина бу ерда хоқонликка тўғридан-тўғри боғлиқ сулола ташкил топади. Хитойча ёзма манбалар (асосан, йилномалар ва Сюан-цзан саёҳатномаси)дан маълум бўлишича, 620- йилларда Тўхористонни хоқонлик номидан бошқараётган Ашина хонадони вакили “ябғу” унвонига эга бўлиб, ўлкани шу йиллардан бошлаб 750-йилларгача бошқарган ўнга яқин ҳукмдор “ябғу” унвонида тилга олинади. Демак, 620- йиллардан то 750- йилларгача бўлган 130 йил давомида Тўхористонда Ашина хонадонининг бир тармоғи бўлмиш турк ябғулари ҳукм суради.

Шунингдек, 630- йилларнинг бошида Ту-хо-ло (Тўхористон)га ташриф буюрган хитой роҳиби Сюан-цзан бу ўлканинг 27 та катта-кичик ҳукмдорликлардан ташкил топгани, улардан ҳар бирининг алоҳида ўз бошқарувчиси борлиги, шу билан биргаликда, уларнинг барчаси Тўхористон ябғусига)ишини таъкидлайди. Роҳибнинг ёзишича, бу пайтда Тўхористон ябғуси Тарду-шад бўлиб, у Ғарбий Турк ҳукмдори Ябғу-хоқон (яъни Тун ябғу-хоқон)нинг ўғли эди. У ўзини “Тўхор ябғуси” деб атаб олгани ҳақидаги маълумот Сюан-цзан саёҳатномасининг қадимги турк (уйғур)ча таржимасида қайд этилади [Тугушева 1991: 68, 202].

Хоқонлик томонидан тўғридан-тўғри бошқарилган воҳа ҳукмдорликларидан бири ҳам Тўхористон эди.

## ЎРТА ОСИЁ БИТИКЛАРИ

Хитой йилномаларида Тухоло (Тўхористон) 27 та майда ҳукмдорликдан ташкил топгани ва уларнинг барчаси қароргоҳи Хо (Кундуз)да бўлган, келиб чиқиши Ашина хонадонига мансуб шеҳу (турк. ябғу) унвонли хукмдорга)ишига урғу берилади [Бичурин II: 321]. Бу пайтда Балх, Термиз, Чағониён, Хуттал, Кумед, Вохон, Шуғнон, Қубодиён, Вахш, Шуман, Ахарун, Каррон, Руб, Самингон, Шубурғон, Гузгон, Гарчистон, Бадғис каби ярим мустақил хукмдорликлардан ташкил топган Тўхористонни туркий ябғулар бошқариши араб манбаларида ҳам бир неча бор қайд этилади [Табари 1987: 124]. Тўхористоннинг хоқонлик таркибига киритилиши бошқаларга нисбатан бироз кейинрок, 580- йилларда амалга оширилган бўлиб, бу ердаги назорат ҳам уларникидан анча фарқли эди. Хусусан, сиёсий бошқарув маркази анча узоқда – Еттисувда бўлган хоқонлик учун Тўхористонда барча майда хукмдорликлар бошини бириктириб, уларни итоатда тутиб турувчи, муайян бир сиёсий уюшмага эҳтиёжи бор эди. Шу тариқа, собиқ Эфталитларнинг сиёсий марказлари Кундуз ва Балх хоқонликнинг таянч шаҳарларига айланади ва хоқонлар дастлабки йиллардан бошлаб бу ерда ўз ноибларини жойлаштира бошлайдилар.

Юқорида кўриб ўтилганидек, 590- йиллар атрофида Тўхористон ўлкаси бошқарувига Тарду хоқон (576–603) тегин унвонли ўғлини юборган бўлса, 620- йилларда Тун ябғу-хоқон ўз ўғли Тарду шадни ўлка бошқарувига тайинлайди. Шу йиллардан то 750- йилларгача Тўхористонни бошқарган сулола вакиллари Тарду шад (620?–630), **Тегин-шад** (630–645), Ишбара ябғу (645–650), Ашина Учжебо (653–660), Кун? Ишбара ябғу (670–680 (?)), Надунили (700–720), Қутлуғ Тун Тарду (720–730), Сулайман? **Қора** (хит. Шилимань Гяло (750) каби аксарияти туркий исм ва унвонларга эга эдилар [Бичурин II: 321–322; Chavannes 1903: 155–158; Harmatta, Litvinsky 1996: 373; Ekrem 2003: 138–139]. Бу вақтда бевосита Ашина хонадонига тақалувчи сулолалар томонидан



бошқарилган Чоч ва Фарғонадан фарқли ўлароқ Тўхористон ҳукмдорларининг ябғу унвони билан ҳукм юритишлари хоқонлик учун бу ер алоҳида аҳамиятга эга бўлганидан дарак беради. Тўхористондаги мавжуд кичик ҳукмдорликларнинг кўпчилигида хоқонликка билан боғлиқ сулолаларнинг вужудга келиши ҳам шу билан боғлиқ бўлса керак. Хусусан, Термиз, Чағониён, Балх, Бадғис, Хуттал, Voxон, Вахш, Шуман, Ахарун, Кумед, Кубодиён бошқарувида туркий сулолалар турган [Ғафуров 1972: 227; Гоибов 1989: 30–31; Бобоёров 2002: 10–11].

Тўхористон бошқарувида Ашина сулоласининг вакилларининг туриши билан боғлиқ бўлса керак, Еттисувдаги хоқонлардан бир қанчаси ўзаро тахт талашувлар пайтида мағлубиятга учрагач, ушбу ўлкага сиғинганлиги ёки бу ерни ўз таъсир доирасига олишга уринганлар. Масалан, Тун ябғу-хоқоннинг ўғли Сир ябғухоқон (631-633), Юқуқ Дулухоқон (638642), \*Элби Ишбара Ябғухоқон (641-642) ва Қапғон хоқон (691716) каби хоқонлик бош ҳукмдорларининг Тўхористонга интилганликлари ёзма манбаларда ўз аксини топган [Бичурин I: 284285, 287; Таşaғил 1999: 64].


Тўхористонда, аниқроғи унинг ажрламас бир бўлагига бўлмиш Шимолий Тўхористон – Чағониён ва унинг яқинидаги ўлкаларда, Термиз (?) ва бошқаларида VII – VIII асрларда бостирилган суғдий ёзувли тангаларда қадимги турк ва суғдий унвонлар ўрин олиши Турк хоқонлиги фаолияти билан тўғридан-тўғри боғлиқдир. Шунингдек, Шимолий Тўхористоннинг тарихий Суғд ўлкасига қўшни бўлиши, айниқса, ушбу ўлка таркибидаги Кеш ва Нахшаб каби Жанубий Суғд билан яқин қўшничилиги бу ерда суғдий тилнинг ёйилишида ўзига хос кўприк бўлган. Бизнингча, суғдий тилнинг хоқонлик даврида Марказий Осиё ҳудуди бўйлаб ёйилиши, бу тилнинг сиёсий жиҳатдан расмий тил эканлиги, шунингдек, Турк хоқонлиги савдо-иқтисодий ҳаётида Суғд маъмуриятининг муҳим ўрин тутганлиги [Гуми-

## ЎРТА ОСИЁ БИТИКЛАРИ

лев, 1967: 45-46] бунга туртки бўлган. Суғдий ёзув ва тил асосан турк-рун ёзуви ҳукмрон бўлган Мўғулистон, Етгисув, Сирдарёнинг ўрта ҳавзалари, Фарғона ва Шимолий Тўхористон ҳудудларида кенг ёйилиши Турк хоқонлиги даврига тўғри келиши ҳам бу кўз қараши-мизни тасдиқлайди.

Суғдий тил ва ёзувнинг асосий аҳолиси суғдликлар бўлмаган ҳудудларда ҳам кенг тарқалганлиги ушбу тилнинг хоқонликнинг асосий тили вазифасини бажариб, Марвдан то Шимолий Хитой ва Мўғулистонгача ҳудудларда *lingua franca* вазифасини ҳам ўтаганлигини кўрсатади [ОИЯ. СЯ 1981: 348, 349]. Айниқса, Кушон подшолиги давридаёқ юнон алифбоси асосидаги шарқий эроний тиллардан бири – бактрийча тил ва ёзувдан маъмурий тил сифатида фойдаланилган, таркибига Чағониён, Термиз, Балх, Хуттал, Вахш, Воҳон, Шуман, Ахарун ва яна бир неча майда ҳукмдорликларни ўз ичига олган Тўхористон ҳудудида суғдий тил ва ёзувнинг тарқалиши мазкур ҳудудларнинг хоқонлик ҳудудига қўшиб олинishi [Гафуров, 1972: 127, 129; Гоибов, 1989: 25, 30-31] билан боғлиқ эканлигини таъкидлаш керак.

Қисқаси, суғдий ёзувли Тўхористон тангаларининг сезиларли бир қисми тўғридан-тўғри Ғарбий Турк хоқонлиги (568-740), кичик бир қисми эса Тургаш хоқонлиги (699-766) билан боғлиқ. Шунингдек, бу туркумдаги тангаларнинг кўпчилик қисми Тўхористондаги хоқонлик билан боғлиқ туркий ва ғайритуркий сулолаларга тегишлидир.

Сосоний тангаларидаги “хоқон” унвони босилганлари Ғарбий турк ва Тургаш хоқонликларига тегишли тангалар бўлса, “хоқон” ва “тегин” унвонлари бирга учрайдиганлари эса Тўхористондаги хоқонликнинг илк бошқарувчилари (580-620 йиллар) ва келиб чиқishi Ашина хонадонига тақалувчи Тўхористон Ябғулари (620-750 йиллар) билан боғланса керак. Шунингдек, Тўхористоннинг айримларида  кўринишдаги тамға, айримларида эса “хоқон” унвони учрайдиган тангала-

рини бу ердаги Ябғулар сулоласи билан боғлаш ўринлидир. Демак, келиб чиқиши Ғарбий Турк хоқонлигига бориб тақаладиган Тўхористон Ябғуларининг “Ашина тамғаси” деб атаса бўладиган ушбу тамғани ўз тангаларига қўйган бўлиб чиқади. Шу ўринда уларнинг ўз тангалари бостирад экан хўжайинлари бўлмиш Ғарбий турк хоқонларининг бош унвонини акс эттирганликлари ёки бўлмаса улар номидан танга бостирганликлари, айрим ҳолларда эса бирор унвон ёки исмга ўрин бермасдан биргина тамға (𐰽𐰺)ни кўрсатиш билан чекланганлар деб айта оламиз.

Бундан ташқари, бироз юқорида тўхталиб ўтганимиздек, айрим Сосоний тангалар устида ёлғиз “тегин” унвони, айримларида эса “тегин” ва “тархон” унвонлари бирга бостирилган тангалар хоқонликнинг Тўхористондаги илк бошқарувчилари ва уларнинг ёрдамчилари (тархонлар) фаолияти билан боғланса керак.

Тўхористоннинг суғдийча ёзувдаги туркий унвонлари ва туркий тамғалар билан бостирилган қолган тангаларини Чағониён, Термиз, Вахш, Қўбодиён ва бошқаларининг бошқарувчилари билан боғлар экан бу тангаларнинг ҳам Чоч, Фарғона ва Суғд (Панч)да бостирилган эски турк тангаларидаги тамгаларнинг яқин ўхшашликка эгаллиги, ҳам хитой, араб ва форс тилидаги ёзма манбаларда ушбу ҳукмдорликларнинг кўпчилигининг бошқарувида туркий сулолалар турганлиги доир маълумотлар учрашига таянмоқдамиз.

Демак, бошланғичда Олтой тоғлари ва Ўрхун (Мўғулистон) текисликларида ўз давлатини қурган ва йиллар ўтган сайин Шарқий Туркистон, Амударё – Сирдарё оралиғи, Хуросон ва Шимолий Ҳиндистон каби ўтроқ ўлкаларда ўз бошқарувини ўрнатган Турк хоқонлиги ўзидан олдинги кўчманчи негизли бир неча давлат уюшмаларидан фарқли ўлароқ танга бостиришни йўлга қўйган, буни амалга оширад экан эса ўз миллий ёзуви – Ўрхун-Энасой ёзувидан ташқари суғдий, бақтрий, ҳинд ва паҳлавий ёзувлари билан танишишга улгурган. Ай-

## ЎРТА ОСИЁ БИТИКЛАРИ

никса, суғдий ёзув ва тил хоқонликда расмий мақомга эга бўлганлиги бу кўзқарашимизни кўллаб-қувватлайди. Юқорида бирмунча кўриб чиқилган Тўхористоннинг суғдий ёзувли эски турк тангалари ҳам буни кўрсатиб турибди.

### 4-§. Исломгача даврдаги тангаларда “Фарғона” ибораси

Фарғона водийсининг (VII-VII асрлардаги) хитойча типдаги (квадратли тешик) исломгача бўлган тангалар орасида олд ва орқа тарафида суғдий ёзуви мавжуд.

**Ау.** Тешикнинг чап томонида: юқоридан пастгача ёзув. Ушбу ёзувни О.И.Смирнова куйидагича:  $\gamma \gamma 'n$  – *Qaghan* деб ўқиган [Смирнова, 1981: 340, №1440-1441]. Танганинг ўнг томонида шаклли тамға бор.

**Ру.** Танганинг тескари қисмида, квадрат тешик остида суғдий ёзув мавжуд. О.И.Смирнова ёзувни аввало куйидагича ўқиган: *'lg' – alga* (О.И.Смирнованинг фикрига кўра, *Alga* атамаси ўғуз туркий қабилаларидан бирининг номи) [Смирнова, 1981, С. 59, 340/485, № 1441; қаранг, шакл I, 4]. М.Исҳоқов бу ибора  $\gamma l 'k' – \text{I} - \text{ä}k\text{ä}$  деб ўқиб, ушбу иборани қадимги туркийча унвон дея талқин этган [Исҳоқов, 2008: 195].

Бизнинг фикримизча, ҳар иккала ўқиш ҳам (Смирнова ва Исҳоқовлар) тўғри қабул қилиниши керак. Чунки, сўздаги иккинчи ҳарф *l* (*lamed*)га ўхшамайди, мазкур ҳарф *r* (*resh*)га ўхшайди. Эҳтимол мазкур сўзни *br\gamma'n* – “Фарғона” деб талқин қилиш мумкин (1-расмга қаранг: 1-4).




Fig. I

Иборанинг ёзилиш шакли Муғ тоғи суғдий хужжатларида келтирилган Фарғона (А-14 хужжатидаги *βrγ'nk MLK' va βrγ'nk twtk* ҳамда, В-6 хужжатидаги *βrγ'n'k*) иборасига ўхшаш [СДГМ, 1982, II: 80-85; Лившиц, 2008: 86-94; Grenet, Vaissiere, 2002: 170].

В.А.Лившиц суғдий тилдаги “Фарғона хукмдори – Чиш” деб талқин этиб, уни Фарғона топонимининг қадим шакли деб келтиради ва ўрта эроний тилидаги алифбонинг ноёб намунаси сифатида баҳолайди [Лившиц, 1968: 229-230; Баратова, С. 246-248, abb. 3. 36]. Аммо, бу ўқиш ўзини оқламайди. Бизнингча, мазкур иборани *pncu nn x'tw'n MR'Y* “Панч хукмдори (ва) Нана-Хотун” дея талқин қилиш тарихий ҳақиқатга яқинроқ деб ҳисоблаймиз (қаранг. Расм 2).

## ЎРТА ОСИЁ БИТИКЛАРИ



Y	'	R	M	h	n	w	t	t	'	x	n	n	y	c	n	p	
5	4	7	+		-	o	o	o	o	u	u	u	u		-	o	1
3	2	7	x	-	-	o	o		o	u	u	u	u	u	u	o	2
7	2	7	+							u	u	u	u	u	u	o	3
7	2	7	+							u	u	u	u	u	u	o	4
7	2	7	+					o	o	u	u	u	u	u	u	o	5
							o	o	o	u	u	u	u	u	u		6
7	2	7			-	-	o	o	o	u	u	u	u	u	u	o	7
7	o	7	+	-	-	o	o	o	o	u	u	u	u	u	u	o	8
		7	+			o	o	o	o	u	u	u	u	u	u	o	9
7	2	7	-	7	-	o	o								u	o	10

### 5-§. Исломдан олдинги Еттисув тангаларида “Қут-чўр” унволи

1. Zeno.ru сайтида ([www.zeno.ru](http://www.zeno.ru) - #131939) Еттисувдан топилган янги турдаги тангалардан бири берилган эди. Ушбу танга турлари ҳақида ҳозиргача изланишлар деярли олиб борилмаган [қаранг: Камышев, 2002; 2008; Кошевар, 2010: 11-32]. Фақат С. Хирано берган маълумотлар бундан мустасно (Қаранг: 1-чи расм). Бир неча йил муқаддам Қанқа (Тошкент)дан топилган айрим тангалар Ғ. Бобоёров ва А. Кубатин томонидан ўрганилган (2012, 2016 йилларда). Ушбу тангаларнинг уч нусхасидаги сўғдийча иборалар ва туркча атамаларни куйидагича очиқласа бўлади (Бабаёров, Кубатин 2016: 85-100).



1



2



3

**Av:** *pny kd'r xwβw xwtcwr* – “Хукмдор Қут-Чор томонидан зарб қилинган танга”. **Rv:** Танганинг тескари то-

## ЎРТА ОСИЁ БИТИКЛАРИ

монида ўртада кўринишидаги тамға учраб, ёзув ўрин олмаган.

*kd'r* – суғдийча – “бажармок, қилмок” [Gharib, 1995: 189]. Ушбу сўзнинг *'krty* кўриниши эса Чоч ва Еттисув тангаларида *'kwn / kwn* [Бабаяров, 2007, 74-75] ўларок учрайди. Еттисув ёзувларида *pny kd'r = pny 'krty = pny 'kwn = pny kwn* каби сўзларни бошқа шакллари кўришимиз мумкин *kd'rt* – “(у) қилди” [Sims-Williams, 2011].

*xwt* – қадимги туркийча *qut* “қут, барака” [Lurje, 2010: 12].

*cwr* – қадимги туркийча атама – *Ўor*. *Ўwr* унвони Еттисув тангаларида ҳам учрайди [Бабаяров, Кубатин, 2013].

*xwtcwr* – *Qut-Ўor*. Қадимги туркий номлардан бири. Қут – “қут, барака” маънони англатиб, Чор қадимги туркча ҳарбий унвон. Ўн Ўқ – конфедерациясининг юкори маъмурий-ҳарбий унвонларидан бири бўлиб Ғарбий Турк хоқонлиги шарқий қанотининг (Ду-лу қабилалари) кўмондонлари ушбу унвонга эга бўлишган. *Qut-Ўor* ибораси Талас водийси (Еттисув)дан топилган турк-рун ёзувларида ҳам учрайди [Кляшторный, 2006, С. 367-370]. Битиктошларнинг бирида *Qut-Ўor* ҳукмдорининг исми сифатида келтирилган бўлиб, ушбу ном хитой йилномаларида 骨 噉 Ту-хо-сян гу-чжо кўринишида келади [Бичурин, II, 1950: 299; Зуев, 2002: 90].

### 6-§. Ғарбий Турк хоқонлигида суғдий тилнинг ўрни

Марказий Осиёнинг илк ўрта асрлар тарихида муҳим ўрин тутган Турк хоқонлиги (552-744) ўзининг энг гуллаб-яшнаган чоғида Узоқ шарқдан то шимолий Қора денгизигача, Урал тоғлардан Шимолий Ҳиндистон ва Хуросонгача чўзилган улкан Евроосиё кенгликларига эгалик қилди. Хоқонлик нафақат минтақанинг этно-сиёсий, иқтисодий ҳаётида, балки маданий алоқаларда



